

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2020.I.16.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 334.75.0P8.9(575.1)

АҲМЕДОВА НИЛУФАР ШУХРАТОВНА

ҚУРИЛИШДА КИЧИК ВА ЙИРИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ
ИНТЕГРАЦИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
Нуриббетов Равшан Ибрагимович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	15
1.1 Кичик бизнесни ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш масалаларини ечишдаги аҳамияти	15
1.2 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнеснинг ҳозирги ривожланиш ҳолати	27
1.3. Кичик ва йирик корхоналар интеграциясини аниқлашга тизимли-синергетик ёндошувлар	40
Биринчи боб бўйича хулосалар	50
2-БОБ. ТОШКЕНТ ШАҲРИ ИНВЕСТИЦИЯ-ҚУРИЛИШ МАЖМУАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.	52
2.1. Тошкент шаҳри инвестиция – қурилиш мажмуасининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари.	52
2.2. Худудда қурилиш тармоғида кичик тадбиркорлик секторини ривожлантириш учун бизнес-муҳити жозибадорлигини таҳлили.....	69
2.3 Қурилиш соҳаси тараққиёти ривожини таъминлашда кичик ва йирик бизнес ролини баҳолаш.....	78
Иккинчи боб бўйича хулосалар	90
III-БОБ. КИЧИК ВА ЙИРИК ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ИНТЕГРАЦИОН АЛОҚАЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ	93
3.1. Кичик ва йирик қурилиш корхоналарида интеграцион алоқаларни самарадорлигини ошириш йўналишлари	93
3.2 Қурилишда кичик ва йирик бизнеснинг мақбул нисбатларини аниқлаш асосида интеграция самарадорлигини ошириш.....	105
3.3 Қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес интеграциялашувининг муҳим кўрсаткичалари прогноз қийматларини аниқлаш.....	115
Учунчи боб бўйича хулосалар	126
ХУЛОСА	128
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	131

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида қурилиш саноати бандликнинг муҳим манбаи ҳисобланади. «У глобал бандликнинг 7,6 фоизини таъминлайди, яъни тахминан 230 миллион киши»¹. Хусусан, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида кичик ва йирик корхоналар алоҳида аҳамият касб этиб, жаҳондаги корхоналарнинг катта қисмини ташкил қилган ҳолда глобал иқтисодиёт ва бандликни таъминлашда юқори улушга эга бўлмоқда. Жумаладан, «бутун дунё бўйлаб корхоналарнинг 90 фоизга яқини ва иш билан бандларнинг 50 фоиздан ортиғи кичик ва йирик бизнес улушига тўғри келади. Ривожланаётган мамлакатларда миллий даромаднинг 40 фоизини ташкил қилади»². Қурилиш саноатида кичик корхоналар роли катта бўлиб, тадбиркорликни ривожланишига имконият яратади ва даромадларни тақсимлашда муҳим рол ўйнайди. Қурилишга бўлган талабнинг ўзгаришига қараб пудратчилар иш муҳитига бўлган хавф даражаси ҳамда ўзгариб бориши мазкур тармоқни янада такомиллаштиришни талаб этилмоқда.

Жаҳонда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари, қурилиш корхоналари фаолияти бошқарув жараёнларининг функционал самарадорлиги ишлаб чиқариш жараёнлари кетма-кетлигига асосланган, бир мақсад йўлида интеграциялашган корхоналарнинг ички имкониятларидан фойдаланиш асосида бошқарув самарадорлигини, рақобатбардошлигини ошириш борасида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда тўлиқ қувват билан фаолият юритаётган ҳамда эндиликда шаклланаётган қурилиш корхоналарининг самарали бошқарув модел ва механизмларини жорий этиш, умумий саноат маҳсулотлари таркибида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажмини ошириш

¹ ILOSTAT employment distribution by economic activity – ILO modelled estimate Nov 2019

² <https://www.worldbank.org/en/topic/sme/finance>

борасидаги илмий тадқиқотлар олиб боришда устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда қурилиш тармоғини янада такомиллаштириш, архитектура ҳамда қурилиш органлари ва муассасаларни изчил ривожлантириш механизмларини шакллантириш, шаҳарсозлик фаолиятининг сифати ва хавфсизлигини ошириш, давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш қийматини аниқлашда буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчи ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишни бекор қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш»³ каби қатор вазифалар белгиланган. Бу борада смета ҳужжатларини тузишда эскирган ва амалиётда ишлатилмайдиган технологиялар ва машиналарни чиқариб ташлаш, бозор механизмларини жорий қилиш нуқтаи назаридан қайта қўриш, тендер савдолари ўтказиш ва қурилиш шартларини ўзгартириш механизмининг такомиллаштириш, қурилиш пудрат ташкилотлари фаолиятини текширишларни тендер нархларини ҳисобга олиб, ишларни яқунлагандан кейингина амалга ошириш асосида кичик ва йирик тадбиркорлик субъектлари орасидаги интеграцион алоқаларни ривожлантириш юзасидан илмий изланишларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

«Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чорва-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 27 ноярбдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда қурилиш ва қурилиш саноати, ривожланаётган мамлакатлар қурилишини бошқаришда муваффақиятнинг муҳим омиллари, кичик ва йирик қурилиш корхоналарида хорижий ишчиларни ишлатиш, қурилишдаги тўсиқлар, субпудратчилик асосида фаолиятни ташкил қилиш, қурилиш соҳасидаги кичик ташкилотларда хавфсизликни таъминлашдаги тўсиқлар ва уларни бартараф этиш стратегиялари кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, К.Ж.Ниелсон, Ж.Лауритсен, Ф.Ландер, Л.П.Андерсен, П.Кинес, М.Н. Озмек, И.Карлсен, Р.Гритнес, Ҳарди Сарвари, Даниел В.М. Чан, Али Халид Фақир Алаеос, Тимоти О. Олавуми, Алаа Абдалкарим Алдауд, Э.Ноорзаи, М.Глобачи. Т.О.Олавуми, Д.В.М. Чан, Томас Р. Куннингам, Ребекка Ж. Гуерин, Бренна М. Келлер, Михаел А. Флинн, Кати Салгадо, Деннис Худсон, Пиотр Новотарскиа,

Жерзи Паславскиа, Риза Ёсиа Суниндижоа,⁴ ва бошқалар илмий изланишларида мазкур масалалар тадқиқ қилинган.

МДХ олимларидан Е.Т.Гайдар, Д.О.Мацоян, В.А.Воронин, М.А.Королева, Е.С. Кондюкова, Л. В. Дайнеко, Н. М. Караваева, К.Ю.Курцева, З.Х. Каракотова, Е.В. Фоломеев⁵ кичик бизнеснинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли, қурилиш корхоналарида интеграциянинг рақобатбардошликка таъсири, инвестицион ва қурилиш соҳасида интеграцион жараёнларни бошқариш, қурилиш мажмуасидаги корхоналарнинг инновацион салоҳияти ҳамда уларнинг ечиш бўйича таклифлар келтириб ўтилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Фуломов, А.М.Ҳикматов, Ш.Н.Зайнутдинов, Р.И.Нурымбетов, Б.Ю.Ходиев, С.К.Салаев, М.К.Зияев, И.Х.Давлетов, У.В.Гафуров, Б.Д.Кальметов, В.А.Казимов, Р.И.Гимуш,

⁴Nielsen, K.J., Lauritzen, J., Lander, F., Andersen, L.P., Kines, P., Ozmec, M.N., Karlsen, I., Grytnes, R., 2012. Safety in the Building and Construction Industry. Danish Ramazzini Centre, Department of Occupational Medicine, Herning Regional Hospital, Denmark.; Hadi Sarvari, Daniel W.M. Chan, Ali Khalid Fakhir Alaeos, Timothy O. Olawumi, Alaa Abdalkarim Abdalridah Aldaud. Critical success factors for managing construction small and medium-sized enterprises in developing countries of Middle East: Evidence from Iranian construction enterprises. Journal of Building Engineering 43 (2021) 103152.; E. Noorzai, M. Golabchi, Selecting a proper construction system in small and medium mass housing projects, considering success criteria and construction volume and height, J. Eng. Des. Technol. 18 (4) (2020) 883–903, <https://doi.org/10.1108/JEDT-09-2019-0227>.; T.O. Olawumi, D.W.M. Chan, Identifying and prioritising the benefits of integrating BIM and sustainability practices in construction projects: a Delphi survey of international experts, Sustainable Cities and Societies 40 (2018) 16–27.; Thomas R. Cunningham, Rebecca J. Guerin, Brenna M. Keller, Michael A. Flynn, Cathy Salgado, Dennis Hudson. Differences in safety training among smaller and larger construction firms with non-native workers: Evidence of overlapping vulnerabilities. Safety Science 103 (2018) 62–69; Piotr Nowotarskia*, Jerzy Paslawskia. Barriers in running construction SME – case study on introduction of agile methodology to electrical subcontractor. Procedia Engineering 122 (2015) 47 – 56.;Riza Yosia Sunindijoa. Improving safety among small organisations in the construction industry: key barriers and improvement strategies. Procedia Engineering 125 (2015) 109 – 116.

⁵ Малый и средний бизнес как фактор экономического роста России / Ин-т экон. политики им. Е.Т. Гайдара. – М.: Изд-во Ин-та Гайдара, 2019. – 308 с.: ил. – (Научные труды / Ин-т экон. политики имени Е.Т. Гайдара; № 178Р). – ISBN 978-5-93255-548-4.; Даниил Олегович Мацоян. Интеграция как инструмент повышения конкурентоспособности предпринимательских структур в строительстве. Вестник ТГУ, выпуск 1 (105), 2012., Воронин В.А. методология управления интеграционными процессами инвестиционно-строительной деятельности в условиях модернизации национальной экономики: Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -М.: МГУ. 2011. - 46 с.; Экономика строительного предприятия : учеб. пособие / [М. А. Королева, Е. С. Кондюкова, Л. В. Дайнеко, Н. М. Караваева] ; М-во науки и высш. образования Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. — Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2019. — 202 с.; Курцева К.Ю. Зависимость развития строительной отрасли от научных разработок // ПАНОРАМА: научный журнал / Воронеж. гос. ун-т. Воронеж, 2011/2, с.113-116.; Каракотова З.Х. Инновационный потенциал предприятий строительного комплекса региона// [Электронный ресурс] // Режим доступа: <http://uecs.ru/uecs-39-392012/item/1103-2012-03-05-06-58-42>.; Фоломеев Е.В. Современное состояние и проблемы малых предприятий в строительной отрасли России // Мир. 2011. № 4 (8).; Фоломеев Е.В. Процессный подход к управлению субъектами малого предпринимательства в строительстве как способ повышения эффективности их деятельности. М., Сметно-договорная работа в строительстве, № 6, 2012.

С.М.Ниязов, А.Суюнов, Э.Х.Махмудов, Ш.К.Қурбаниязов⁶ ва бошқалар илмий изланишларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг назарий услубий асослари, қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, инвестицион жараёнларни такомиллаштириш асосида қурилиш иқтисодиётини модернизациялаш масалалари тадқиқ қилинган.

Бироқ мазкур тадқиқот ишларида, кичик бизнеснинг ривожланиш имкониятлари, унинг назарий – услубий асослари, мамлакатда қурилиш мажмуасини ривожлантириш, қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш масалалари кенг ёритиб ўтилган бўлишига қарамасдан, бугунги жаҳон иқтисодиётида муҳим бўлган интеграцион жараёнлар, хусусан қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнеснинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, пудратчилик асосида ҳамкорликни ташкил қилиш бўйича иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, интеграция натижасида келиб чиқадиган синергетик самарадорликни баҳолаш масалалари етарлича ўрганилмаганлиги бу борада чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этиши мазкур мавзунинг тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлди.

⁶С.С.Ғуломов. “Тадбиркорлик ва кичик бизнес”. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Бош таҳририяти. 2002. – 369 бет; Ҳикматов А. М. Инвестиционная политика в условиях либерализации экономических реформ в Узбекистане.//Рынок, деньги, кредит, №6,2000; Зайнутдинов Ш. Н., Нурибегов Р. И. Ресурсная база и потенциал производство Узбекистана: использования и эффективность (региональный аспект) // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №10 (23). С. 207-212. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/zaynutdinov> (дата обращения 15.10.2017); Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док. дисс. -Т.: ТДИУ. 2000.-338 б.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. иқт.фан.док. дисс. -Т.: ТДИУ. 2008.-298 б.; Зияев М.К.,Давлетов И.Х. Совершенствование управления инвестиционно-строительным процессом в условиях углубления рыночных отношений // Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы: Матер. межд. науч.- прак.конф. БФА РУз, 26-27 сентября 2008 г. – Ташкент: “Молия”, 2008. - С.46-49; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Монография, Т.: Молия 208.,2016.; Кальметов Б.Д., Казимов В.А., Гимуш Р.И. Углубление экономических реформ в строительном комплексе Узбекистана. Монография Ташкент, 2006. 186 с.; Ниязов С.М. Экономическое реформирование производственно-технической базы строительства.-Т.: Изд-во«Fan va texnologiya», 2010.-176с.; Суюнов А. Модернизация экономики капитального строительства на основе совершенствования инвестиционных процессов.- Т.: «Fanvateknologiya», 2010.-164 с.; Махмудов Э. Х. Промышленность Узбекистана: экономика, размещения, приоритеты развития (вопросы теории и практики) Ташкент: Иқтисодият, 2013. 131 с.; Қурбаниязов Ш.К. Производство строительных материалов на современном этапе экономического развития Узбекистана. //Biznes-эксперт, 2017 йил, №11(119). (08.00.00; № 3).

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170929173 – «Ўзбекистонда уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш (Тошкент шаҳри мисолида)» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- кичик бизнесни ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш масалаларини ечишдаги аҳамиятини асослаш;
- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнеснинг ҳозирги ривожланиш ҳолатини тадқиқ қилиш;
- кичик ва йирик корхоналар интеграциясини аниқлашда тизимли-синергетик ёндошувларни қўллашнинг устунликларини кўрсатиб бериш;
- Тошкент шаҳри инвестиция – қурилиш мажмуасининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари статистик таҳлилинини амалга ошириш;
- ҳудудда қурилиш тармоғида кичик тадбиркорлик секторини ривожлантириш учун бизнес-муҳити жозибадорлигини баҳолаш;
- қурилиш соҳаси тараққиёти ривожини таъминлашда кичик ва йирик бизнес ролини баҳолаш;
- кичик ва йирик қурилиш корхоналарида интеграцион алоқаларни самарадорлигини ошириш йўналишларини аниқлаш;
- қурилишда кичик ва йирик бизнеснинг мақбул нисбатларини аниқлаш асосида интеграция самарадорлигини ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес итеграциялашувининг муҳим кўрсаткичалари прогноз қийматларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган кичик ва йирик бизнес субъектлари олинган.

Тадқиқот предметини қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, экспертлар усули, иқтисодий-статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, социологик сўровнома, регрессион ва корреляцион таҳлил каби усуллардан самарали фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қурилишда маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлашда буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчи ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишни бекор қилиш таклиф этилган;

уй-жой қурилиши соҳасига инвестицияларни фаол жалб қилиш, кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш мақсадида йирик қурилиш ташкилотлари қурилиш-монтаж ишларини ишлар (хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариш шарти билан субпудрат ташкилотларини жалб қилиши таклиф этилган;

субпудратчилик асосида иш юритувчи йирик қурилиш корхоналарини мол-мулк солиғидан озод қилиш ва иқтисод қилган маблағлар ҳисобидан қўшимча субпудратчиларни жалб қилиш таклиф этилган;

қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси негизида давлат қурилиш назоратини ўрнатиш ҳамда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишни бекор қилишга оид қурилиш ишлари ҳажмини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳри қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналарда ишчиларнинг механизациялашган иш билан бандлиги ва технологик конструкцияларни жалб қилишнинг оптимал даражаси асосланиб, унга кўра меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик даражаларини ошириш мумкинлиги асосланган;

қурилиш соҳаси кичик ва йирик корхоналар ўзаро ҳамкорлигининг субпудратчиликка асосланган узоқ муддатли даврдаги рақобатбардошлиги интеграл бошқарув индекс қийматини «мутлоқ юқори» (10), «юқори» (6,09-8,09), «ўртача» (3-5,7), «паст» (3-5,01) ва «энг паст» (1-3) чегарасидаги мезонлари орқали баҳолаш таклиф этилган;

кичик ва йирик корхона ўзаро интеграциялашуви асосида ташкил этиладиган ҳамкорлигининг субпудратчиликка асосланган ютуғи ва синергетик самарадорлигини баҳолаш усули таклиф этилган;

қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари улуши билан амалга оширилган қурилиш ишлари реал ҳажми орасидаги боғлиқликни баҳолашнинг миқдорий усуллари асосланган;

қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес интеграциялашувининг муҳим кўрсаткичалари истиқболдаги прогноз кўраткичлари кўп вариантли эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертацияда қўлланилган ёндашув, хусусан, миқдорий усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси даврий ҳисоботларидан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги тадқиқотчи томонидан иқтисодий таҳлил, эконометрика ва статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий амалий таклифлардан қурилиш тармоғида кичик ва йирик бизнес субъектларини янада ривожлантириш ва фаоллаштиришга оид назарий-методологик аппаратни, мавзуга оид иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда, жойларда қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектларини янада самарали ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда, комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги иқтисодий таҳлил усуллари, статистик усуллар ва эконометрик моделлар, таклиф ва хулосалардан қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли давлат, минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда олий ўқув юртларида “қурилиш иқтисодиёти”, “саноат иқтисодиёти” фанларини ўқитишда ва соҳага оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қурилишда маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлашда буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчи ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишни бекор қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон “Ўзбекистон

Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси”га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2021 йил 11 ноябрдаги 09-06/13167-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг 2021 йил 26 октябрдаги №11/05-15-8997-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этиш натижасида, кичик ва йирик бизнеснинг интеграцион алоқаларида корхона ишчиларининг иш билан бандлиги даражасини 0,62 дан 0,77га ҳамда технологик конструкцияларни жалб қилиш даражасини 0,4 етказиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини 8 %га, маҳсулот рентабеллигини 1,1 %га ошириш имконияти яратилган;

уй-жой қурилиши соҳасига инвестицияларни фаол жалб қилиш, кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш мақсадида йирик қурилиш ташкилотлари қурилиш-монтаж ишларини ишлар (хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариш шарти билан субпудрат ташкилотларини жалб қилиши таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги ПҚ-4732-сон “Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2021 йил 11 ноябрдаги 09-06/13167-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг 2021 йил 26 октябрдаги №11/05-15-8997-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф қурилишда кичик ва йирик бизнеснинг интеграциялашуви самарадорлигини миқдорий усуллар асосида баҳолаш имкониятини яратган, ҳамда Тошкент шаҳридаги кичик бизнес субъектларининг ўртача йиллик даромади 10 фоизга ошиши таъминланган;

субпудратчилик асосида иш юритувчи йирик қурилиш корхоналарини мол-мулк солиғидан озод қилиш ва иқтисод қилган маблағлар ҳисобидан қўшимча субпудратчиларни жалб қилиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2021 йил 11 ноябрдаги 09-06/13167-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнеснинг оптимал нисбатларини аниқлашга хизмат қилиб, натижада Тошкент шаҳри қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларининг харажатларини ўртача 6 фоизга камайтириш имконини берган;

қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси негизида давлат қурилиш назоратини ўрнатиш ҳамда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишни бекор қилишга оид қурилиш ишлари ҳажмини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2021 йил 11 ноябрдаги 11/05-5-сон баённомаси билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2021 йил 11 ноябрдаги 09-06/13167-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз натижалари қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик ва йирик бизнес субъектлари 2025 йилга бориб шаҳарда амалга оширилган қурилиш ишларининг реал қиймати 11351,9 миллиард сўмни ташкил қилиши, 2020 йилда амалга оширилган қурилиш ишларининг реал қийматига нисбатан 1,86 баробарга ошиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича унинг асосий ғоялари ва мазмунини акс эттирувчи жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда ҳамда 5 та тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 130 бетни ташкил этади.

I БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Кичик бизнесни ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш масалаларини ечишдаги аҳамияти

Кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда йирик бизнесга нисбатан қатор устунликларга эгаллиги унинг иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги муҳим омиллардан бири сифатида шаклланишига хизмат қилди. Натижада, кичик бизнеснинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, аҳоли реал даромадлари ҳамда жамиятда ўрта синф улушини ошириш каби муҳим бўлган иқтисодий муаммоларни бартараф этиш воситаси эканлиги қатор иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларида ўз тасдиғини топган. «Хусусан, кичик корхона ва микрофирмалар ёшлар, аёллар бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадини ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида намоён бўлади»⁷. «Шунингдек, кичик бизнес тараққиёти тарихи дунё иқтисодий ривожланишидаги энг муҳим воқеалардан бўлиб»⁸, «ҳар қандай мамлакат иқтисодий ривожда асосий улушни таъминловчи муҳим механизмлардан бири сифатида шаклланди»⁹.

Кичик бизнеснинг эътироф этилган ўзига хосликлари ва иқтисодий моҳиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги иккита жиҳатни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

⁷ Bizuayehu Daba Feyisa; Kaleb Amanu Tamene (2019). The Roles of Micro and Small Enterprises in Empowering Women: The Case of Jimma Town, Ethiopia. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, Volume 6, Issue 2 April, 2019 (pp. 190-202). <http://dx.doi.org/10.18415/ijmmu.v6i2.697>

⁸ Solomon, G. T., Bryant, A., May, K., & Perry, V. (2013). Survival of the fittest: Technical assistance, survival and growth of small businesses and implications for public policy. *Technovation*, 33(8), 292-301. <https://doi.org/10.1016/j.technovation.2013.06.002>

⁹ Al-Khatib, J., Dant, R. P., & Vitell, S. J. (2015). Marketing and Economic Development: the Saudi Arabian Experience. In *Proceedings of the 1989 Academy of Marketing Science (AMS) Annual Conference* (pp. 659-664). Springer International Publishing. https://doi.org/10.1007/978-3-319-17055-8_134

Биринчидан, кичик бизнес - бозор шароитида кичик ишлаб чиқаришнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шакли сифатида фаолият юритадиган субъектларнинг бирлашиши натижасида шаклландиган иқтисодиётнинг махсус соҳаси ҳисобланади. Кичик бизнес объектив равишда мавжуд бўлиб, миллий, минтақавий ва маҳаллий иқтисодиёт секторлари яхлитлигининг бир тури сифатида ривожланмоқда. Иккинчидан, кичик бизнес - тадбиркорлик даромадига эга бўлиш мақсадидаги ҳаракатчан, инновацион, таваккалчиликка асосланган фаолиятнинг махсус туридир.

«Кичик бизнесга иқтисодиёт ва уни ривожлантиришнинг алоҳида йўналиши сифатида ёндашиш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг икки томонлама бирлашувига асосланади: ташкилий-техник ва ижтимоий-иқтисодий. Биринчиси ишлаб чиқаришнинг моддий элементлари, ишчи кучи ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари йиғиндиси бўлса, иккинчиси ижтимоий шаклини ташкил этадиган ишлаб чиқариш муносабатлари билан ифодаланади»¹⁰.

Кичик бизнесни таснифлаш, ривожини таъминлаш, қўллаб-қувватлашда уни аниқлаш мезонлари муҳим бўлиб хизмат қилади. Ушбу мезонларни ишлаб чиқиш бўйича жаҳон амалиётида қатор ёндашувлар мавжуд ва миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланиш кенг тарқалган бўлишига қарамасдан кўпчилик ҳолатларда миқдорий белгилашни баъзи сифат кўрсаткичлари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб қаралади.

Айрим тадқиқотчилар кичик бизнесни аниқлаш параметрларини белгилаш учун ушбу мезонларнинг етарлилиги ва самарадорлигига шубҳа билан қарашади. Хусусан, “кичик корхона”ни аниқлаш учун мезонларнинг илмий асослари ёритилмаганлиги ва уни ўз-ўзича қабул қилиниши масалаларига танқидий

¹⁰ Савельева, Ирина Петровна Методологические проблемы формирования эффективного организационно-экономического механизма интеграции малых и средних строительных предприятий диссертация доктора экономических наук 08.00.05 Санкт-Петербург 2008 <http://dlib.rsl.ru>

карашларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда.¹¹ Кўпчилик ҳолатларда кичик бизнесни аниқлашда ишчилар сонидан фойдаланилади бироқ, юқори автоматлаштирилган ишлаб чиқариш оз сонли ишчиларга эга бўлган ҳолда маҳсулот ҳажми ва бошқалар бўйича кичик бизнесга мос келмайдиган корхонани бошқаришга имкон беради. Натижада, ходимлар сони кичик корхона деган хулосага келиш учун тўлиқ асосга эга эмаслигини ва қўшимча, иқтисодий мезонларни ривожлантириш асосида кичик корхоналарни аниқлаш усулларини такомиллаштириш лозимлигини асослайди. Баъзи иқтисодчи олимлар «ишчилар сонидан ҳам муҳим бўлган мезон бу товар айланмаси ҳажми эканлиги ва уни ҳам инобатга олиш лозимлигини таъкидлашади»¹².

Тадқиқотларни кўрсатишича дастлабки даврларда кичик бизнесни аниқлаш мезонлари сифатида ходимлар сони кўрсаткичидан фойдаланилган ва кейинчалик уни сифат кўрсаткичларига эътибор қаратила бошлаган. Хусусан, Европа Иттифоқида 1995 йил 1 январгача амалда бўлганидек, Италияда ҳам ишчилар сони 1 дан 19 гача бўлган корхоналар энг кичик фирмалар қаторига, 20 дан 99 гача - кичик, 100 дан 499 гача - ўрта корхоналар қаторига киритилган¹³.

Буюк Британияда, Боултон Комиссиясининг (Буюк Британия Парламенти Кўмитаси) ҳисоботида кўра, корхоналарни кичик деб таснифлаш иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишчилар сони ва айланмаси тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Микрофирмалар - бу ходимлар сони 1 дан 23 кишигача бўлган корхоналар, кичик корхоналар эса - 24 дан 99 кишигача бўлган фирмалардир. Шу билан бирга, қайта ишлаш саноатида ишчилар сони 200 кишидан кам бўлган корхона кичик деб ҳисобланади, чакана савдода эса 400 минг фунт стерлингдан ошмайдиган айланмага эга корхона ҳисобланади. 1981 йилда қабул қилинган

¹¹ Немчинов, Н. Вопросы правового регулирования малого предпринимательства / Н. Немчинов // Деловой юридический журнал. - 1995. - №4.

¹² Супатаев, М.А. К проблеме понятия субъектов малого предпринимательства / М.А. Супатаев // Правовые проблемы малого предпринимательства. — М., 2001.;

¹³ Колесников, А. Малый и средний бизнес: эволюция понятий и проблема определения / А. Колесников, Л. Колесникова // Вопросы экономики. — 1996. — №7.

компаниялар тўғрисидаги қонунга биноан кичик бизнес қуйидаги белгиларнинг иккитасига жавоб бериши талаб қилинади. «Яъни товар айрибошлаш ҳажми - 2,3 миллион ЭКЮдан ошмаслиги ва активларининг умумий қиймати - 1,5 миллион ЭКЮдан кўп бўлмаслиги лозим, шу билан бирга ходимларнинг ўртача сони 50 кишигача бўлиши зарур»¹⁴.

Европа Иттифоқи Комиссиясининг «1996 йил 3 апрелдаги тавсиясида мазкур молиявий кўрсаткичлардан кичик ва ўрта корхоналар параметрларини аниқлашда фойдаланишни таклиф қилинди»¹⁵ ва Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқа мамлакатларда корхоналарни “кичик” деб таснифлашда кенг қўлланила бошланди.

Шунингдек, Европа Иттифоқи 2005 йил 1 январдан бошлаб кичик ва ўрта бизнесга йирик компанияларга нисбатан кўпроқ миллий ва минтақавий ёрдам берилиши мақсадида

1.1.1-жадвал

Европа Иттифоқида кичик ва ўрта бизнесни аниқлаш мезонлари

Корхона тури	Ишчилар сони	Товар айланмаси	Баланс қиймати жами
Микрофирма	<10	<2 миллион Евро	<2 миллион Евро
Кичик корхона	<50	<10 миллион Евро	<10 миллион Евро
Ўрта корхона	<250	<50 миллион Евро	<43 миллион Евро

Ҳамжамиятнинг барча актлари, молиялаштириш дастурлари, шу билан бирга давлат томонидан ёрдам кўрсатишга оид янги таърифлар кучга кирди. «Янги таъриф молиявий аҳволни ўсишини таъминлашга қаратилган бўлиб, унга кўра ўрта корхонанинг айланмаси 50 миллион евро (20-249 киши), кичик корхоналарда 10 миллион евро (10-49 киши), микрофирмаларда 2 миллион евродан ошмаслиги (10 нафар ходимдан кам) белгилаб берилган. Шунингдек ўрта, кичик корхоналар ва микрофирмалар учун бухгалтерия баланси мос

¹⁴ Stanworth J., Gray C. Bolton. 20 Years On: The Small Firm in 1990s - Small Business Research Trust? National Westminster Bank. PCP. 1991

¹⁵ Законодательное регулирование развития малого предпринимательства. -М.: Проект Тасис SMERUS 9501, 1988

равишда 43 миллион, 10 миллион ва 2 миллион евродан ошмаслиги талаб қилинади»¹⁶ (1.1.1-жадвал).

Мазкур йўналишда илмий тадқиқот олиб боровчи иқтисодчи олимлар, кичик бизнес моҳиятини ўрганиш учун унинг сифат хусусиятлари ва белгилари, аниқлик киритишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган тадқиқот предметининг хусусияти ва ўзига хосликларини муҳим деб ҳисоблашади. «Бироқ, мазкур ёндашув асосан субъектив мулоҳаза ва тажрибаларга асосланган бўлиб, улар “интуитив равишда” маълум даражада бошқа корхоналар ўлчамига хос бўлган фарқларни ифодалашга хизмат қилади»¹⁷.

Бундай ёндашувга мисол сифатида Р. Бруксбэнк¹⁸ «ўзининг “Кичик бизнес тушунчаси: компания ҳажмининг янги таснифи” асарида Ван Хорннинг»¹⁹ таърифларини келтиради. Кичик корхоналарни стратегик режалаштиришни таҳлил қилишда Ван Хорн кичик фирмаларнинг стратегик жиҳатларига хос бўлган бешта хусусиятини аниқлайди: бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг нисбатан кам миқдори (технологиялар, хизматлар ва бошқалар), чекланган ресурслар ва имкониятлар (капитал, инсон ресурслари), корхонанинг стратегик ҳолатини баҳолаш ва назорат қилиш учун зарур бўлган кам ривожланган бошқарув тизимлари, тизимлаштирилмаган бошқарув, тренинг ва ўқув дастурларга муносабатларнинг норасмийлиги, асосий бошқарув лавозимлари ва акцияларнинг катта қисми корхона муассислари ёки уларнинг қариндошлари томонидан ушлаб турилади.

Ушбу сифат мезонлари ва Голландиядаги консалтинг тажрибасига таянган ҳолда, Ван Хорн қатор миқдорий мезонларни асослаб, 50 дан 500 гача ишчи ва 1-

¹⁶ Ștefania Anca Stan. The role of small business in economic development of european economy, Studies and Scientific Researches. Economics Edition, No 19, 2014

¹⁷ Пахалкова, А.Ю. Проблемы гармонизации законодательства Российской Федерации и Европейского союза о малом предпринимательстве / А.Ю. Пахалкова // Проблемы развития законодательства о малом и среднем предпринимательстве - М.: Экзамен, 2007. - 413 с.

¹⁸ Brooksbank, R. Defining the Small Business a new Classification of Company Size / R. Brooksbank // Entrepreneurship and Regional Development. - 1991.-№3

¹⁹ Ван Хорн. Предпринимательство. // Нидерланды, 1979 г.

33 миллион фунтга эга бўлган корхоналарни ўрта ўлчамдаги бизнес субъектлари сифатида карашни таклиф қилди.

Немис иқтисодчиси В. Наликнинг таъкидлашича, «Германияда кичик бизнеснинг асосий сифат кўрсаткичи мулкчилик бирлиги, корхонани тўғридан-тўғри бошқариш ва у билан боғлиқ бўлган хавф ҳисобланади»²⁰. Иккинчи характерли хусусият корхона кўриниши, кўламини чекланганлик доираси, эгаси ва ишчи ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хослиги кабиларни ўз ичига олади. Учинчидан корхона ҳаётидаги лидер ролининг алоҳида аҳамиятига эътибор қаратилади. Тўртинчидан бизнес юриштишнинг оилавий шакли кўп учрайди. Бешинчидан молиялаштиришни амлага оширишда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий мустақиллик муҳим мезон бўлиб, унда корхона эгасининг ўзи бизнесни бошқаради, бу эса йирик фирмаларнинг кичик филиалларини кичик бизнес соҳасидан алоҳида ажратган ҳолда қарашга имкон яратади.

Француз марксистлари Ж. Шатен ва Р. Гордоп «“Кичик ва ўрта корхоналар: танлов вақти” асарларида корхоналарни сифат кўрсаткичларига кўра қуйидаги таснифлашни келтирадилар»²¹:

- тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришдан даромад оладиган ҳунармандлар ва кичик бизнес эгалари (корхона эгаси шахсан ишлаб чиқаришда қатнашади ва юқори даражадаги маҳоратга эга бўлади);

- чекланган миқдордаги ишчига эга, “ночор доирада” фаолият юритадиган кичик корхоналар (монопол хусусиятга эга бўлмаган, унинг даромади эгаси учун яшаш воситаси бўлган оддий қайта ишлаб чиқаришни амалга оширади);

- капитални кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни амалга оширувчи, аммо монопол рақобат шароитларига мослашмаган кичик корхоналар (талаб ва

²⁰ Nahlik, W. Mittelslandische Unternehmen als Kreditnehmer / W. Nahlik // Bank - Köln. - 1989. - №11.

²¹ Пахалкова, А.Ю. Проблемы гармонизации законодательства Российской Федерации и Европейского союза о малом предпринимательстве / А.Ю. Пахалкова // Проблемы развития законодательства о малом и среднем предпринимательстве - М.: Экзамен, 2007. - 413 с.

таклифнинг ўзгариши натижалари, иқтисодий ва сиёсий ечимларни оқибатларига кўра ўнлаб ёки юзлаб ёлланма ишчиларга эга бўлиши мумкин);

- йирик монопол бўлмаган корхоналар, уларнинг мавқеи тармоқнинг монополлашуви даражасига боғлиқ равишда ўзгаради.

Умуман олганда, бундай таснифлаш ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида турли корхоналарнинг ҳолати тўғрисидаги умумий қабул қилинган фикрларга тўлиқ мос келади.

Кейинги даврда кичик бизнесни аниқлашда сифат мезонларига алоҳида эътиборни қаратилиши натижасида қатор рус иқтисодчилари ҳам кичик бизнеснинг умумий сифат мезонларини аниқлаш масалаларини тадқиқ қилишган. Хусусан, Ю.Кочевриннинг фикрига кўра «кичик ва ўрта ишлаб чиқаришнинг асосий ижтимоий-иқтисодий мезони унинг беқарорлиги ҳисобланади»²². В.А. Рубе эса ҳар хил ўлчамдаги корхоналарни аниқлашнинг асосий сифат мезонлари - бу корхона эгасининг корхона иши ва бошқарувига бўлган муносабати, унинг ходимлар билан алоқа даражаси эканлигини таъкидлайди. «Хунарманд ҳам хўжайин, ҳам менежер, ҳам ишчи бўлиб барча хусусиятларни битта шахсда бирлаштиради. Кичик тадбиркор ўз корхонасини бошқаради ва ишчилари билан бевосита алоқада бўлади. Ўрта тадбиркор ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ходимларни ёллайди, улар билан алоқада бўлади ва улар корхонада умумий бошқарувни амалга оширади. Катта тадбиркор корхона бошқарувидан ажратилган бўлиб, ходимлар, айниқса ишчилар билан тўғридан-тўғри алоқада бўла олмайди»²³.

Кичик бизнесни аниқлашда сифат кўрсаткичлари, мезонларидан фойдаланиш бўйича ёндашувлар бир вақтни ўзида ҳам ижобий ҳам салбий томонларга эга бўлади. «Сифат жихатдан ёндашув биринчи навбатда кичик корхонани йирик компаниянинг кичик кўриниши сифатида эмас, балки қуйидаги

²² Кочеврин, Ю. Малый бизнес в США / Ю. Кочеврин. - М.: , 1965.

²³ Рубе, В.А. Малый бизнес: история, теория, практика / В.А. Рубе. -М.: ТЕИС, 2000.-231 с.

ўзига хос хусусиятлари бўйича фаолияти йирик корхоналардан сифат жиҳатидан фарқ қиладиган ташкилот сифатида кўриб чиқади»²⁴. Булар:

➤ корхона фаолиятини ташкил қилишда юқори даражадаги ноаниқлик мавжудлиги;

➤ тадбиркорликнинг инновацион фаолият билан боғлиқлиги янги маҳсулот ва хизматларни яратиш учун салоҳиятнинг етарли даражада бўлишини таъминлаши;

➤ иқтисодиётда содир бўладиган доимий тебранишлар, ривожланиш ва ўзгаришларга мослашиш ва бошқалар.

«Кичик бизнесни аниқлашда сифат кўрсаткичлари ва мезонларидан фойдаланиш қатор афзалликларга эга бўлиб, ушбу афзалликлар кўплаб тадқиқотчилар томонидан тадқиқ қилинган. Иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий изланишлари натижаларига асосланган ҳолда сифат ёндашувининг куйидаги афзалликларини таъкидлайдилар»²⁵:

➤ «унинг назарий асосланишининг маълум даражасига эришиш ва нисбатан кичик бозор улушига хизмат кўрсатувчи турли корхоналарга хос бўлган бундай сифат мезонларининг кенг доирасини ҳисобга олган ҳолда эришиш (асосан маҳаллий);

➤ бошқарувнинг мураккаб иерархик ташкилий тузилмасининг (бошқарув тизими) йўқлиги;

➤ корхонанинг ҳуқуқий ва иқтисодий мустақиллигини таъминланганлиги, автономия;

²⁴ Пахалкова, А.Ю. Проблемы гармонизации законодательства Российской Федерации и Европейского союза о малом предпринимательстве / А.Ю. Пахалкова // Проблемы развития законодательства о малом и среднем предпринимательстве - М.: Экзамен, 2007. - 413 с.

²⁵ Нургазина, Г. Малое предпринимательство в условиях переходной экономики / Г. Нургазина, А. Блинов // Маркетинг. - 1998. - № 4.; Пахалкова, А.Ю. Проблемы гармонизации законодательства Российской Федерации и Европейского союза о малом предпринимательстве / А.Ю. Пахалкова // Проблемы развития законодательства о малом и среднем предпринимательстве - М.: Экзамен, 2007. - 413 с.; Рубе, В.А. Малый бизнес: история, теория, практика / В.А. Рубе. -М.: ТЕИС, 2000.-231 с.

- мулкчилик муносабатлари ҳамда бошқарувнинг яхлитлигини таъминланиши;
- иқтисодий фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатига боғлиқлиги;
- бозор назорати йўқлиги;
- рақобат ва бозорнинг ноқулай ўзгаришларига заифлиги;
- корхонанинг тижорий йўналишдаги муваффақиятининг минтақавий шароитга боғлиқлиги;
- корхонанинг бозодаги талабнинг ўзгаришларига мослашувчанлиги ва бошқалар»²⁶.


Ушбу ёндашувнинг асосий камчиликлари сифатида қатор ҳолатларни қараб чиқиш мумкин. Жумладан зарур сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун кичик корхонанинг ички маълумотларига эга бўлишдаги қийинчиликлар туфайли, уни амалда қўллашдаги мураккабликларини келтириб ўтиш мумкин. Кичик бизнес ҳар қандай тараққий этган иқтисодий тизимнинг ажралмас, объектив зарур элементи бўлиб, иқтисодиёт ва жамиятнинг мавжуд меъёрлаш асосида шаклланиши ва ривожланиши манбаи ҳисобланади. Гарчи ҳар қандай ривожланган давлатнинг “юзи” йирик корпорациялардан иборат бўлиб, йирик бизнесда иқтисодий куч - катта сармоянинг мавжудлиги кўп жиҳатдан илмий, техник ва ишлаб чиқариш салоҳияти даражасини белгиласа ҳам, бозор бошқаруви тизимига эга бўлган мамлакатлар ҳаётини ҳақиқий асосий воситалари орасида кичик бизнес энг оммабоп, динамик ва мослашувчан шакл ҳисобланади.

Кичик корхоналарнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги аҳамияти юқоридаги тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда асосланди. Биз юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда кичик

²⁶Т.Ю. Прокофьева «Классификация экономических систем в аспекте нелинейного развития» научная статья 2012 год. (<https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-ekonomicheskikh-sistem-v-aspekte-nelineynogo-razvitiya/viewer>)

корхоналарнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва аҳамиятини таъминлаш йўналишларини қараб чиқамиз (1.1.1-расм).

Кичик бизнеснинг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини ҳал этишдаги роли ва аҳамиятини аниқлаш учун уни иқтисодиётда қандай ўринга эгаллигини миқдорий ва қиёсий таҳлил усуллари ёрдамида ўрганиш талаб этилади. Тадқиқот мобайнида кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ролини таҳлил қилиш натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келинди.



1.1.1-расм. Кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти²⁷

Ижтимоий роли: ҳар доим ўзгариб турадиган бозор талабларига мувофиқ маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарадиган мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш кабиларда намоён бўлади. Яъни турмуш даражасини мустақил равишда таъминлайдиган аҳолини ўрта синфини босқичма-босқич шакллантириш, ислоҳотлар, сиёсий барқарорлик ҳамда жамиятнинг демократик ривожланишининг кафолати ҳисобланади.

Иқтисодий роли: ҳозирги кунда бозор иқтисодиётига эга давлатларда кичик бизнес асосан иқтисодий фаол аҳолининг катта қисмини бандлигини

²⁷ Муаллиф ишланмаси

таъминлаган ҳолда даромадларини шакллантиради ва ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроқ миқдорини ишлаб чиқаради, йирик бизнес учун ноқулай тармоқлар фаолияти барқарорлигини таъминлайди, инвестицияларни жадал ривожлантиради ва айланма маблағларни тез ҳаракатланишига замин яратади, инновацион иқтисодий шакллантиришга хизмат қилади.

Сиёсий роли: кичик бизнеснинг сиёсий таъсири жуда катта ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти шароитида жамиятдаги энг фаол қатлам яъни ўрта синф шаклланишининг асосидир. Шу билан бирга, жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ривожланиши шароитида кичик бизнес вакиллари демократия, сиёсий барқарорлик ва иқтисодий эркинлик тамойилларига асосланади. Кичик бизнес маҳаллий ва минтақавий ҳамжамиятлар манфаатларини уйғунлаштирган ҳолда, миллий асосга боғлиқликни белгилайди ва ватанпарварлик кайфиятлари учун замин яратади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўрсатишича бозор иқтисодиёти шароитида кичик корхоналарнинг муҳим роли қуйидагилардан намоён бўлади:

1. Ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун муҳим харидларни амалга оширувчи истеъмолчи.
2. Бозор шароитидаги ўзгаришларга жавоб берадиган ва бозор иқтисодиётига зарур эгилувчанликни таъминлайдиган ишлаб чиқарувчи.
3. Қўшимча иш ўринларини яратиб, бандлик муаммосини ҳал қилади.

Бироқ, бозор шароитлари нафақат кичик бизнес афзалликларини, балки унинг камчиликларини ҳам аниқлайди. Катта компаниялар билан солиштирганда кичик корхонанинг камчилиги унинг беқарорлиги ҳисобланиб, бу ташқи муҳитнинг нисбатан ёмон ҳолатларида намоён бўлади. Кичик бизнеснинг ташқи муҳитининг ўзига хос хусусияти шундаки, у давлат, йирик бизнес ва молия-кредит институтлари билан муносабатлар тизимида объектив равишда бўйсунди. Иқтисодий турли саббий ҳолатларга дош бериш қобилияти

ишлаб чиқариш ҳажми ва ишлатилган ресурслар камлиги ва молиявий базаси ҳамда маҳаллий бозорларга боғлиқлиги билан чекланган.

Шундай қилиб, кичик бизнес шакллариининг нисбатан паст яшовчанлиги бир томондан унинг функцияларининг юқори даражада ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини келтириб чиқарса, иккинчи томондан эса кичик бизнеснинг асосий карама-қаршилигини келтириб чиқармоқда. Кичик бизнес ўзининг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини тўлақонли бажара олиши учун кичик корхоналар ҳаётийлиги ва барқарорлигини ошириш яъни уларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиши лозим.

Кичик бизнес тизимини яратишда минтақавий жиҳатлар, хусусан ресурс салоҳиятини ҳисобга олиш муҳим омиллардан саналади. Чунки, минтақа ресурс салоҳияти иқтисодий, ижтимоий ва экологик таркибий қисмларни ўз ичига олган мураккаб кўп қиррали концепциядир ҳисобланади. Кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти кичик корхонанинг функционал кўрсатмаларини танлаш учун асос бўлиб, таркибида табиий-ресурс, ишлаб чиқариш-техник ҳамда илмий-ишлаб чиқариш компонентларини аниқлаб, минтақавий салоҳиятнинг бир қисмини кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш тамойилларидан келиб чиқган ҳолда салоҳиятидан фойдаланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш мумкин.

Кичик бизнесда минтақа ижтимоий салоҳияти унинг ривожига ҳисса қўшадиган ва унга таъсир кўрсатадиган ижтимоий шароитлар мажмуасини ташкил этади. Ижтимоий салоҳиятни таҳлил қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчиларининг таклиф этилаётган гуруҳининг ижтимоий-психологик ҳолати, келиб чиқиши, турмуш тарзи ва қадриятларини ўрганган ҳолда, ижтимоий муҳитнинг инфратузилмавий хусусиятларини очиб бериши керак.

Атроф-муҳит салоҳиятини ўрганиш, ишлаб чиқариш технологияларини шакллантириш, шунингдек, минтақанинг экологик зўриқишини камайтириш

асосида қўлланилиши мумкин бўлган ижтимоий-ахлоқий маркетинг тамойилларидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш учун зарурдир.

Кичик бизнеснинг давлат иқтисодиётидаги ролини ҳисобга олган ҳолда, ишонч билан шуни айтишимиз мумкинки, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, бозор кучлари самарадорлиги ва унинг ҳаракатчанлиги, иқтисодий тузилмаларга мослашувчанлиги ва пировард натижада миллий рақобатбардошликни ўсишига ёрдам беради.

Кичик бизнеснинг минтақа иқтисодиётига қўшадиган ҳиссаси қонун орқали белгиланади: бунда саноат, қурилиш ва инновациялар соҳасида рақобатдош кичик корхоналар қанчалик самарали ишлаётган бўлса, ушбу тармоқнинг минтақа ялпи ҳудудий маҳсулотига қўшадиган ҳиссаси ва иқтисодий ўсиш суръати шунчалик юқори даражада бўлади. Шунинг учун катта ва кичик бизнес манфаатларини уйғунлаштирадиган фалсафа жуда содда бўлиши керак яъни давлатнинг иқтисодий ва инновацион салоҳиятини мустаҳкамлаш аҳоли фаровонлиги ва мамлакатнинг дунёдаги обрўсини оширишга ҳисса қўшадиган маҳаллий бозорлардан бошланади.

Юқорида келтириб ўтилганларнинг барчасини умумлаштириб, шуни таъкидлашимиз мумкинки, кичик корхоналар иқтисодиётни ва умуман жамиятни ривожлантириш, шунингдек, ҳудудларнинг иқтисодий ўсишини ошириш учун катта имкониятларни яратишга хизмат қилади.

1.2 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнеснинг ҳозирги ривожланиш ҳолати

Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий муаммоларни бартараф этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш долзарб бўлган йўналишлардан бири сифатида қаралиб келинмоқда. Ушбу йўналишда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида кичик бизнесни иқтисодиёт ва унинг тармоқларидаги улуши, аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда.

«Хукуматимиз томонидан КБХТни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳукуқий асосларини такомиллаштириш орқали қонуний ҳимоясини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2021 йил биринчи январь ҳолатига янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмалар сони 93214 тани ташкил қилгани ҳолда, пандемия бўлишига қарамадан олдинги даврга нисбатан ўсишга эришиб 340 тага кўпроқ кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилган. Янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий улуши савдо (37,8 фоиз), саноат (19,9 фоиз), қурилиш (6,4 фоиз) соҳаларига тўғри келади. Учала соҳада яратилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 64,2 фоизни ташкил қилади»²⁸. Рақамлар таҳлилини кўрсатишича кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилишда соҳалар кесимидаги улушнинг ўзгариши кузатилмоқда яъни асосий ҳисобланиб келган тармоқларнинг улушида пасайиш кузатилади. Хусусан келтириб ўтилган соҳаларнинг улуши 2020 йил биринчи январь ҳолатига берилган кўсаткичлар бўйича аниқланганида мос равишда 39,1, 21,0, ва 9,4 фоизни ташкил қилиши аниқланди. Бу ердан кўринадикки энг юқори пасайиш айнан қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келган бўлиб, жами 5,3 бирликка пасайишнинг 3 бирлиги қурилиш соҳасига тўғри келмоқда.

Бироқ тадқиқотлар натижаларига кўра кейинги йилларда кичик бизнес ва микрофирмалар сони нафақат миқдор жиҳатдан балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланиб бормоқда. Яъни бир томонда янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмалар сони ошаётган бўлса, бошқа томондан тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сонидagi ўсишни пасайиши кузатилмоқда. 2020 йил биринчи январь ҳолатига кичик корхона ва микрофирмалар яшовчанлик коэффиценти 83,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 89,4 фоизни ташкил қилгани ҳолда деярли 6,2 бирликка кўтарилган.

²⁸ www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси расмий сайти)

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар нафақат кичик бизнес ва микрофирмаларнинг ривожланишини миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга балки бизнес юритиш кўрсаткичларини ижобий ўзгаришларини таъминлагани ҳолда мамлакатимиздаги тадбиркорлик муҳитини дунё ҳамжамияти ҳамда халқаро ташкилотлар нигоҳида ҳам ижобий томонга ўзгариб бораётганлигини кўриш мумкин.

Жадвал 1.2.1

Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш 2020” ҳисоботига кўра Ўзбекистон кўрсаткичлари ва уларнинг 2019 йилга нисбатан ўзгариши²⁹

Кўрсаткичлар	DB 2020 рейтинги	DB 2020 баллари	DB 2019 баллари	Балларни ўзгариши (фоизда)
Умумий	69	69,9	67,8	2,1
Бизнесни бошлаш	8	96,2	96,0	0,2
Курилиш учун рухсатнома олиш	132	61,7	61,4	0,3
Электр энергияга уланиш	36	86,9	86,0	0,9
Мулкни рўйхатдан ўтказиш	72	67,9	67,0	0,9
Кредит олиш	67	65,0	65,0	„
Миноритар инвесторларни химоя қилиш	37	70,0	62,0	8
Солиқ тўлаш	69	77,5	76,9	0,6
Чегаралар бўйлаб савдо қилиш	152	58,2	49,8	8,4
Шартномаларни бажариш	22	71,9	68,2	3,7
Тўлов қобилиятсизлигини хал қилиш	100	43,5	45,2	-1,7

Хусусан, Ўзбекистон Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш 2020” ҳисоботига кўра, дунёнинг 190 давлати ичида 69-ўринни эгаллаб (DB-2019 йилда 190 та давлат ичида 76 ўрин), олдинги йилдагига нисбатан ўз ўрнини 7 бирликка кўтарилишига эришган. Мазкур натижага эришишда жаҳон банки экспертлари ҳисоботининг 10 та индикаторидан 8 тасида олдинги йилга нисбатан ўсиш, биттасида пасайиш кузатилган, қолган биттасини олдинги йилги даражада сақлаб қолишга эришилган (1.2.1-жадвал).

²⁹ <https://www.doingbusiness.org/en/data/exploreconomies/uzbekistan>

Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш 2020” ҳисоботи натижаларига кўра Ўзбекистонда бизнес юритишни баҳолаш индикаторлари бўйича энг паст кўрсаткичлар чегалар бўйлаб савдо қилиш, қурилиш учун рухсатнома олиш масалаларига тўғри келади. Мазкур индикаторлар бўйича Ўзбекистоннинг 190 та мамлакат ичида эгалланган ўрни мос равишда 152 ва 132-ўринларни ташкил қилади. Айнан ушбу масалалар бўйича аниқланган индикаторлар мамлакатда тадбиркорлик муҳитини яхшилашга салбий таъсир қилаётган асосий муаммолар сифатида майдонга чиқмоқда. Яъни юқорида амалга оширилган таҳлил натижалари ҳам айнан қурилиш соҳасида ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмалар улушининг пасайганлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари қурилиш соҳасида ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларнинг яшовчанлик коэффиценти 80,7 ташкил қилгани ҳолда энг паст қийматга эга бўлмоқда.

Бундан ташқари тўлов қолбилиятсизлигини ҳал қилиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш каби индикаторлар бўйича ҳам мамлакатни эгаллаган ўрни анча пастлиги ва умумий кўрсаткични яхшилашга салбий таъсир қилаётганлигини кўриш мумкин.

Келтирилган таҳлил натижаларидан маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ижобий тенденциялар таъминланиб келмоқда. Ушбу натижаларга эришиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва янада мустаҳкамлашда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли Фармони»³⁰ муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, 2017 - 2021 йилларда

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли Фармони//lex.uz/

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилган³¹.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, уни тараққиётга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ишлар ҳукуматимиз томонидан жадал равишда давом қилдирилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди. Тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётганини Президент номига келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ҳам, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди”³²-деб таъкидлагани ҳолда бугунги кунда тадбиркорлик муҳитини яхшилашга салбий таъсир қилаётган ҳолатларни аниқ кўрсатиб ўтган эдилар.

Мамлакатда қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини баҳолашда кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминловчи кўрсаткичларни

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони//lex.uz/

³² <http://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>

шакллантиришдаги роли ва улуши алоҳида аҳамият касб этади. Буни инобатга олган ҳолда мамлакатда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлашда кичик бизнес улуши ўзгаришини қиёсий таҳлилига эътибор қаратиб ўтмоқчимиз.

Кичик бизнес ва микрофирмаларнинг ялпи ички маҳсулот, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий кўрсаткичларни таъминлашдаги роли ва улуши бевосита унинг фаоллик даражаси билан белгиланади. Бошқа томондан эса фаоллик даражаси мавжуд тадбиркорлик муҳитидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб туради. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони ўзгаришига эътибор қаратмоқчимиз. Статистик маълумотларни кўрсатишича 2020 йилда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 22,8 фоизга ошгани ҳолда 411203 тани ташкил қилган. Бироқ, келтириб ўтилган қатор ижобий натижаларга қарамаздан кичик бизнес ва микрофирмаларнинг баъзи муҳим бўлган нисбий кўрсаткичларида пасайиш кузатилган (1.2.2-жадвал).

Хусусан, асосий макроиқтисодий кўрсаткич ва умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ифодалашга хизмат қилувчи ҳисобланган ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)да кичик тадбиркорлик улушини кейинги даврда пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, 2020 йилда 53,9 фоизни ташкил қилгани ҳолда олдинги йилга нисбатан 0,3 бандга пасайган. Ушбу ҳолатни ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқот ва кузатиш натижалари ЯИМ таркибида кичик бизнес улуши пасайишининг асосий сабабларидан бири бу кейинги йилларда йирик корхоналар сони ва улушининг ошиши, йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширилиши, бундан ташқари бевосита пандемия сабабли карантин жорий қилиши кабилар натижаси эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатда фаолият юритаётган жами корхоналар сони ўзгаришига эътибор қаратадиган бўлсак, 2021 йил 1 январ ҳолатига 475197 тани ташкил қилгани ҳолда 2020 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 19,4 фоизга ошган. Натижада

фаолият юритаётган йирик корхоналар сонини 63366 тадан 63994 тага, бошқача айтганда улар сонини 1,0 фоизга ошиши таъминланган.

1.2.2-жадвал

2020 йилда кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичларини олдинги йилга нисбатан ўзгариши³³

		2019 йил	2020 йил	(+;-)
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	бирлик	3344767	411203	76434
Янгидан ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	бирлик	92874	93214	340
Кичик тадбиркорликнинг ЯИМ ва унинг тармоқларидаги улуши				
ЯИМ	фоиз	54,2	53,9	-0,3
Саноат	фоиз	25,8	27,5	1,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	фоиз	97,9	97,0	-0,9
Инвестиция	фоиз	44,3	49,7	5,4
Қурилиш	фоиз	75,8	72,4	-3,4
Савдо	фоиз	83,7	82,2	-1,5
Хизматлар	фоиз	53,2	51,5	-1,7
Юк ташиш	фоиз	54,4	52,4	-2,0
Юк айланмаси	фоиз	76,5	76,2	-0,3
Йўловчи ташиш	фоиз	90,4	93,9	3,5
Йўловчи айланмаси	фоиз	94,6	96,1	1,5
Экспорт	фоиз	27,0	20,5	-6,5
Импорт	фоиз	61,6	51,8	-9,8

2021 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 11781 тани ташкил қилгани ҳолда 2020 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 1399 тага ёки 13,4 фоизга ошган. Бундан кўринадики хорижий капитал иштирокидаги йирик корхоналар сони 269 тадан 423 тагача ошган. Жами хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг 26,4 фоизи қурилиш соҳасига тўғриб келиб, улар сони 2579 тадан 3113 тагача ошган³⁴.

Кейинги даврда йирик корхоналар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши иқтисодиёт тармоқлари кесимида ҳам кичик тадбиркорлик

³³ www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси расмий сайти)

³⁴ www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий веб саҳифаси)

субъектларининг маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)даги улушини пасайишига сабаб бўлган. Асосий пасайиш қурилиш, юк ташиш, хизматлар ва савдо соҳаларига тўғри келиб, уларда кичик бизнеснинг улуши олдинги йилга нисбатан мос равишда 3,4, 2,0, 1,7 ва 1,4 бандга пасайганлиги кузатилмоқда. Ушбу ҳолат айнан 2020 йилда содир бўлган пандемия билан ҳам боғлиқ бўлиб, ўтган йилда карантин чораларини кўрилиши хизматлар, савдо ва юк ташиш соҳаларига кучли таъсир кўрсатди. Шунингдек, 2020 йилда келиб кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ролида ҳам кескин ўзгариш содир бўлди, яъни уларнинг экспортдаги улуши 6,5 ва импортдаги улуши 9,8 фоизга етди.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлишича кейинги даврда йирик бизнеснинг тараққиёти кичик бизнеснинг маълум сифат кўрсаткичларидаги пасайишни келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари пандемия сабабли вужудга келган иқтисодий тебраниш кичик бизнеснинг муҳим миқдорий ва сифат кўрсаткичларида ўсиш суръатини пасайишига олиб келди. Натижада баъзи кўрсаткичлар ўсиш суръатлари пасайган бўлса, баъзиларнинг камайиши кузатилди. Бундан кўринадики, кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг бугунги кун талабларига мос бўлган янги йўналишларини излаб топиш, кичик ва йирик бизнесни уйғунликдаги ривожини таъминлаш келтириб ўтилган салбий натижаларни таъсирини юмшатишга хизмат қилади. Бунинг жаҳон амалиётида кенг тарқалган усулларидан бири бу йирик ва кичик бизнес субъектлари орасидаги кооперацион алоқаларни ривожлантириш ҳисобланади.

Кичик бизнес ривожини ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири бу ҳар 1000 аҳолига тўғри келувчи кичик тадбиркорлик субъектлари сони ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ҳар 1000 аҳолига тўғри келувчи кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2020 йилда 15,6 бирликни ташкил қилгани ҳолда олдинги йилга нисбатан кескин ўзгариши таъминлангани ҳолда 2,3 бандга ўзгарган. Мазкур кўрсаткични оширишда аҳолини тадбиркорлик билан

шуғулланишига кенг йўл очиб бериш, кулай тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, зарурий инфратузилмани ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини таъминлаш кабиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади. Маълумотларни кўрсатишича ҳар 1000 аҳолига тўғри келувчи кичик тадбиркорлик субъектлари сони ҳудудлар кесимида бир-биридан кескин фарқ қилади. Яъни энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида кузатилиб ҳар 1000 аҳолига тўғри келувчи фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 63,1 тани ташкил қилади. Ўртача кўрсаткич Жиззах вилоятининг Пахтакор туманига тўғри келиб, 16,4 тани ташкил қилади. Ниҳоят энг паст кўрсаткич Хоразм вилоятининг Хазорасп туманига тўғри келиб 7,0 бирликни ташкил қилади.

Келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкинки, энг юқори ва ўртача кўрсаткич орасидаги фарқ жуда катта бўлиб, 9 баробардан каттароқ қийматга эга, бошқа томондан эса энг паст кўрсаткич ва ўртача кўрсаткич орасидаги фарқ унчалик катта қийматга эга эмас. Бундан кўринадики айрим ҳудудларда кичик тадбиркорлик субъектлари сони бошқа ҳудудларга нисбатан кескин фарқ қилади. Фикримизча, бугунги кунда кичик бизнес ривожини таъминлашдаги муҳим йўналишлардан бири бу нафақат марказ балки чекка ҳудудларда ҳам аҳолини тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб қилиш, уларга зарурий инфратузилмани таъминлаб бериш, ҳукуматимиз томонидан соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилиб келинаётган дастурлар ижросини назоратга олиш кабилар ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда кейинги даврда мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бизнес ғояларини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида қатор чоралар кўрилмоқда. Хусусан, ҳудудларда оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларни барқарор ва кўшимча даромад манбаига эга бўлиши, миллий ҳунармандчиликни янада

ривожланиши, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш ҳамда шу асосда аҳолининг бандлигини таъминлашга замин яратилмоқда.

Қурилишда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, рационаллиги ва шаффофлиги ишчанлик ва инвестиция муҳити яхшиланишининг гарови ҳисобланади. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг изчил такомиллаштирилиши рухсатномалар тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш учун мустаҳкам пойдевор, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Фикримизча, қурилишда маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлашда буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчи ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишни бекор қилиш³⁵ мақсадга мувофиқ.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини таъминлашда уларнинг мавжуд муаммоларини ва таъсир қилувчи омилларини тадқиқ қилиш, яратилган шароитни баҳолаш ва ўрганиш натижалари асосида хулосалар чиқариб, кейин истиқболли йўналишларни белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Буни амалга оширишнинг энг самарали усулларида бири бевосита объектни, соҳа ривожига мавжуд муаммоларини, ушбу жараёнда қатнашувчи субъектлар фикр мулоҳазаларини ўрганиш ҳисобланади. Шу сабабли кейинги даврда ҳукуматимиз томонидан мавжуд вазиятни ўрганиш ва бирламчи маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида махсус сўровномалар ўтказилиб келинмоқда.


Ўтказилган сўровнома натижаларига таянган ҳолда тадбиркорлик субъектлари тараққиётини таъминлашдаги мавжуд шароит ва муаммоларни

³⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ПФ-6119-сон

кенгроқ миқёсда ёритиб ўтамиз. Натижада тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қиладиган ва илмий жиҳатдан асосланган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш имкониятига эга бўламиз. Мамлакатимизда 2020 йилнинг IV-чорагида янгидан ташкил қилинган ва фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар ўртасида умумий иқтисодий вазиятни баҳолаш бўйича ўтказилган сўровнома натижаларига эътибор қаратиб ўтмоқчимиз. Сўровнома ўтказиш жараёнида жами 16391 та субъект қатнашган бўлиб, шундан 1592 таси янгидан ташкил қилинган, қолган 14187 таси фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмалар иқтисодий вазиятни баҳолаш билан бир қаторда, бугунги кунда соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган дастурлар самарасини ифодалашга хизмат қилса, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларни баҳолашга ёрдам беради. Даставвал корхоналар умумий иқтисодий вазият ҳақидаги фикрлари ўрганилган бўлиб, олинган натижаларни қараб чиқамиз (2.1.1-расм).

Олинган натижаларга кўра янгидан ташкил қилинган ва фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар томонидан иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаш ҳолатлари бўйича кўрсаткичлар орасидаги фарқ энг катта қийматга эга бўлмоқда. Яъни тадқиқотда қатнашган янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларнинг 13,1 фоиз умумий иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолашган бўлса, фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг 5,6 фоизи ушбу жавобни белгилашган натижада иккала кўрсаткич орасидаги фарқ 7,5 бирликка тенг бўлмоқда.




2.1.1-расм. Янгидан ташкил қилинган ва фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар томонидан умумий иқтисодий вазиятни баҳоланиш натижалари³⁶

Қониқарли ва қулай деб баҳолаш натижаларига кўра тескари ҳолат кузатилган бўлиб, бунда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар улуши катта қийматга эга бўлмоқда ва қийматлар орасидаги фарқ мос равишда 5,2 ва 2,3 бирликка тенг эканлиги аниқланди. Бундан кўринадики янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмалар учун иқтисодий вазиятни яхшилаш маслаларига эътибор қаратиш лозим.

Сўровномада қатнашган субъектларнинг тармоқлар бўйича тақсимотиغا эътибор қаратадиган бўлсак, респондентларнинг катта қисми савдо ва саноат ҳиссасига тўғри келмоқда (2.1.2-расм).

Яъни янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларда савдо соҳасидаги респондентларнинг улуши 44,5 фоизни, саноат соҳасидаги респондентлар улуши эса 19,9 фоизни ташкил қилмоқда. Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича қатнашган респондентларнинг улуши мос равишда 29,8 ва 19,8 фоизни ташкил қилмоқда. Бошқа барча тармоқ ва соҳаларда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар улуши катта қийматга эга бўлмоқда.

³⁶ Муаллиф ишланмаси



2.1.2-расм. Тадқиқотда қатнашган янгидан ташкил қилинган, фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг тармоқлар ва соҳалар бўйича тақсимоти³⁷

Янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларда савдо ва саноат соҳасидаги корхоналар улуши мос равишда 39,1 ва 21 фоизни ташкил қилса, фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларда улар улуши мос равишда 30 ва 21 фоизни ташкил қилмоқда. Айнан ушбу соҳаларда корхоналарнинг яшовчанлик коэффиценти бошқа соҳаларга нисбатан юқори бўлиб, 87 ва 84 фоизни ташкил қилади.

Юқорида амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган дастурлар ўз самарасини бермоқда, яъни кичик бизнес субъектлари сони миқдори жиҳатдан ошиб бормоқда. Бироқ йирик бизнеснинг ривожини ўз навбатида кичик бизнеснинг нисбий бўлган сифат кўрсаткичларини пасайишига сабаб бўлмоқда. Умумий иқтисодий вазиятни баҳолаш натижаларига кўра эса қониқарсиз деб жавоб берган респондентлар улуши айнан янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларда катта қийматга эга бўлмоқда. Фикримизча янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларни қўллаб-қувватлаш, улар учун зарурий инфратузилмани

³⁷ Муаллиф ишланмаси

яратиш, ҳуқуқий ҳимоясини ташкил қилиш масалаларига эътибор қаратиш салбий бўлган сифат кўрсаткичларини ижобий томонга ўзгаришига хизмат қилади. Бундан ташқари кичик ва йирик бизнесни ўзаро ҳамкорликни ривожини ташкил қилиш ва улар орасидаги кооперацион алоқаларни қўллаб-қувватлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш кичик бизнес ривожини кўрсаткичларини янада ошишига хизмат қилади.

1.3. Кичик ва йирик корхоналар интеграциясини аниқлашга тизимли-синергетик ёндошувлар

Ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг мавжуд даражаси ва босқичида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва қўллаб – қувватлаш барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралиб келинмоқда. Тадбиркорликни бутун бир тизим сифатида қараб, унинг субъектларини ўзаро ҳамкорлик ва мутаносиб нисбатлардаги ривожини таъминлаш масаласи ўз ечимини кутаётган долзарб муаммо ҳисобланади. Натижада илмий тадқиқот ишида ўрганилаётган объект ва жараёнларга бутун бир тизим сифатида ёндашиш, уларнинг таркибий қисмлари, муносабатлари, шу жумладан атроф-муҳит билан умумийликда ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умуман олганда объект ёки жараённи ўрганишни икки босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич – реал ҳолат, яъни ҳодисаларини кузатиш орқали оддий ўрганишни ўз ичига олади. Ушбу босқичда, тадқиқотчи таҳлил қилиш, баҳолаш, умумлаштириш, ривожланишдаги тенденцияларни аниқлаш, тажриба ўтказиш кабиларни амалга оширади. Умуман олганда, биринчи босқич ҳодиса тўғрисида билим олиш имконини беради, бироқ ҳодиса ҳақида тушунча бермайди.

Билишнинг иккинчи даражаси ҳодисаларни билиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш ҳисобланиб ва бунга бирор илмий тадқиқот методологияси доирасида ишлаб чиқилган ёндашувлар киради. «Методик даражадаги ҳодисани тушуниш ўз навбатида ҳодиса ривожини тартибга солувчи

қонунлар, амал қилиш шароитлари, намоён бўлишининг ташқи шароитлари билан боғлиқлигини топишни ўз ичига олади. Методик тушуниш ҳодисани содир бўлиш сабабларини аниқ миқдорий ва сифат усуллари асосида тадқиқ қилиш, келгусида содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисалар ҳақида хулосалар чиқариш имкониятига эга бўлиш, уларни тартиблаштириш учун нима қилиш кераклигини аниқлаштиришга хизмат қилади»³⁸.

«Тизимли тадқиқотлар илмий ёки техник назария, концепция ва усулларнинг йиғиндиси ҳисобланиб, унда тадқиқот ёки моделлаштириш объектига тизим сифатида қаралади. Тизимли тадқиқотларда асосий ўринни ХХ асрнинг 40-йилларида Берталанди Л. фон томонидан яратилган тизимларнинг умумий назарияси эгаллайди. Ушбу соҳадаги кўпчилик мутахассислар уни фаннинг турли соҳалари томонидан ишлаб чиқилган тизимлар (шу билан бирга тизимни таҳлил қилиш ва тизимли ёндашиш) тўғрисидаги билимларни умумлаштирувчи бир турдаги метаназария деб ҳисоблашади. Бунда турли тизимлар фан сифатида ҳаракат қиладиган тизим назарияларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган назария сифатида қаралади»³⁹.

Тизимларнинг умумий назарияси иккита муҳим тамойилга асосланади: тизимлилик ва изоморфизм тамойиллари. «Тизимлилик тамойили ўз навбатида дунёнинг объект, ҳодисалари ва жараёнларига қарашнинг универсаллигини барча ўзига хос қонунларига эга бўлган тизим сифатида акс эттиради. Изоморфизм тамойили эса одатда битта тизим тузилмасининг бошқаси тузилишига тўлиқ (изоморфизм тўғри) ёки қисман (гомоморфизм) мувофиқлини англатади, бу унга ўхшаш ёки бошқа усулда ўхшашини ишлатиб, қайта моделлаштиришга имкон беради»⁴⁰.

³⁸ Суворова, А.П. Корпоративное управление развитием строительного комплекса региона / А.П. Суворова. - СПб.: СПбГИЭУ, 2004. - 278с.

³⁹ Ерохина, Е.А. Развитие национальной экономики: системно-самоорганизационный подход / Е.А. Ерохина // дис. доктора экономических наук. - М., 2003.

⁴⁰ Афанасьев, В.Г. Моделирование как метод исследования социальных систем / В.Г. Афанасьев // Системные исследования: методологические проблемы: ежегодник. -М. - 1982.

Тизимли таҳлил қарорларни қабул қилиш методологияси бўлиб, кенг маънода тизимларнинг умумий назарияси, ёндашув ва асослаш, қарорларни қабул қилишнинг тизимли усуллари синтезидир. «Тизим тадқиқотларининг асосий тоифаси, хусусан, тизимли ёндашув, тизим тушунчаси ҳисобланади. “Тизим” тушунчасига ёндашувларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин»⁴¹.

Биринчи гуруҳга тегишли таърифларда тизим тадқиқотчидан мустақил, объектив равишда мавжуд бўлган жараён ва ҳодисалар йиғиндиси сифатида қараб чиқилишини талаб қилади. Бунда тизимни атроф-муҳитдан ажратиш, яъни ҳеч бўлмаганда кириш ва чиқишларни аниқлаш ва максимал даражада - унинг тузилишини таҳлил қилиш, ишлаш механизмларни билиб олиш ва шунга мос йўналишда ҳаракат қилиш талаб қилинади.

Иккинчи гуруҳ таърифларда тизим жараён ва ҳодисаларни ўрганиш воситаси, усули сифатида кўриб чиқилади. Тадқиқотчи маълум бир мақсадга эга бўлиб, тизимни ҳақиқий объектларга нисбатан мавҳум тизим сифатида акс эттиради (синтез қилади). Бундан ташқари, тизим (“мавҳум тизим”) кўриб чиқиладиган объектларнинг маълум хусусиятларини акс эттирувчи ўзаро боғлиқ ўзгарувчилар тўплами сифатида тушунилади. Ушбу талқинда “тизим” тушунчаси амалда модел тушунчаси билан мос келади ва баъзи асарларда ушбу икки атамалар бир-бирининг ўрнида ишлатилади.

Учинчи гуруҳ дастлабки иккаласи орасидаги уйғунлашув ҳисобланиб, мураккаб ташкилий, иқтисодий ёки техник муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган сунъий равишда яратилган элементлар тўплами сифатида қарайди. Бунда, тадқиқотчи нафақат тизимни атроф-муҳитдан ажратади, балки уни яратади. Тизим ҳақиқий объект ва айни пайтда воқелик алоқаларининг мавҳум акси ҳисобланди.

⁴¹ 129. Лопатников, Л.И. Экономико-математический словарь: словарь современной экономической науки / Л.И. Лопатников. - 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Дело, 2003. - 520 с.

«Тизим ҳатти-ҳаракатларини илмий акс эттириш нафақат унинг тизим хусусиятларига, балки тизимларнинг типологиясида тутган ўрни билан ҳам белгиланади. «Тизимлар қуйидаги турларга ажратилади»⁴²: материал; идеал (инсон тафаккурининг маҳсули бўлиш); статик ва динамик тизимлар; детерминистик тизимлар (маълум бир вақтда уларнинг ўзгарувчиларини билиш бизга ҳар қандай бошқа нуқтада уларнинг ҳолатини аниқлашга имкон беради); эҳтимоллик (стохастик) тизимлар (уларнинг ўзгармайдиган вақтларини билиш, вақтнинг бошқа бир дақиқасида унинг ўзгарувчилар қийматларини тақсимлаш эҳтимолини олдиндан аниқлашга имкон беради); ёпиқ тизимлар (улар кирмайди ва улардан моддалар, энергия ёки маълумотлар атроф-муҳитга чиқарилмайди); очик, доимий равишда моддани, энергияни ёки маълумотни киритиш ва чиқаришни амалга оширувчи тизимлар».

Тизимлар одатда ички ва ташқи алоқага эга бўлади, ташқи алоқалар таъсир қилувчи омиллар ва натижавий омиллар элементлари томонидан амалга оширилади, шунингдек тизимнинг функциялари билан таъминланади. Тизим таркибий қисмлари бошқа компонентлар билан бевосита ёки билвосита боғланиши мумкин. Одатда тўғридан-тўғри ва тескари боғланишлар кузатилади. Боғланишлар тизимни оддий таркибий қисмлардан яхлит бир қисмга айлантиради ва таркибий қисмлар билан биргаликда тизим ҳолати ва тузилишини аниқлайди.

Тизим тузилишини таркибий қисмлар ва ички боғланишлар сифатида аниқлаш мумкин. Баъзан бу элементлар ва муносабатлар ёки муносабатларнинг комбинацияси сифатида белгиланади, лекин ҳақиқатан ҳам тизим тузилишини билиш учун уни доимий равишда парчалашни амалга ошириш керак. Иерархик хусусият туфайли тизим таркибини унинг таркибий қисмлари - қуйи тизимлардан элементларгача кўрсатиш мумкин.

⁴² Каста, Дж. Большие системы: связность, сложность, катастрофы / Дж. Каста; пер. с англ. - М. Наука, 1982. - 356 с.

Тизимни ташкил қилиш унинг тузилиши билан чамбарчас боғлиқ ва бу тушунчалар биргаликда аниқланади. Шунингдек, ташкилотни тизимнинг мураккаблиги сифатида аниқлашга уринишлар ҳам мавжуд, аммо илмий адабиётларда бу тушунча унинг тузилиши туфайли бутун қисмларнинг ўзаро таъсири сифатида таърифланган. Ушбу таъриф ташкилот ва тузилманинг фарқи ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Агар тизим тузилиши унинг барқарор таркибий қисм ва алоқаларини акс эттирсин, унда ташкилот бир вақтнинг ўзида барқарор, ҳам беқарор бўлади.

Тизимнинг ишлаши унинг функцияларини замон ва маконда амалга оширишдир, бу асосан маълум қонунларга мувофиқ содир бўлади. Функционал ёки ишлаш қонунлари тизимнинг мос келадиган сифат доирасидаги ҳаракатини белгилайди, ўзгариш ва ривожланиш қонунлари сифатни ўзгартириш қоидаларини талаб қилади. Иккала турдаги қонунлар ўзаро таъсир қилади, бири-биридан келиб чиқади. Тизимнинг маълум бир вақтда шаклланиши унинг ҳуққи ҳисобланади.

Тизимнинг моҳияти, унинг хусусиятлари, тузилиши, ҳуққ-атвори тизимлилик тамойилларида ифодаланади, улар тизимли ёндашувда методологик билим йўналиши сифатида ўрганиш тамойиллари тўплами каби ишлайди.

Сўнги пайтларда иқтисодий интеграциянинг моҳияти ва унинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш бўйича катта материаллар тўпланди. Иқтисодиёт фанининг ушбу йўналишдаги ютуқларига қарамай, инвестицион-қурилиш комплексида интеграциялашган бирлашмалар ташкил этиш муаммолари етарлича ўрганилмаганлигини таъкидлаш керак. Ушбу ишда тизим ёндашувининг замонавий ютуқлари ва синергетика тушунчаларини - асримизнинг иккита йирик дунёқарашини ва методологик тенденцияларини бирлаштириш, шунингдек уларнинг ёрдами билан кичик ва йирик қурилиш корхоналарини интеграциялаш назариясининг фундаментал муаммоларини ўрганиш мақсад қилинган.

Тизимли ёндашув ва синергетика концепциясини бундай таҳлил қилишнинг имконияти уларнинг асосини ташкил этувчи тамойилларнинг бирлиги ва бир-бирини тўлдириши ва ривожланиш тамойили билан белгиланади, шу билан бирга синергетика тушунчаси асосан тизимли ёндашувнинг методологик ва назарий тамойилларига асосланади. Тизимли таҳлил ва синергетика ўзига хос хусусиятлари ва фарқлари 1.3.1-жадвалда келтирилган.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётда тизимли ёндашувнинг иккита асосий йўналиши мавжуд: кибернетик ва синергетик, улар иккала ёндашув учун умумий бўлган қоидаларга қарамасдан бир-биридан яққол ва туб фарқларга эга (1.3.2-жадвал).

Кибернетика турли хил тизимларда бошқарувнинг умумий тамойиллари ҳақидаги фан. Бошқача айтганда ўз-ўзини бошқариш режимида ишлашга қодир бўлган мураккаб динамик тизимларни мақбул бошқариш ҳақидаги фан.

Жадвал 1.3.1

Тизимли таҳлил ва синергетика тушунчалари ўртасидаги фарқлар⁴³

Тизимли таҳлил	Синергетика
1. Тизим статикаси, уларнинг морфологик ва камадан-кам функционал тавсифларига эътибор беради	1. Тизимларнинг ўсиш, ривожланиш ва йўқ қилиниши жараёнларига эътибор беради
2. Тартиб ва мувозанатга катта аҳамият қаратади	2. Тартибсизлик тизимларнинг ҳаракатланиш жараёнида нафақат бузғунчилик нуқтаи назаридан муҳим рол ўйнайди, балки тараққиёт мувозанатнинг бузулиши орқали содир бўлади
3. Тизимларни тартибга солиш жараёнларини билиб олишга ёрдам беради	3. Тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиш жараёнларини текширишга хизмат қилади
4. Кўп ҳолларда тизим тузилишини таҳлил қилиш босқичида тўхтаб, интеграция жараёнларидан мавҳумлаштиради	4. Ўз-ўзини ташкил этиш ва тизимларни ривожлантириш асосида ётадиган жараёнларнинг кооперативлигини кўрсатади
5. Ўзаро боғлиқлик муаммосини асосан тизим ичидаги таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги сифатида қарайди	5. Тизимнинг ташқи ва ички алоқаларининг умумийлигини текширади
6. Ҳаракат манбаини тизимнинг ўзида кўради	6. Ўзгаришлар жараёнида атроф-муҳитнинг аҳамиятли ролини тан олади

⁴³ Муаллиф ишланмаси

Синергетика тизимларда ўзини ўзи ташкил этиш фанидир. Дарҳақиқат, кибернетика ҳам, синергетика ҳам инсон фаолиятининг турли соҳаларида мураккаб динамик тизимларни ўрганиш ва уларни бошқариш назариясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Бироқ, агар кибернетиканинг вазифаси тизимни маълум бир барқарор ҳолатга келтириш, тебранишларга қарши туриш бўлса, синергетиканинг вазифаси аксинча, тизимни мувозанатлаштиришга, уни янги, янада юқори даражага кўтариш учун “ҳалокатга” олиб боришга интилади. Шу билан бирга, кибернетика ташқи шароитларнинг ўзгариши сабабли тизим тузилишини баъзи бир қайта қуриш эҳтимолини “муқаррар ёвузлик” деб билади ва синергетика буни тизимни ривожлантиришнинг асосий шarti деб ҳисоблайди.

Иқтисодий муаммоларда синергетик ва кибернетик парадигма ўртасидаги “интерфейс” иқтисодий тизимларнинг функционал имкониятлари қуйидагиларга қаратилган: мувозанат, барқарорлик, тикланиш, ўз-ўзини тартибга солиш, кибернетик бошқарув тизимида ёки ўтиш давридаги мураккаб траекториялар бўйича ривожланиш, синергетик парадигмадан келиб чиқадиган ўзгаришлар, вақт омили таъсири остида ўз-ўзини ташкил этиш жараёнлари.

Иқтисодиётда кибернетик ёндашувлар, уларнинг кенг қўлланилиши туфайли XX асрнинг охирига қадар ҳукмронлик қилди. Оптималлаштириш назарияси, иқтисодий ва математик моделлаштириш, бошқа кибернетик тушунчалар амалий иқтисодчилар, назариётчилар ва амалиётчилар томонидан етарлича муваффақиятли ишлатилган. Бундан ташқари, ушбу ёндашувлар ўша пайтда иқтисодиёт олдига қўйилган мақсадларга тўла мос келди.

XXI асрнинг бошларига келиб, кўп сонли тадқиқотчилар иқтисодий жараёнлар мураккаб ва ўта мураккаб тизимлар деган хулосага келишди, уларда ривожланишнинг тикланмаслиги ва қайтарилмаслиги, автокатализ, ўзига автомоделлик (ўзига ўхшашлик), авторегрессия (олдинги воқеалар хотирасининг

таъсири), амплификация (омиллар таъсирининг кучайиши, мураккаб тизимларда пайдо бўлиши ва охир-оқибат бифуркациялар, ҳалокатлар, сифатли ўтиш, синергик таъсирга олиб келадиган бошқа ҳодисалар)да намоён бўлди.

Жадвал 1.3.2

Тизимли-синергетик ва тизимли-кибернетик ёндашувнинг фарқлари⁴⁴

хусусиятлари	Мураккаб тизимларни ўрганишга ёндашувлар	
	Тизимли-кибернетик ёндашув	Тизимли-синергетик ёндашув
Ташқи муҳитни идрок этиш бўйича	Ташқи муҳитдаги сифат ўзгаришларини ҳисобга олмайди	Ташқи муҳитдаги ҳам миқдор ҳам сифат кўрсаткичларини ҳисобга олади
Ривожланиш миссиясини шакллантириш бўйича	Ўз-ўзини бошқаради	Ўз-ўзини ташкил этади
Миссияни амалга ошириш учун жавобгарлик	Салбий (барқарорлаштирувчи) тескари алоқа	Ижобий ривожлантирувчи тескари алоқа
Тизим ичидаги тебранишлар роли бўйича	Стационар режимда ўзини-ўзи бошқариш учун қулай омил сифатида қаралади	Ривожланиш манбаи, фаза, таркибий ва сифат ўзгаришларининг сабаби сифатида қаралади
Мувозанатга муносабати бўйича	Мувозанат ўзини-ўзи бошқариш асоси	Мувозанат ривожланишнинг тўсиқи сифатида қаралади
Чизиқлилиққа муносабати бўйича	Чизиқли тенденция шаклида ўзини-ўзи бошқаради	Чизиқли бўлмаган атроф муҳит кўринишида ўзини-ўзи ташкил этади
Турли ривожланиш механизмларини ҳисобга олиш бўйича	Фақат салбий тескари алоқа механизмларини қараб чиқади	Ижобий тескари алоқа, автокатализ, автокорреляция ва ҳаказо

Ушбу жараён ва ҳодисалар қанчалик аниқ ва кучлироқ намоён бўлса, экологик омил ҳисобга олинади. Кибернетикани алмаштирган синергетик парадигма нафақат ташқи муҳит тизимининг ички ташкил этилишига таъсирини, балки ташқи муҳитнинг гетерогенлигини, яъни ташқи муҳитни ўта мураккаб, гетероген, кўп элементли, кластерлар тизими, гуруҳлари, фазалари сифатида қабул қилишни, уларнинг башорат ва ноаниқлик динамикаси даражаси билан тавсифлайди.

⁴⁴ Муаллиф ишланмаси

Кичик ва йирик қурилиш корхоналарининг интеграция жараёнини ўрганишда услубий ёндашув сифатида ишда тизимли-синергетик ёндашув қўлланилади. Ушбу ёндашувни танлаш, тизим-кибернетик ёндашувдан фарқли ўлароқ, “ривожланиш”ни чизиксиз, мувозанатсиз, очиқ, қайтариб бўлмайдиган тизим сифатида ўрганишга кўпроқ мойил бўлади.

Иқтисодийда интеграция жараёнларининг ривожланиши, рақобатни кучайиб бориши билан ҳар хил ўлчамдаги корхоналар ўртасида самарали, ўзаро ҳамкорликнинг янги шакллари топиш заруратини келтириб чиқарди. Тадбиркорлик субъектларини бирлаштириш усули сифатида тармоқ ҳақидаги устун фикрлар турличадир. Умумий ҳолда, тармоқ деганда “шахслар ва гуруҳлар ўртасидаги барқарор шартномалар ёки ўхшаш ижтимоий муносабатлар” тушунилади. Тармоқнинг самарали ишлашининг муҳим шarti муносабатлари тимсолидир. Бу уларни кўп томонлама ва барқарор қилади. С. Басукованинг сўзларига кўра, бу тармоқ иштирокчиларининг ўзаро мажбуриятларни қабул қилишлари учун замин яратади, бу эса ресурсларни тўплаш учун зарур ҳисобланади. Ресурсларнинг қайтарилиш кафолати тармоқнинг ўзи бўлади. Бошқача қилиб айтганда, тармоқнинг афзаллиги бу операцияларни амалга оширишга бўлган ишончнинг ошганлигидир. Тор маънода тармоқ “маҳаллий шовқинни бошқариш учун махсус ташкилий тузилмалар” сифатида тушунилади.

Тармоқ тузилмалари ва олдинги турдаги ташкилотлар ўртасидаги сезиларли фарқ шундаки, марказлаштиришдан фарқли ўлароқ, улар битта фирма ичида маҳсулот яратиш учун зарур бўлган барча активларнинг концентрациясини англатмайди, балки қиймат занжирининг турли қисмларида жойлашган бир нечта фирмаларнинг жамоавий активларидан фойдаланишни англатади. Ресурслар оқимини бошқаришда тармоқлар маъмурий жараёнларга қараганда кўпроқ бозор механизмларига таянади. Тармоқ иштирокчилари ўзаро боғлиқликни тан олишади ва маълумот алмашиш, ҳамкорлик қилиш, маҳсулотларни мослаштиришга интилишади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик ва йирик қурилиш корхоналарини тизимли ташкил этишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш учун умумий илмий тадқиқот методологияси (фалсафа ва тизимли ёндашув) билан бир қаторда таркибий тузилишга эга бўлган фанлараро услубий ёндошувлардан фойдаланиш таклиф этилади; тармоқ ёндашуви интеграциялашган таълим иштирокчиларининг ўзаро таъсир механизмини кўриб чиқишдан иборат бўлиб, синергетик ёндашув бу ўзаро таъсирнинг самарадорлигини баҳолашдир(1.3.1-расм).

Кичик ва йирик қурилиш корхоналарини интеграциялаш тўғрисида тизимли маълумот муаллиф томонидан таклиф этилаётган тизимли-синергетик ёндашув орқали тадқиқот режаси бўлиб, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

1. Инвестицион-қурилиш комплексининг ҳолати таҳлили:

- Ўзбекистондаги инвестицион-қурилиш комплексининг ҳолати ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш;

- ҳудудий инвестицион-қурилиш комплекси таркибидаги кичик ва йирик қурилиш корхоналарининг ўрнини аниқлаш.

2. Тизимнинг назарий дизайни, унинг доирасида кичик ва йирик қурилиш корхоналарини бирлаштириш таҳлили ўтказилиши керак:

- тизимнинг сифат жиҳатидан - тизим ва индивидуал хусусиятларини ўрнатиш;


- тизим турини ва унга юкланган хатти-ҳаракатларнинг хусусиятларини аниқлаш;

- тизимни ташкил этувчи асосий омил ва функцияларини аниқлаш;

- тизим тузилишини таркибий қисмлар ва муносабатлар бирлиги сифатида ўрганиш;

- кичик ва йирик қурилиш корхоналарини бирлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш;

- кичик ва йирик қурилиш корхоналарини бирлаштириш учун ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш.



1.3.1-расм. Кичик ва йирик корхоналар интеграциясини шакллантиришга услубий ёндашувлар⁴⁵

3. Самарадорлик ва оптимизмнинг тизимли тушунча ва уларнинг даражаларига, шунингдек, бир-бирига ва умуман тизимга нисбатан қуйи тизимларнинг самарадорлиги ва оптималлигига асосланган самарадорлик ва оптималликнинг аниқ тизимли мезонларини аниқлаш.

Келтирилган таҳлил натижаларидан маълум бўлишича объектни ўрганишда тизимли ёндашув усулидан фойдаланиш ўзига хос устунликка эга ҳисобланади. Шунингдек, кичик ва йирик қурилиш корхоналарини тизимли ташкил этишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишда умумий илмий тадқиқот методологияси, фалсафа ва тизимли ёндашув кабилардан фойдаланиш муҳим эканлиги асосланди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Тадқиқот натижаларига кўра кичик бизнесни аниқлаш параметрларини белгилаш учун мавжуд мезонларни такомиллаштириш унинг тараққиётини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади, яъни ишчилар сонидан ҳам муҳим

⁴⁵ Муаллиф ишланмаси

бўлган мезонлар сифатида товар айланмаси ҳажмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланади.

2. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, кичик бизнеснинг муҳим ролини ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун харидларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётида зарур эгилувчанликни таъминлаш, аҳоли учун қўшимча иш ўринларини яратиш, бандлик муаммосини ҳал қилиш кабиларда намоён бўлишини асослайди. Яъни кичик бизнес субъектлари иқтисодиёт ва умуман жамиятни ривожлантириш, шунингдек, ҳудудларнинг иқтисодий ўсишини ошириш учун кўплаб имкониятларни яратишга хизмат қилади.

3. Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари сони миқдори жиҳатдан ошишига қарамасдан, йирик бизнес ривожининг нисбий бўлган сифат кўрсаткичларини пасайишига сабаб бўлмоқда. Умумий иқтисодий вазиятни баҳолаш натижаларига кўра эса қониқарсиз деб жавоб берган респондентлар улуши айнан янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларда катта қийматга эга бўлмоқда. Фикримизча янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларни қўллаб-қувватлаш, улар учун зарурий инфратузилмани яратиш, ҳуқуқий ҳимоясини ташкил қилиш масалаларига эътибор қаратиш салбий бўлган сифат кўрсаткичларини ижобий томонга ўзгаришига хизмат қилади. Қурилишда маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлашда буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчи ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишни бекор қилиш

4. Кичик ва йирик бизнеснинг интеграцион алоқаларини тадқиқ қилишда тизимли ёндашув усулидан фойдаланиш ўзига хос устунликка эга бўлиб, кичик ва йирик қурилиш корхоналарини тизимли ташкил этишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишда умумий илмий тадқиқот методологияси, фалсафа кабилар билан биргаликда қўллаш муҳим ҳисобланади.

2-БОБ. ТОШКЕНТ ШАҲРИ ИНВЕСТИЦИЯ-ҚУРИЛИШ МАЖМУАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

2.1. Тошкент шаҳри инвестиция – қурилиш мажмуасининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари.

Қурилиш саноати иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бошқа тегишли тармоқларнинг товар ва хизматларига бўлган талабни шакллантиради. Шунингдек, «аҳолини уй-жой билан таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш, бандликни ошириш каби қатор миллий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришишда жуда муҳим ҳисобланади. Мазкур соҳада амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра қурилиш ишлари иқтисодиётнинг деярли барча жабҳаларига таъсир қилади ва қурилиш саноати, айниқса ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан саналади»⁴⁶.

«Яъни қурилиш саноати иқтисодиётнинг мураккаб соҳаси бўлиб, у манфаатдор томонларнинг кенг доирасини қамраб олади ва ишлаб чиқариш, материаллардан фойдаланиш, энергия, молия каби қатор соҳалар ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ишчи кучи бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадларини шакллантириш ҳамда ошириш каби бошқа муаммоларнинг ечимига эришиш билан кенг боғлиқликка эга»⁴⁷. «Қурилиш саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миллий ишлаб чиқаришнинг асосий ва ажралмас қисми

⁴⁶ Ive, G and Gruneberg, L., (2000). The Economics of The Modern Construction Sector, Macmillan Press Ltd, UK; Hillebrandt, P.M. (2000). Economic Theory and the Construction Industry, 3rd, Macmillan Press Ltd, UK; Ganesan, S., (2000). Employment, Technology and Construction Development. Ashgate, UK; Anaman K.A. and Amponsah, C. (2007). Analysis of the causality links between the growth of the construction industry and the growth of the macro economy in Ghana. Institute of Economic Affairs. Accra, Ghana.; Khan R.A. (2008). Role of Construction Sector in Economic Growth: Empirical Evidence from Pakistan Economy. Advancing and Integrating Construction Education, Research & Practice, International Conference on Construction In Developing Countries, Karachi, Pakistan.; Oladinrin, T.O., Ogunsemi, D.R., Aje, I.O. (2012). Role of Construction Sector in Economic Growth: Empirical Evidence from Nigeria. Journal of the Environment. Vol. 7 No 1.; Rangelova, F. (2015). Fundamentals of economics in sustainable construction. Bultest Standard Ltd. Bulgaria.

⁴⁷ Hillebrandt P.M. (1985) The Nature of Construction Economics. In: Economic Theory and the Construction Industry. Palgrave Macmillan, London. https://doi.org/10.1007/978-1-349-17934-3_1

бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда соҳанинг ЯИМдаги улуши етарли даражада катта қийматни ташкил этади»⁴⁸. Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган олимларнинг хулосаларига кўра «қурилиш соҳасининг тараққиёти капиталнинг мавжудлиги ҳамда ҳукумат қарорлари билан бевосита боғлиқ, чунки ҳукумат қурилиш саноатини маҳаллий ва миллий иқтисодиётни бошқариш воситаси сифатида ишлатади»⁴⁹.

Келтирилган таҳлил натижаларига асосланадиган бўлсак, тадқиқотларда турли даражадаги қурилиш мажмуасини ривожлантириш муаммоларини қараб чиқиш анча мураккаб иш бўлиб, у кўпчилик соҳа ва тармоқлар ривожини ҳамда бевосита ҳукумат томонидан ишлаб чиқарилаётган қарорлар билан тўғридан–тўғри боғлиқ ҳисобланади. Бундан ташқари қурилиш мажмуасининг моҳияти, сифати ўзига хослигини турли нуқтаи назар асосида қараб чиқишни талаб қилади.

➤ Биринчидан технологик нуқтаи назардан, қурилиш мажмуаси иқтисодиётни бошқариш ёки бошқаришнинг ҳар қандай шаклида объектив равишда мавжуд бўлади.

➤ Иккинчидан мамлакат иқтисодиётини бошқариш нуқтаи назаридан, давлат ҳокимияти объекти сифатида “қурилиш мажмуаси” тушунчаси нафақат реал иқтисодий муносабатлар моҳиятини акс эттиради, балки иқтисодий мавҳум фаолиятга айланади. Бу ҳукуматнинг ўрта даражасида вакуум пайдо бўлишига олиб келадиган вертикал алоқаларнинг йўқ қилиниши билан изоҳланади. Қурилиш ташкилотлари фаолияти мустақил бўлиб, уларнинг функционал ва

⁴⁸ Ganesan, S., (2000). Employment, Technology and Construction Development. Ashgate, UK; Crosthwaite, D. (2000). The global construction market: A cross-sectional analysis. Construction Management and Economics, 18,619–627. European Commission. 2005. COM (2005) 474; Myšková, R. (2009). Satisfaction of Financial Managers with Accounting Information System. Proceedings of the 3rd International Conference on Management, Marketing and Finances, WSEAS; Norwegian Univ Sci & Technol. p. 76-81. ISBN:978-960-474-073-4.; Šatanová, A., Krajčúrová, L. (2012). Application of Accounting and Reporting in a Cost-Oriented Quality Management in Wood-Processing Companies. Drvna Industrija, Vol.: 63 Issue: 4 pp: 283-289, ISSN 0012-6772.

⁴⁹ Wibowo, A. (2009). The Contribution Of The Construction Industry To The Economy Of Indonesia: A Systemic Approach. Discussion Paper. Construction Management, Civil Engineering, Department, Diponegoro University, Indonesia.

иқтисодий ҳолатига давлат томонидан таъсир фақат билвосита мажбурий қонуний қўллаб-қувватлаш билан амалга оширилиши мумкин.

➤ Учинчидан “минтақавий даражадаги менежмент нуқтаи назаридан, қурилиш комплексида мавжуд тартибга солиш жараёнларини ташкил қилиш ва инвестицион-қурилиш фаолиятини ривожлантириш миллий даражада, шунингдек минтақаларнинг хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим”⁵⁰.

Бозор муносабатлари шаклланиши инвестицион-қурилиш мажмуасининг янги концепциясини вужудга келишини таъминлайди. Натижада бугунги кунда бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлардаги каби қурилиш фаолиятининг асосий таркибий қисми ва молиявий манбаи сифатида инвестициялар майдонга чиқмоқда, қурилиш комплекси турли инвестиция дастурлари ва лойиҳаларида иштирок этиш орқали ўз манфаатларини қондирадиган субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатни акс эттирувчи инвестицион-қурилиш саноатига айлантирилмоқда.

Амалга оширилган таркибий таҳлил натижларига кўра «инвестицион-қурилиш мажмуаси молия-кредит, пудратчи ва ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари, қурилиш материаллари, иншоотлар ва буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш саноати, илмий ташкилотлар, олий ўқув юртлари, қурилиш биржалари, муҳандислик, консалтинг, менежмент ишларини бажаришга ихтисослашган бошқа фирма ва ташкилотлар, қурилиш хизматларини механизациялаш, транспорт, изланиш, дизайн ва илмий ишларнинг бирлашиши деб ҳисоблашади»⁵¹. Инвестицион-қурилиш мажмуаси таркибига соҳани бошқариш ва бошқарув органлари (республика ва ҳудудий), шунингдек тармоқ

⁵⁰ Н.Ш.Ахмедова. Роль малого бизнеса и инвестиций в развитии экономики/ Бухарский инженерно - технологическом институт Международная научно-практическая конференция: «Современные инновационные технологии в легкой промышленности: проблемы и решения» 19-20 ноября 2021 года

⁵¹ Renata Stasiak-Betlejewska and Marek Potkány / Procedia Economics and Finance 34 (2015) 35 – 42

ва жамоат бирлашмалари (уюшмалар, консорциумлар, ассоциациялар ва бошқалар) киради.

Шундай қилиб, якуний маҳсулотларни яратишда бевосита ёки билвосита иштирок этадиган асосий ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги барча хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион-қурилиш мажмуасига тегишли ҳисобланади. Инвестицион-қурилиш мажмуасининг таркибий қисмларининг асосий мақсади-иқтисодий самарага эришиш учун бирлашиши ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида аниқланганидек қурилиш мажмуи Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳам муҳим тармоқлардан бири бўлиб, мамлакат тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий ва техник муаммоларини ҳал қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим “драйвер”ларидан бирига айланди. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Шунингдек, тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш керак”⁵² деб таъкидлаган ҳолда соҳанинг мамлакатимиз учун аҳамиятини қанчалик юқори эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Кичик ва йирик корхоналарнинг ўзаро интеграцион индекси узоқ ва қисқа муддатда амалга ошириш самарадорлигини, яъни интеграцион жараёнлар ва ўзаро таъсир сифатини таъминлаш, унинг тузилмалари ва алоқалари ўртасида мувофиқлаштириш унумдорлигини кўрсатади. Бу параметрни тавсифлаш учун тизим боғланишлари ўртасида интеграциянинг мавжудлигини кўрсатувчи иқтисодий қийматлар максимал даражада мос келади. Ўзаро алоқаларининг

⁵² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

боғлиқлиги ҳисобланган кичик ва йирик корхоналарининг ўзаро интеграциялашуви унинг ташқи ва ички муҳитдаги ўзгаришларга мослашувчанлигини оширади.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда қурилиш саноати корхоналари учун рақобатбардошлик омилларининг интеграл кўрсаткичи бирлик улуши аҳамиятини тўғрилаш параметрларининг вазн қийматлари ишлаб чиқилди ва ушбу параметрлардан интеграл кўрсаткич қиймати чегараларини аниқлашда фойдаланиш тавсия этилади (3 -жадвал).

3-жадвал

Рақобатбардошлик омилларининг интеграл кўрсаткичи бирлик улуши аҳамиятини тўғрилаш параметрларининг индекс қийматлари

Тузатувчи кўрсаткич	Вазн
Таъсир (+1, -1)	-
Таъсир интенсивлиги (1,2,3)	0,2
ЭХМ таъсири (1,2,3)	0,25
Қамров (1,2,3)	0,05
Омилларни ўзгартириш вақтининг кечикиши - лаглар (1,2,3)	0,15
Омилларни ўзгартириш вақтининг кечикиши (1,2,3)	0,15
Корхонанинг омилга таъсир қилиш эҳтимоли	0,2
Жами	1,0

Алоҳида омил кўрсаткичларини умумлаштириш жараёнини бир неча босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқ:

$$PAK = \frac{\sum_{i=1}^n T_d(I_d \cdot I_v + T_o \cdot O_v + O_{kk} \cdot K_{kv} + L_t \cdot L_v + X_t \cdot X_v)}{n}$$

Бу ерда: PAK – рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичи;

T_d - +1 ва -1 оралиғида ётувчи омилларнинг таъсир даражаси;

I_d – таъсир интенсивлиги даражаси (10 балли тизим);

I_v – таъсир интенсивлигининг вазн қиймати (1 нинг улушларида);

T_o – таъсир оқибати, балли шкалада;

O_v – таъсир оқибати вазн қиймати (1 нинг улушларида);

$O_{\text{кк}}$ – омил қамрови кенглиги, балли шакалада;

$K_{\text{кв}}$ – қамров кенглиги вазн қиймати (1 нинг улушларида);

$L_{\text{т}}$ – лаг кечикишларининг омилга таъсири (йил);

$L_{\text{в}}$ – лаг кечикишлари вазн қиймати (1 нинг улушларида);

$X_{\text{т}}$ – омиллар таъсири жараёнидаги корхонанинг харажатлари (балларда);

$X_{\text{в}}$ – омиллар таъсири жараёнидаги корхонанинг харажатлари вазн қиймати (1 нинг улушларида).

Дастлаб ушбу омилнинг таъсир йўналишини (“+” ижобий; “–” салбий) ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардошликнинг ҳар бир i -омили бўйича тортилган қийматини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Кейин олинган вазли баҳоларни рақобатбардошликнинг барча омилларини ҳисобга олган ҳолда тўпланади ва моделнинг натижаси бутун корхона бўйлаб рақобатбардошликнинг мутлақ интеграл қиймати бўлади. Олинган қийматни биз корхона рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичи деб қаралади. Шундай қилиб, корхона рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичи корхона фаолиятининг келгуси натижаларини прогноз қилиш ва жараёнларни таҳрирлаш модели сифатида асос бўлиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган услубиёт асосида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи: “Yangi zamon bino” МЧЖ ва “Inter injenering” МЧЖ ва “Central asia expo group” МЧЖ корхоналарининг 3 та асосий индекс сифатида танланган қисқа муддатли даврларда бажарилган ишларнинг рақобатбардошлигини бошқаришнинг хусусий индекси, узоқ муддатли даврларда даврларда бажарилган ишларнинг рақобатбардошлигини бошқаришнинг хусусий индекси ва даврларда бажарилган ишларнинг рақобатбардошлигини бошқаришнинг интеграл индекси асосида уларнинг рақобатбардошлик интеграл кўрсаткичлари ҳисобланди ва баҳоланди.

Корхона рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичида берилган шартли миқдорлар корхоналарнинг юқори бошқарув даражасидаги менежерлар ҳамда

соҳада фаолият олиб бораётган етакчи мутахассисларидан иборат экспертлар хулосалари асосида шакллантирилди (2.9-жадвал).

Рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичини ҳисоблашда услубиётда берилган шартли миқдорлардан фойдаланган ҳолда ҳар учала қурилиш корхоналари учун ушбу кўрсаткич ҳисоблаб чиқилди.

Услубиётда таклиф этилаётган боғланиш асосида “Yangi zamon bino” МЧЖ учун рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичини аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} \text{РИК}_3 &= \frac{0,7(7 \cdot 0,5 + 6 \cdot 0,4 + 8 \cdot 0,4 + 0,2 \cdot 0,4 + 7 \cdot 0,4)}{3} + \frac{0,6(6 \cdot 0,3 + 5 \cdot 0,4 + 7 \cdot 0,3 + 0,1 \cdot 0,4 + 5 \cdot 0,4)}{3} + \\ &+ \frac{0,5(5 \cdot 0,2 + 5 \cdot 0,2 + 7 \cdot 0,3 + 0,1 \cdot 0,2 + 3 \cdot 0,2)}{3} = \frac{0,7 \cdot 11,98 + 0,6 \cdot 7,94 + 0,5 \cdot 3,72}{3} = \frac{15,01}{3} = 5,01 \end{aligned}$$

“Inter injenering” МЧЖ учун рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичи куйидагича:

$$\begin{aligned} \text{РИК}_{\text{АФ}} &= \frac{0,6(6 \cdot 0,4 + 5 \cdot 0,5 + 7 \cdot 0,5 + 0,2 \cdot 0,5 + 8 \cdot 0,5)}{3} + \frac{0,8(8 \cdot 0,4 + 6 \cdot 0,3 + 8 \cdot 0,3 + 0,1 \cdot 0,3 + 8 \cdot 0,3)}{3} + \\ &+ \frac{0,6(6 \cdot 0,2 + 6 \cdot 0,2 + 7 \cdot 0,2 + 0,1 \cdot 0,2 + 5 \cdot 0,2)}{3} = \frac{0,6 \cdot 12,5 + 0,8 \cdot 9,83 + 0,6 \cdot 4,82}{3} = \frac{18,256}{3} = 6,09 \end{aligned}$$

“Central asia expo group” МЧЖ учун рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичи куйидагича:

$$\begin{aligned} \text{РИК}_{\text{ФД}} &= \frac{0,8(8 \cdot 0,6 + 7 \cdot 0,6 + 8 \cdot 0,5 + 0,2 \cdot 0,6 + 6 \cdot 0,4)}{3} + \frac{0,5(5 \cdot 0,3 + 5 \cdot 0,3 + 6 \cdot 0,4 + 0,1 \cdot 0,2 + 5 \cdot 0,4)}{3} + \\ &+ \frac{0,5(4 \cdot 0,1 + 4 \cdot 0,1 + 4 \cdot 0,1 + 0,1 \cdot 0,2 + 3 \cdot 0,2)}{3} = \frac{0,8 \cdot 15,52 + 0,5 \cdot 7,42 + 0,5 \cdot 1,82}{3} = \frac{17,036}{3} = 5,68 \end{aligned}$$

Ҳар учала қурилиш корхоналари рақобатбардошлик интеграл кўрсаткичлари қиймати бўйича энг юқори кўрсаткичга “Inter injenering” МЧЖ (6,09), “Янги замон” МЧЖ иккинчи ўриндаги кўрсаткичга (5,68) ва “Central asia expo group” МЧЖ энг паст кўрсаткичга (5,01) эга бўлган.

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи: “Yangi zamon bino” МЧЖ, “Inter injenering” МЧЖ ва “Central asia expo group” МЧЖ корхоналарининг қисқа ва узоқ муддатли даврларда бажарилган ишларнинг рақобатбардошлигини бошқаришнинг хусусий индекси ва бажарилган ишларнинг

рақобатбардошлигини интеграл индекси асосида уларнинг рақобатбардошлик интеграл кўрсаткичлари ҳисобланди ва баҳоланди. Ҳар учала қурилиш корхоналари рақобатбардошлик интеграл кўрсаткичлари қиймати бўйича “Yangi zamon bino” МЧЖ энг юқори кўрсаткичга (6,09), “Inter injenering” МЧЖ иккинчи ўриндаги кўрсаткичга (5,68) ва “Central asia expo group” МЧЖ энг паст кўрсаткичга (5,01) эга бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, корхонанинг рақобатбардошлигини баҳолаш корхоналар ўртасидаги интеграцион жараёнларни таъминлаш ҳамда бошқариш тизимини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда ҳамда юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олиб Тошкент шаҳри инвестицион – қурилиш мажмуасининг ҳозирги ҳолати статистик маълумотлар асосида таҳлилини амалга оширамиз ҳамда олинган натижаларга асосланиб истиқболларини белгилаб ўтамиз. Умумий қиёсий таҳлилни амалга ошириш ҳамда Тошкент шаҳри инвестицион-қурилиши мажмуасининг салоҳияти ҳақида тушунчага эга бўлиш мақсадида даставвал мамлакат бўйича қисқача таҳлил амалга оширилган ҳолда шаҳарнинг улуши ва салоҳияти асослаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистоннинг инвестицион-қурилиш мажмуасини шаклланишида Тошкент шаҳри салмоқли улушни эгаллагани ҳолда мамлакатда қурилиш соҳаси ва саноати тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатда рўйхатдан ўтган корхоналар сони 2021 йил 1 январ ҳолатига жами 503,5 минг тани ташкил қилиб шундан 43,2 минг таси қурилиш соҳасига тўғри келмоқда. Шунингдек, фаолият юритаётган жами корхоналар сони 475,2 тани ташкил қилгани ҳолда уларнинг ҳам 8,6 фоизи қурилиш соҳасига тўғри келмоқда. Бир йил олдинги натижаларга кўра ушбу нисбат 9,1 фоизни ташкил қилгани ҳолда қурилиш соҳасидаги фаолият юритаётган корхоналар сони миқдор

жиҳатдан 4751 бирликка ошган бўлишига қарамасдан нисбий миқдорларда камайганлигини кўрсатмоқда.

2020 йилда мамлакатимизда COVID 19 туфайли келиб чиққан пандемия натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида пасайиш кузатилди. Натижада мамлакатда рўйхатдан ўтган жами кичик корхоналарнинг улуши 10,7 фоиздан 9,8 фоизгача пасайди, фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг эса 10,8 фоиздан 9,9 фоизгача камайганлигини кузатиш мумкин. Яъни мамлакатда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг тахминан 10 фоизга яқини қурилиш соҳасига тўғри келмоқда. Тадқиқотимиз объекти бўлган Тошкент шаҳри доирасида ҳам айти кўрсаткичларни ҳисоблаган ҳолда мамлакат даражасидаги кўрсаткичларга нисбатан қиёсий таҳлилини амалга ошириб ўтамиз (2.1.1-жадвал).

Маълумотларга кўра 2021 йил биринчи январ ҳолатига шаҳарда рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар сони 100539 тани ташкил қилгани ҳолда, шундан 8237 таси қурилиш соҳасига тўғри келади ва жамига нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилади. Республика миқёсида ушбу кўрсаткич бироз юқори қийматга эга бўлиб, 8,6 фоизга тенг. Рўйхатга олинган корхоналарнинг 95951 таси фаолият кўрсатаётган корхоналар бўлиб, фаоллик даражаси 95,4 фоизни, қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг фаоллик даражаси эса 96,0 фоизни ташкил қилмоқда.

Шаҳарда янгидан ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг 9,9 фоизи қурилиш соҳасига тўғри келиб, республика даражасидаги кўрсаткичга нисбатан 3,5 пунктга юқори қийматга эга. Шаҳарда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 89,3 фоизи кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Бироқ қурилиш соҳасида ушбу кўрсаткич анча юқори қийматга эга бўлиб, жами фаолият юритаётган 7907 та тадбиркорлик субъектининг 7824 таси кичик тадбиркорлик субъектлари бўлиб, уларнинг улуши 98,9 фоизни ташкил қилади.

2.1.1-жадвал

Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожланишининг умумий кўрсаткичлари⁵³

	Жами тадбиркорлик субъектлари сони	Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари сони	Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари улуши
Рўйхатга олинганлар корхона ва ташкилотлар сони	100539	8237	8,2
Фаолият кўрсатаётганлар корхона ва ташкилотлар сони	95951	7907	8,2
Янгидан ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони	14875	1465	9,9
Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (мингта)	85687	7824	9,1
Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони	6918	680	9,8
Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони	3258	48	1,5


Кейинги йилларда қурилиш соҳасида инновацион технологиялардан фойдаланиш, жаҳон талабаларига мос қурилиш ишларини ташкил қилиш, ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш ҳамда йирик қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан бугунги кунда шаҳарда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ушбу йўналишдаги корхоналар фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб ўтишни талаб қилади. Маълумотларга кўра шаҳарда фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги жами корхоналар сони 6918 тани ташкил қилгани ҳолда уларнинг 680 таси яъни 9,8 фоизи қурилиш соҳасига тўғри келмоқда. Айнан ушбу кўрсаткич бўйича қурилиш соҳасидаги корхоналар улуши энг юқори қийматга эга бўлаётганлиги ҳам шаҳарда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган қурилиш

⁵³ www.toshstat.uz Тошкент шаҳар статистика бошқармаси расмий сайти

ишларида хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг аҳамияти қанчалик юқори эканлигини асослашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, хунармандчилик, субпудратчилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш асосида кичик бизнесни ривожлантириш муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралиб келинади. Таҳлилларимизга кўра шаҳарда фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари сони 3258 таши ташкил қилган ҳолда, уларнинг атиги 48 таси қурилиш соҳасига тўғри келмоқда ва жамига нисбатан 1,5 фоизни ташкил қилади. Айнан қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ инвестиция, шу билан бирга маълум кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Бошқа томондан эса айнан қурилиш соҳасида норасмий секторнинг улушини юқориликча қолаётганлиги соҳада оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини асослайди.

Мамлакатда бажарилган қурилиш ишларининг катта қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, 2000-2020 йилларда бажарилган қурилиш ишларининг 19,7 фоизи айнан Тошкент шаҳрига тўғри келади. Шаҳарда бажарилган қурилиш ишларининг ўсиш суръатларидаги ўзгариш мос равишдан унинг мамлакатдаги улушини ўзгаришига олиб келган. Хусусан қурилиш ишлари ҳажми 2019 йилда 16256,9 миллиард сўмни ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 35,5 фоизга ошиши таъминланган. 2020 йилга келиб ўсиш суръати 6,6 фоизга тушиб қолганди ҳолда республикадаги кўрсаткичга нисбатан ҳам 2,9 фоизга паст қийматга эга бўлган. Натижада, 2016 йилдан буён бақарор ўсишга эга бўлган шаҳарнинг бажарилган қурилиш ишларида улуши бироз пасайиш кузатилган. Яъни, кейинги тўрт йилда бақарор ўсиши таъминлангани ҳолда 22,8 фоизга етган бўлса, 2020 йилга келиб ўсиш суръатини пасайиши мазкур кўрсаткични 21,8 фоизгача пасайишига олиб келган (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишларида Тошкент шаҳрининг улушини ўзгариш динамикаси⁵⁴

Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишларида Тошкент шаҳрининг улушини ўзгариш динамикасига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз, чунки келтирилган маълумотларга кўра шаҳарнинг улуши етарли даражада юқори бўлишига қарамасдан юқори тебранишларга эга бўлмоқда. Шунингдек, мазкур нисбий кўрсаткич бизга номинал ва реал қийматликлар муаммосидан қочиш ҳамда шаҳарда қурилиш ишлари ҳажмини республикадагига нисбатан қандай даражада ривожланганлигини кўрсатишга ёрдам беради. Ҳисоб-китобларимизга кўра кейинги даврда Тошкент шаҳрида бажарилган қурилиш ишларининг жамига нисбатан улушини ошиши кузатилган бўлишига қарамасдан 2000-2020 йиллардаги максимал даражадан пастлигича қолмоқда. Чунки шаҳарда бажарилган қурилиш ишларининг жамига нисбатан улуши 2003 йилда максимал даражага эришгани ҳолда 23,44 фоизни ташкил қилган, яъни республикада бажарилган қурилиш ишларининг деярли тўртдан бир қисми шаҳар ҳиссасига тўғри келган. Энг паст кўрсаткич эса 14,9 фоизга тенг бўлиб, 2010 йилга тўғри келади. Ушбу натижа жаҳон-молиявий иқтисодий инқирози содир бўлган 2008 йилда бошланиб то 2010 йилга қадар давом қилган пасайиш сабабли вужудга келган.

⁵⁴ Муаллиф ишланмаси

Шаҳарда қурилиш ишларини ҳажми ва ўсиш суръати анча беқарор бўлиб, 2000-2020 йилларда даврий тебранишларга хос ўзгаришлар кузатилган. Хусусан 2003 йилдаги кескин ўзгаришни ҳисобга олмаганда шаҳарда бажарилган қурилиш ишларининг жамига нисбатан улуши пасайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан анча барқарорлиги таъминланган ва ўсиш суръати ҳам анча паст бўлган, яъни ўртача ўсиш суръати 0,7 фоизни ташкил қилган. 2006-2008 йилларда улушнинг кескин ўсиши таъминлангани ҳолда деярли максимал даражада яқинлашиб қолади, бироқ 2008 йилда жаҳон молиявий инқирози оқибатида вужудга келган тебраниш уни 2010 йилга қадар пасайишига ва тадқиқ қилинаётган даврдаги қуйи нуқтасига эришишига сабаб бўлади.

Асосий эътиборни 2016-2019 йилларда ўсишга қаратиб ўтмоқчимиз, яъни ушбу даврга келиб шаҳарда бажарилган қурилиш ишлари ҳажмида кескин ўсиш суръати таъминланади, яъни ўртача ўсиш суръати 23,8 фоизни ташкил қилади, агарда 2016 йилни ҳисобга олмаганда мазкур кўрсаткич 30,8 фоизни ташкил қилади. Шунга мос равишда шаҳарнинг жами қурилиш ишларидаги улушини ҳам ошиши кузатилган. Бунинг асосий сабаблари ўрганилганида айнан тадбиркорлик субъектлари, кичик корхоналар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарор ва қонунларнинг ижобий самараси эканлигини аниқланди. Чунки, қуйидаги чора – тадбирлар қурилиш соҳасида хусусий сектор улушини кескин ошишига ҳамда кичик ва йирик бизнеснинг корхоналарининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилинишига замин яратиб берди.

Ўзбекистон Республикаси, хусусан Тошкент шаҳрининг қурилиш комплекси жорий ҳолатини 2000-2020 йиллар давомида мутлоқ ва нисбий статистик кўрсаткичлар, таҳлилий материаллардан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш, сўнгги йилларда бутун инвестицион-қурилиш комплекси, шунингдек алоҳида корхоналар фаолиятида юзага келган ижобий тенденцияларни аниқлашга имкон беради. Мамлакатда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бўйича

олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида қатор ижобий натижалар таъминланди. Хусусан:

- нофаол корхоналар сонини камайишига;
- қурилиш соҳасидаги янгиликларга қизиқишни ортишига;
- соҳада юқори ўсиш суръатларини таъминланишига;
- йирик ва кичик бизнес ҳамкорлигини кучайиши натижасида пудратчи қурилиш корхоналари хизматларига талабни ортишига;
- мавжуд салоҳиятдан фойдаланишнинг ўртача кўрсаткичларини ошишига;
- соҳанинг бандликни таъминлашдаги ролини янада ошириш эвазига корхоналар улушининг ўсишига;
- қурилиш секторини ўз молиявий манбалари билан таъминлаш бўйича вазият яхшиланишига эришилди.

Қурилиш соҳасини тараққиёти нафақат бажарилган қурилиш ишлари ҳажми билан балки юқорида келтириб ўтилганидек, соҳага хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг мавжудлиги ва ривожланганлиги, шунингдек зарурий хом ашё базаси, якуний қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилганлиги билан ҳам белгиланади.⁵⁵ Шу билан бирга якуний қурилиш маҳсулотларини яратиш, сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш аниқ белгиланган минтақавий хусусиятга эга бўлади, чунки қурилиш маҳсулотларининг асосий хусусияти унинг ер билан мустаҳкам ва узлуксиз боғланиши ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу ижтимоий-иқтисодий тизимда ҳудудларнинг инвестицион-қурилиш соҳаси субъектлари ўзларининг иқтисодий манфаатларини инвестиция ресурсларини тўплаш ва қурилишнинг якуний маҳсулотларини яратиш ва сотиш жараёнида қатнашиш орқали амалга

⁵⁵ Н.Ш.Ахмедова. “Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи қурилиш ташкилотларининг ривожланиш тенденциялари” /“Архитектура ва қурилиш соҳасида инновация, интеграция, тежамкорлик” мавзусидаги халқаро on-line илмий - амалий конференция 2021 йил 5-6 май.

оширадilar. Худудлардаги инвестицион-қурилиш комплексининг асосий функциялари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

➤ худудда иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш активларининг содда, кенгайтирилган шаклда ишлаб чиқарилишини таъминлайди, минтақавий иқтисодиётнинг самарадорлигини оширади;

➤ мутлақо янги технологиялар ҳамда материаллардан фойдаланиш асосида қурилиш маҳсулотларининг сифати ва уларни эксплуатация қилиш хусусиятларини тубдан яхшиланишини таъминлайди;

➤ уй-жой фонди ва ижтимоий инфратузилма объектларини шакллантириш асосида минтақада ишчи кучининг кўпайиши учун моддий шароитлар яратади;

➤ энг муҳим ижтимоий муаммолардан саналган, аҳолини уй-жой билан таъминлашни миқдор ва сифат жиҳатдан яхшиланишига хизмат қилади;

➤ фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари асосида ўзининг моддий-техник базасини ривожлантиришни амалга оширади.


Минтақавий инвестицион-қурилиш комплексининг асосий функционал мақсади инвестицияларни ўз худудидаги муайян ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларига айлантириш орқали худудда ижтимоий-иқтисодий такрор ишлаб чиқариш учун шарт-шароит яратадиган моддий база шакллантириш ҳисобланади. Шу маънода минтақавий инвестицион-қурилиш комплекси иқтисодий минтақавий комплекс фаолияти натижаларини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жамғармалари кўринишида акс эттиради.

Шундай қилиб, бир томондан, минтақавий инвестицион-қурилиш комплексларнинг ишлаши ва ривожланиши учун шароитлар минтақа иқтисодиёти самарадорлигининг ҳосиласи бўлиб хизмат қилади, иккинчи томондан, инвестицион-қурилиш комплексининг ўзи минтақавий ишлаб чиқариш ва истеъмол тизимларининг самарали ишлаши учун шароит яратади.

Юқорида келтирилганлардан хулоса шуки “минтақада инвестицион-қурилиш комплексини ривожлантирмасдан туриб, иқтисодийни бошқа тармоқлари, хусусан, саноат ишлаб чиқариши тараққиётини таъминлашнинг имконияти йўқ. Буни ҳисобга олган ҳолда инвестицион-қурилиш комплекси ҳолати аҳволини ҳам таҳлил қилиб ўтаемиз”⁵⁶. Ушбу таҳлилни биз нисбий кўрсаткичлар асосида амалга оширмақчимиз, бунинг учун ҳудудда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар миқдорини Республикадаги улуши, ҳамда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг республика кўрсаткичига нисбати каби индикаторлардан фойдаланамиз (2.1.2-расм).

Ҳисоб китоблар натижасида аниқланган мазкур нисбатлар номинал кўрсаткичларни реал қийматларга айлантириш муаммосини баргараф этиш шу билан бирга шаҳарнинг инвестицион салоҳиятини нисбий сифат кўрсаткичлари асосида очиб беришга ёрдам беради. Таҳлил натижаларини кўрсатишича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар миқдори улуши ўзгаришларига кўра кейинги 20 йилда учта иқтисодий тебраниш кузатилган яъни биринчи тебраниш, 2000-2004 йилларга тўғри келган бўлса, иккинчи тебраниш 2004-2012 йилларга тўғри келмоқда. Ва ниҳоят учинчи тебраниш ундан кейинги даврни ўз ичига олади ва кўтарилиш фазасида давом этмоқда. Мазкур кўрсаткич бўйича баҳолайдиган бўлсак, кейинги иккита даврий тебраниш бироз чуқурроқ ва узунроқ муддатга давом қилган натижада 2009 ва 2015 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг жамига нисбатан улуши ўзининг қуйи нуқтасига эришгани ҳолда мос равишда 16,0 ва 15,3 фоизни ташкил қилган.

⁵⁶ Н.Ш.Ахмедова. “Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи қурилиш ташкилотларининг ривожланиш тенденциялари” /“Архитектура ва қурилиш соҳасида инновация, интеграция, тежамкорлик” мавзусидаги халқаро on-line илмий - амалий конференция 2021 йил 5-6 май.



2.1.2-расм. Тошкент шаҳрида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг республика кўрсаткичига нисбатининг ўзгариш динамикаси⁵⁷

Асосий эътиборни 2015-2020 йилларга қаратиб ўтмоқчимиз, чунки ушбу давр мобайнида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар миқдори жамига улушини барқарор ўсиши таъминлангани ҳолда 15,3 фоиздан 24 фоизгача кўтарилган. Бирок, тадқиқ қилаётган даврдаги максимал қиймат 27,7 фоиздан пастлигича қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳудудий бирликлар ривожини орасидаги фарқни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳисобланади.

Шаҳарда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бошқа ҳудудларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга эканлиги, аҳоли жон бошига асосий капиталдан ўзлаштирилган инвестициялар миқдори республика кўрсаткичига нисбатини анча катта бўлишини таъминламоқда. Хусусан, мазкур кўрсаткичнинг асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар миқдорини жамига улуши билан бир хил тенденцияга эга бўлганлигини кузатиш мумкин. Натижада юқорида келтирилган мос даврларда мазкур кўрсаткичда ҳам тебранишлар вужудга келган. Умумий ҳолатда республика кўрсаткичи билан солиштирганда таҳлил натижалари уни 2 баробардан ошқоққа юқорилиги ва кейинги даврларда янада

⁵⁷ Муаллиф ишланмаси

ошиб борганлигини кўрсатмоқда. Натижада 2020 йилга келиб 3,1 баробарга ошиши таъминланган.

Келтирилган таҳлил натижаларини кўрсатишича Тошкент шаҳрида қурилиш соҳаси анча тараққий қилган бўлиб, ушбу соҳада тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, хусусан янгидан ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони, фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони, хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сониди қурилиш соҳасининг улуши нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Бундан ташқари Ўзбекистон бажарилган қурилиш ишлари, асосий капиталган ўзлаштирилган инвестицияларнинг ўртача 20 фоиздан ошиқ қисми Тошкент шаҳри улушига тўғри келади. Келтирилган натижаларга асосланган ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки Тошкент шаҳри инвестиция – қурилиш мажмуасининг ҳозирги ҳолати бошқа ҳудудларга нисбатан олиб қараганда анча тараққий қилган. Бироқ уни янада ривожлантириш, хусусан рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сониди қурилиш соҳасини улушини ошириш, фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналардаги соҳанинг сезиларсиз улушини бошқа кўрсаткичларга яқинлаштириш шаҳарда қурилиш соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан деб ҳисоблаймиз.

2.2. Ҳудудда қурилиш тармоғида кичик тадбиркорлик секторини ривожлантириш учун бизнес-муҳити жозибадорлигини таҳлили

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш минтақавий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, турли минтақаларда ташкил этилган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш тизимларини таққослаш, самаралироқ чора-тадбирларнинг ижобий тажрибасини қўллаш истиқболли йўналишларини белгилаб олишда алоҳида аҳамиятга эга. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг минтақавий тизимини шакллантиришнинг баъзи усуллари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун, ҳудудларда эришилган ва қайд этилган объектив

мавжуд натижаларни таққослаш, уларнинг бир биридан фарқли, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳаллий ҳамда хорижий муаллифларнинг кичик бизнес ривожини, мамлакат ҳудудларининг инвестицион жозибadorлиги ва имкониятларини ўрганиш бўйича амалга оширган илмий тадқиқот ишларида минтақалар кесимидаги ривожланишни қиёсий таҳлили ҳамда улар кесимидаги фарқларни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ҳолатлари анча кам учрайди. Бироқ юқорида келтирилган тадқиқотлар натижаларига кўра мамлакатимизда ривожланишнинг ҳозирги босқичида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини фарқ қилиши ўз тасдиғини топди. Бундан ташқари ҳукуватимиз томонидан мазкур масалани ечишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «ушбу масалаларни ечиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майда “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702 сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, унда мамлакатда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, ҳудудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича» комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиш белгилаб берилган.

Ҳудудлар тараққиёти ўртасидаги тенгсизликни бартараф этишнинг муҳим ва истиқболли йўналишлари сифатида ҳудудларда тадбиркорлик ривожини таъминлаш, улар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, инфратузилмани ривожлантириш, маҳаллий ҳокимиятни тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашдаги фаоллигини ошириш кабилар қаралиб келинмоқда. Тадқиқот иши мавзусидан келиб чиққан ҳолда биз ҳудудларда қурилиш соҳасини ривожини ҳамда соҳада кичик ва йирик бизнесни ҳамкорлигини


таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб ўтмоқчимиз. Чунки, тадбиркорлик субъектлари тараққиётида муҳим омил бўлган инфратузилманинг мавжудлиги ва ривож бевосита қурилиш соҳаси билан боғлиқ ҳисобланади.

Бошқа томондан тадбиркорликнинг тараққиёти кичик бизнес ривож билан бевосита боғлиқ бўлиб, қурилиш каби мураккаб ва катта миқдордаги инвестицияларни талаб қиладиган соҳаларда кичик бизнес ривожини таъминлашда йирик ва кичик бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида Тошкент шаҳри қурилиш соҳаси ва қурилиш ишларини амалга оширишда кичик бизнеснинг улушини мавжуд ҳолатини статистик маълумотларга асосланган ҳолда қиёсий таҳлилни амалга ошириш ва унинг устунликлари, камчиликларини аниқлаш масаласини муҳимлик даражасини асослайди.

Тошкент шаҳарида 2020 йилда жами 19215,4 миллиард сўм қийматидаги қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 6,6 фоизга ошиши таъминланган. Ушбу қурилиш ишларини бажарувчи асосий субъектлар сифатида йирик ташкилотлар, кичик корхона ва микрофирмалар, норасмий сектор майдонга чиқади. Жами бажарилган қурилиш ишларида учала субъектнинг улушининг ўзгариб турганлигини кузатиш мумкин. Яъни уларнинг улуши 2018 йилда мос равишда 23,6, 61,7 ва 14,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб айнан йирик ва кичик бизнесулушида ўзгариш кузатилгани ҳолда кичик бизнеснинг улушини 61,7 фоиздан 57,7 фоизгача камайиши натижасида йирик бизнеснинг улуши 27,5 фоизгача кўтарилган. Норасмий секторнинг улуши деярли ўзгаришсиз қолган (2.2.1-расмга қаранг).

Ҳисоб китобларимиз натижаларига асосланган ҳолда 2020 йилдаги натижаларга алоҳида эътибор қаратиб ўтишни жоиз топдик. Чунки юқоридаги таҳлилларимиздан маълумки 2020 йилда COVID 19 сабабли вужудга келган карантин кўпчилик ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичларда пасайишни келтириб чиқарди, хусусан Тошкент шаҳридаги бажарилган қурилиш ишларининг ўсиш

суръати пасайгани ҳолда унинг жами қурилиш ишларидаги улушини камайишига сабаб бўлганлиги олдинги таҳлилларимиздан маълум.



2.2.1-расм. Тошкент шаҳрида қурилиш ишларини бажаришда субъектлар улуши⁵⁸

Натижада, мазкур йилда Тошкент шаҳрида қурилиш ишларини бажаришда субъектлар улушида ўзига хос ўзгариш таъминланди. Яъни, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 57,7 фоиздан 66,3 фоизгача кўтарилди, бунинг натижасида йирик ташкилотлар улуши 3,0 фоизга норасмий секторнинг улуши 5,6 фоизга камайди. Мазкур кўрсаткичлар ва ўзгаришлар айнан кичик бизнеснинг иқтисодий тебранишлар шароитида анча самарали эканлигини тасдиқламоқда.


Ўзбекистон Республикасида бажарилган жами қурилиш ишларида кичик корхона ва микрофирмалар улушини 52,8 фоизга тенг эканлигини инобатга оладиган бўлсак, Тошкент шаҳарда қурилиш ишларини бажаришда кичик корхона ва микрофирмаларни анча фаол эканлиги, қурилиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Қурилиш ишларини ташкил қилишда кичик корхона ва микрофирмаларнинг ролини ҳамда ҳудудлар орасидаги тараққиётнинг Тошкент шаҳрида туманлар кесимида қараб чиқамиз. Бунинг учун иккита кўрсаткич, яъни

⁵⁸ Муаллиф ишланмаси (www.toshstat.uz Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотлари асосида)

қурилиш ишларида кичик корхоналар ва микрофирмалар улуши ҳамда жами қурилиш ишларида туманнинг улушини ҳудудлар кесимидаги ўзгаришини қараб чиқамиз (2.2.2-расм).

Олинган натижаларга кўра иккала кўрсаткич орасида тескари боғлиқлик мавжудлиги, яъни улар орасидаги корреляция коэффиценти -0.54 га тенг эканлиги аниқланди. Будан кўринадикки қурилиш ишларида кичик бизнес улушини юқори бўлиши унинг жами қурилиш ишларидаги улушини паст бўлишига сабаб бўлади. Жумладан, Бектемир туманининг жами қурилиш ишларидаги улуши энг кичик қийматга эга бўлмоқда яъни $4,3$ фоизни ташкил қилгани ҳолда туманда бажарилган қурилиш ишларида кичик корхона ва микрофирмалар улуши етарли даражада юқори қийматга эга бўлиб, $66,9$ фоизни ташкил қилмоқда. Бошқа томондан эса Учтепа, Юнусобод ва Олмазор туманларида бажарилаган қурилиш ишларини жами нисбати энг юқори улушга эга бўлсада, уларда кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши пастлигича қолмоқда.



2.2.2-расм. Тошкент шаҳри туманларинг жами қурилиш ишларидаги улуши ва қурилиш ишларида кичик бизнес улуши⁵⁹

⁵⁹ Муаллиф ишланмаси (www.toshstat.uz Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотлари асосида)

Юқоридаги таҳлил натижалари қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг ривожланиши аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишга хизмат қилгани ҳолда иқтисодий тебранишларда соҳани сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этишини асослаган бўлса, кейинги таҳлиллар ҳудудда бажарилган қурилиш ишларида кичик корхона ва микрофирмалар улушини юқори бўлиши ҳудуднинг жами қурилиш ишларидаги улушини паст бўлишига сабаб бўлаётганлигини асосламоқда. Кичик корхоналарнинг йирик миқёсдаги қурилиш ишларини бажаришга қодир эмаслиги, уларнинг улушини ошиши ҳудуддаги қурилиш ҳажмига салбий таъсир кўрсатади.

Бироқ бу қурилиш соҳасида кичик корхона ва микрофирмаларни сонини оширмаслик лозим деган хулосани бермайди. Чунки қурилиш ишларини амалга оширишда кичик корхоналар имконияти чеклангани каби, йирик корхоналарнинг ҳам имкониятлари чекланиб, қурилиш жараёнидаги барча ишларни улар ўзлари бажара олмайдилар. Баъзи ишларни ташкил қилишда ишчи кучи сонини кўп талаб қилиниши, уларни кичик корхона ва микрофирмалар кўмагидан фойдаланишга мажбур қилади. Бу уларни мақбул нисбатлардаги ривожини таъминлаш, ҳамда улар орасидаги ҳамкорликни иккала томон учун ҳам фойдали шаклда ташкил қилиш каби масалаларни ечиш лозимлигини билдиради. Келтирилган 2.2.2-расмдан кўриш мумкинки, Шайхонтухур, Сергили, Яккасарой ва Яшнобод туманларида қурилиш ишларини бажаришда кичик корхона ва микрофирмалар улуши юқори бўлсада, туманларнинг жами қурилиш ишларидаги улушлари ҳам етарли даражада катта қийматга эга бўлмоқда.


Туманларда қурилиш ишларини бажаришда кичик корхона ва микрофирмалар улуши билан йирик қурилиш ташкилотлари улуши орасида юқори даражадаги тесқари боғлиқлик кузатилди, яъни корреляция коэффиценти -0.97 га тенг эканлиги аниқланди. Бунинг сабабларини ўрганиш натижаларига кўра, кўпчилик ҳолатларда йирик қурилиш ташкилотлари томонидан якуний

маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки қурилиш ишларини тугалланмаган шаклда топшириш ҳолатлари учрамоқда. Жумладан, аҳоли учун уй-жой қурилиши ҳолатларида йирик қурилиш ташкилотлари таннархни арзон қилиш мақсадида фақат қурилишни деворларни тиклаб бериш билан шуғулланишмоқда, қолган қурилиш ишлари эса уни сотиб олган харидор томонидан ўз хохиши ва имкониятига кўра амалга оширилмоқда.

Бу эса юқорида келтирилган ўтилганидек бир-бирига зид бўлган хулосаларни келиб чиқишини таъминлагани ҳолда норасмий секторнинг тармоқдаги улушини юқориликча қолишига замин яратмоқда. Шу билан бирга қурилиш ишлари ҳамжини аниқлаш ва тўғри ҳисобини юритишда қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Натижада, туманларнинг жами қурилиш ишларидаги улушига норасмий сектор ҳамда йирик қурилиш ташкилотларини улуши деярли бирдек таъсирга эга бўлмоқда, яъни корреляция коэффициентлари мос равишда 0,40 ҳамда 0,44 тенг эканлиги мълум бўлди. Бошқа томондан эса ушбу иккала улуш орасидаги корреляция коэффициентлари манфий қийматга эга бўлиб, жуда заиф эканлиги аниқланди. Бу юқорида келтирилган фикримизни тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Яъни, туманларда бажарилган қурилиш ишларини тўлиқ ҳисобини юритишда камчиликлар мавжудлиги ҳамда йирик қурилиш ташкилотлари яқуний маҳсулот яратмаётганлигини асослайди.

Юқори келтириб ўтилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатаётган корхоналарни туманлар кесимидаги улуши билан қурилиш ишларида норасмий секторнинг улушига эътибор қаратиб ўтдик. Иккала кўрсаткичнинг туманлар кесимидаги ўзгариши бир хил темпга эга бўлмоқда (2.2.3-расмга қаранг).



2.2.3-расм. Фаолият кўрсатаётган қурилиш корхоналари ҳамда қурилиш ишларида норасмий секторнинг улушини Тошкент шаҳри туманлари кесимида ўзгариши⁶⁰

Яъни туманларда фаолият юритаётган қурилиш корхоналарининг улушини паст бўлиши норасмий секторнинг ҳам улушини пастлигича қолишини таъминламоқда ва тесқари ҳолат кузатилади. Фақат Сергили ва Олмазор туманларида иккала кўрсаткич орасидаги кескин фарқни кузатиш мумкин. Чунки кейинги даврда иккала ҳудудда йирик миқёсдаги қурилиш ишларини бажарилиши мазкур ҳудудларда фаолият юритаётган қурилиш корхоналарини сонини кескин ошишига сабаб бўлди, бундан ташқари келтириб ўтилганидек ярим тайёр маҳсулотни яратилиши норасмий секторнинг ҳиссасини аниқлашда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Келтирилган кўрсаткичлар таҳлил натижалари асосида олинган хулосаларнинг асослашга хизмат қилмоқда.

Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик етарли даражада юқори бўлиб, корреляция коэффиценти 0.59 ни ташкил қилмоқда. Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра қурилиш соҳасида кичик корхоналар ва микрофирмалар улушини ошириш қўйидаги натижаларга эришишга хизмат қилади.

⁶⁰ Муаллиф ишланмаси (www.toshstat.uz Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотлари асосида)

➤ Худудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда реал даромадларини ошириш;

➤ Аҳолини арзон уй-жой билан таъминлашга хизмат қилиш;

➤ Қурилиш соҳасида норасмий сектор улушини қисқартириш;

➤ Қурилишда яқуний маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

➤ Иқтисодиётда вужудга келаётган турли кўринишдаги иқтисодий тебранишлар шароитида қурилиш соҳасини сақлаб қолиш ва салбий таъсирларни камайтириш;

➤ Қурилиш соҳасини барқарор ривожини таъминлаш ҳамда таннархни пасайтириш ва бошқалар.

Қурилиш соҳасида кичик корхона ва микрофирмалар улушини ошириш қатор ижобий натижаларга эришишни таъминлашига қарамасдан мазкур йўналишда тараққиётни таъминлашда қатор қийинчиликлар учрамоқда. Булар:

➤ Норасмий секторни юқориликча қолаётганлиги ва йирик қурилиш ташкилотларини ҳам норасмий сектор хизматларидан кенг миқёсда фойдаланилаётганлиги;

➤ йирик бизнес учун кичик бизнес субъектлари билан ҳамкорлик қилишдан кўра норасмий сектордан фойдаланиш самаралироқ бўлиб қолаётганлиги, яъни солиқлардан қочиш, норасмий даромадга эга бўлиши, яширин иқтисодиётни мавжудлиги;

➤ йирик бизнес субъектлари томонидан яқуний маҳсулот ишлаб чиқаришга эътиборни қаратилмаётганлиги;

➤ йирик ва кичик бизнес субъектларини ҳамкорлигини ташкил қилиш бўйича маълум мезонларни ишлаб чиқилмаганлиги;

➤ қурилиш ишларини ютиб олиш бўйича тендерларда кичик бизнес субъектлари имкониятининг чекланганлиги ва бошқалар;

Қурилиш соҳасида кичик бизнес ривожини таъминланиши қатор ижобий натижаларга эга эканлиги бироқ уларни тараққиётга тўсик бўлаётган

ҳолатларни ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда қатор таклиф ва ҳулосаларни келтириб ўтамиз. Яъни:

- Ҳукумат томонидан норасмий секторни улушини пасайтириш ҳамда улар фаолиятини легаллаштириш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш;
- Қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари учун турли имтиёз ва преференцияларни жорий қилиш;
- Кичик ва йирик бизнес ҳамкорлигини турли дастаклари билан қўллаб қувватлаш, яъни кичик бизнес билан ҳамкорлиги даражасига қараб имтиёзлар жорий қилиш;
- Аҳолини харид қобилиятини ошириш мақсадида ипотека кредитлари шартларини енгиллаштириш асосида соҳада яқуний маҳсулот яратишни қўллаб-қувватлаш;
- Қурилиш соҳасида яширин иқтисодиётни улушини камайтириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш, яъни қурилиш ташкилотларини тендерларда қатнашиш жараёнларини янада такомиллаштириш;

Фикримизча юқорида келтириб ўтилган таклиф ва тавсияларни амалга оширилиши мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида қурилиш соҳаси ривожини таъминлашга, соҳада норасмий сектор улушини камайтиришга, йирик ва кичик бизнес орасидаги самарали шериклик муносабатларини ташкил қилишга, қурилишда яқуний маҳсулот яратишни таъминлашга ҳамда қурилиш соҳасининг турли иқтисодий тебранишлар натижасида келиб чиқадиган пасайишларга чидамлилигини оширишга хизмат қилади.

2.3 Қурилиш соҳаси тараққиёти ривожини таъминлашда кичик ва йирик бизнес ролини баҳолаш

Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий фаровонликни ошириш, зарурий инфратузилмани ривожлантиришда қурилиш соҳаси ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби муҳим ижтимоий муаммоларни бартараф этишга хизмат

қилади. Шунингдек, саноатни ривожлантириш, хусусан қурилиш саноатини ривожлантиришда ҳам соҳанинг аҳамияти катта ҳисобланади. Бироқ тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки айнан қурилиш соҳаси ривожини таъминлаш анча мураккаб жараён бўлиб, бу тармоқнинг ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан изоҳланади.


Мамлакатимизда аҳоли сонининг табиий ўсиши, шунингдек пойтахт Тошкентга ўхшаган йирик шаҳарларда табиий ўсиш билан бир қаторда, урбанизация, ички миграция натижасидаги вужудга келаётган демаграфик ўзгаришлар аҳолини уй-жой билан таъминлаш, уй-жой фондини бошқариш билан боғлиқ кескинликларни келтириб чиқармоқда. Натижада, ҳукумат томонидан аҳолини уй-жой билан таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш, замон талабларига мос қурилиш ишларини амалга ошириш каби йўналишларда қатор амалий ишлар қилиниб келинмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар натижаларини мамлакатимиздаги муҳим ҳудудий бирликлардан бўлган, кейинги даврда аҳоли сони тез суръатларда ўсаётган Тошкент шаҳри маълумотлари асосида қараб чиқамиз. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра қурилиш соҳасини ривожлантириш уни янги сифат даражасига кўтариш, рақобатбардошлигини ошириш масалалари бўйича амалга оширилаётган чора тадбирлар ижобий натижаларини таъминлашда соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари, жумладан кичик ва йирик бизнеснинг мутаносиб нисбатларида ривожини муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш соҳаси тараққиётини таъминлашда кичик ва йирик бизнеснинг мақбул нисбатларини таъминлаш масалаларини Тошкент шаҳри статистик маълумотларига таянган ҳолда тадқиқ қилиб ўтамиз. Маълумотларни кўрсатишича мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида қурилиш соҳаси барқарор ривожланиши таъминлаш масалаларига кейинги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда, натижада 2020 йилда Тошкент шаҳрида бажарилган жами қурилиш ишлари ҳажми 18758,9 млрд. сўмни ташкил қилиб

олдинги йилга нисбатан 104,1 фоизга ўсиши таъминланган. Ушбу қурилиш ишларини бажаришда йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда норасмий секторнинг улуши мавжуд бўлиб, уларнинг нисбатларини Республика кўрсаткичларига нисбатан қиёсий таҳлилига эътиборни қаратмоқчимиз (2.3.1-расм).

Тошкент шаҳрида қурилиш ишларини бажаришда субъектлар улушини қараб чиқадиган бўлсак, умумий кўрсаткичларга нисбатан ижобий натижалар кўринишига эга. Хусусан, норасмий секторнинг улуши республика билан солиштирганда анча паст бўлиб, 9,2 фоизни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари кичик корхона ва микрофирмалар улуши ҳам 66,3 фоизга тенг бўлгани ҳолда республика кўрсаткичига нисбатан 13.5 бирликка юқори қийматга эга бўлмоқда. Натижада йирик бизнеснинг улуши шаҳарда нисбатан пастлигича қолмоқда.



2.3.1-расм. Қурилиш соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг жами қурилиш ишларини бажаришдаги улуши⁶¹

Умумий ҳолда соҳада норасмий секторнинг мавжудлиги ва уни ҳалигача анча юқори улушга эгаллиги соҳада тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш имкониятларидан тўлақонли фойдаланилмаётганлигини асослайди. Бу эса ўз

⁶¹ Муаллиф ишланмаси

навбатида тадбиркорлик субъектлари учун қулай муҳитни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини асослайди.

Амалга оширилган қурилиш ишларини ҳам фаолият йўналишига қараб уч гуруҳга ажратилган статистикаси юритилади. Булар, бино ва иншоотлар, фуқарорлик объектларини қуриш ҳамда ихтисослаштирилган қурилиш ишларини бажариш кабилардир. Фаолият кўрсатаётган қурилиш корхона ва ташкилотлари сонини келтириб ўтилган гуруҳлар бўйича тақсимотини қараб чиқамиз. Маълумотларга кўра 2021 йил январ ҳолатига Ўзбекистон республикасида фаолият кўрсатаётган қурилиш корхона ва ташкилотлари сони 40950 тани ташкил қилиб шундан 8237 таси, бошқача айтганда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотнинг бештадан биттаси Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Бундан кўринадики Тошкент шаҳрининг мамлакатда қурилиш тармоғи ривожига тўсири кучли соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этади.

2.3.1-жадвал

Қурилиш ишлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони⁶²

	Ўзбекистон Республикаси		Тошкент шаҳри	
	Корхоналар сони	улуши	Корхоналар сони	улуши
Бино ва иншоотларни қуриш	23779	58.1	4137	50.2
Фуқаролик объектларини қуриш	3811	9.3	534	6.5
Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари	13360	32.6	3566	43.3
Жами:	40950	100	8237	100

Мамлакат миқёсида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг 58,1 фоизи бино ва иншоотларни қуриш билан шуғулланаётган бўлса, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич бироз паст қийматга эга бўлиб, 50,2 фоизни ташкил қилмоқда. Фуқаролик объектларини қуришда ҳам Тошкент шаҳрининг улуши паст эканлигини кузатиш мумкин. Натижада ихтисослаштирилган қурилиш


⁶² Муаллиф ишланмаси

ишларини бажарувчи корхона ва ташкилотларнинг жамига нисбати Тошкент шаҳрида юқори қийматга эга бўлмоқда. Олинган натижаларга таянган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, мавжуд корхона ва ташкилотларнинг фаолият йўналиши бўйича тақсимоти билан норасмий секторнинг улуши орасида боғлиқлик мавжудлигини кўриш мумкин. Яъни бино ва иншоотлар, фуқаролик объектларни қуриш билан шуғлланувчи корхона ва ташкилотлар улушини паст бўлиши шаҳарда норасмий секторнинг ҳам улушини паст бўлишига сабаб бўлмоқда ва аксинча.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра қурилиш соҳасини ривожлантиришда ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, бажарилаётган қурилиш ишларининг республика миқёсида деярли 20 фоизини Тошкент шаҳрида 9,2 фоизини норасмий сектор ҳиссасига тўғри келиши, кичик ва йирик бизнес ривожининг мақбул нисбатларини таъминлашнинг зарурлиги шулар жумласидандир. Чунки қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектларини ривожлантириш норасмий сектор улушини камайтириш, қурилиш ишларида кичик бизнеснинг улушини оширишга ёрдам беради ва бажарилган қурилиш ишлари ҳажмини оширишга хизмат қилади. Келтириб ўтилганларни инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳри мисолида қурилиш соҳаси ривожини таъминлашда кичик ва йирик бизнес субъектлари фаолиятини турли нисбий кўрсаткичлар асосида баҳолаб ўтмоқчимиз.

Жами мавжуд корхона ва ташкилотлар сонидан айнан қурилиш соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар улушини ўзгариши динамикасига эътибор қаратиб ўтмоқчимиз. Мазкур таҳлилни амалга ошириш учун 2014-2021 йиллар мабулмотларидан фойдаланилди (2.3.1-расм).

Шаҳарда рўйхатга олинган қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг жамига нисбатан улуши 6,3 фоиздан 8,2 фоизга ошиши таъминлангани ҳолда 1,9 бирликка кўтарилган бўлса, фаол корхоналар сони улушидаги ўзгариш 2,2 бирликни ташкил қилган.



2.3.1-расм. Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасидаги корхоналар ривожининг муҳим кўрсаткичлари динамикаси⁶³

Фаол корхоналар улушидаги ўзгаришнинг рўйхатдан ўтган корхоналар улушига нисбатан юқори қийматга ўзгариши соҳадаги ижобий натижаларга эришаётганини ифодалайди. Бундан ташқари нофаол корхоналар улушида кескин пасайиш кузатилган яъни 11,4 фоиздан 7,2 фоизгача камайган. Янгидан ташкил қилинган корхона ва ташкилотларнинг қурилиш соҳасига оид бўлганлар улуши ҳам 2,8 бирликка ошганлиги соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасини ўзида акс эттирмоқда. Бироқ, бошқа томондан тугатилган корхона ва ташкилотлар улушини ҳам ўсиши соҳада тадбиркорлик субъектлари учун етарли даражада қулай муҳит яратилмаганлигидан далолат бермоқда.

Қурилиш соҳаси ўзига хосликлари билан бошқа тармоқлардан ажралиб туради, бундан ташқари қурилиш ишларини бажариш учун кўп маблағ талаб қилиниши ҳамда узоқ муддатли инвестицияларга эҳтиёжнинг юқори бўлиши кабилар соҳанинг барқарор ривожини таъминлашда кичик ва йирик бизнес субъектларининг муқобил ва оптимал нисбатанларини таъминлаш лозимлигини асослайди. Буни инобатга олган ҳолда келтирилган ижобий натижаларга эришишда кичик ва йирик қурилиш корхона ва ташкилотларининг

⁶³ Муаллиф ишланмаси

ривожланишининг таъсирини баҳолаб ўтамыз. Бунинг учун жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларда турли мезонлар бўйича кичик корхоналар улушини аниқлаб олдик (2.3.2-жавдал).

Олинган натижалар соҳада тадбиркорлик тараққиётини ифодаловчи барча кўрсаткичларда кичик бизнеснинг улушини жуда катта эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, рўйхатга олинган ва фаол корхоналар бўйича улушни 98,0 фоиздан юқори бўлиб, бир хил тенденцияга эга бўлганлигини охириги йилда пасайганлигини кузатиш мумкин.

Нофаол корхоналар бўйича ҳам кичик бизнес улушини ўсиши кузатилади яъни 2021 йилга келиб уларнинг 100 фоизи кичик қурилиш корхоналари ҳиссасига тўғри келган. Тугатилган корхоналарда кичик қурилиш корхоналарининг улуши 2021 йилга келиб кескин пасайгани ҳолда 97,7 фоизни ташкил қилган. Нофаол корхоналар улушини ошиши салбий натижа сифатида қаралса, тугатилган корхоналардаги улушини камайиши ижобий натижани ифодалайди.

2.3.2-жадвал

Тошкент шаҳрида кичик қурилиш корхоналарининг жамига нисбати

Рўйхатга олинган	фаол	нофаол	янги ташкил этилган	тугатилган
98.2	98.0	99.4	100.0	99.7
98.4	98.3	99.5	99.6	98.6
98.6	98.5	99.1	100.0	100.0
98.8	98.7	99.3	100.0	99.7
99.0	99.0	98.9	99.7	99.3
99.3	99.3	98.6	99.7	99.4
99.3	99.3	99.6	99.8	99.5
99.0	99.0	100.0	99.8	97.7

Йирик бизнес субъектларининг улушини паст бўлиши, уларни қурилиш ишларини амалга оширишдаги ролини ифодаламайди, чунки бажарилган қурилиш ишларида кичик бизнес субъектлари улушига эътибор қаратадиган бўлсак, келтирилган рақамларга нисбатан анча паст эканлиги фикримиз тасдиғи

бўлиб хизмат қилади. Яъни фаолият олиб бораётган қурилиш корхоналарининг 99,0 фоизи кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келишига қарамадан уларнинг бажарилган қурилиш ишларидаги улуши 2020 йилда 71,1 фоизни ташкил қилган.

Фикримизча, мамлакатимиз «уй-жой қурилиши соҳасига инвестицияларни фаол жалб қилиш, аҳоли учун кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуришда кичик ва йирик қурилиш ташкилотлари ўзаро интеграцияси асосида қурилиш-монтаж ишларини ишлар (хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариш шарти билан субпудрат ташкилотларини жалб этиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари сони анча юқори эканлигини ва корхоналар сонидagi асосий ўзгариш улар ҳиссасига тўғри келишни ҳисобга олган ҳолда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда шаҳарда амалга оширилган қурилиш ишларининг реал қиймати орасидаги боғлиқликни корреляцион таҳлил асосида қараб чиқамиз (2.3.3-жадвал).

2.3.3-жадвал

Корреляцион таҳлил натижалари

	Рўйхатга олинган	Фаол	Нофаол	Янги ташкил этилган	Тугатилган	Бажарилган қурилиш ишлар реал ҳажми
Рўйхатга олинган	1.000					
Фаол	0.998	1.000				
Нофаол	-0.046	-0.108	1.000			
Янги ташкил этилган	0.919	0.930	-0.254	1.000		
Тугатилган	-0.843	-0.818	-0.340	-0.582	1.000	
Бажарилган қурилиш ишлари реал ҳажми	0.989	0.987	-0.036	0.945	-0.806	1.000

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра бажарилган қурилиш ишларининг реал ҳажми қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар билан юқори корреляцион

боғлиқликка эга эканлиги аниқланди. Хусусан, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони билан бажарилган қурилиш ишлари реал ҳажми орасидаги корреляция коэффициенти 0,99 ни ташкил қилмоқда, шунингдек янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари билан 0,95 тенг эканлиги фикримиз тасдиғидир. Нофаол ва тугатилган кичик бизнес субъектлари билан бажарилган қурилиш ишлари реал ҳажми орасидаги корреляция коэффициенти мос равишда -0,04 ва -0,81 га тенг эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра Тошкент шаҳрида қурилиш соҳаси тараққиётини таъминлашда йирик ва кичик бизнес субъектларининг муқобил нисбатларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Аниқланишича шаҳарда қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари сонисидаги ўзгариш айнан кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Фикримизча йирик бизнес субъектларининг мавжуд салоҳиятини сақлаб қолган ҳолда кичик бизнеснинг ривожланишини таъминлаш, улар учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ва сонини ошириш қурилиш соҳасини ривожлантиришдаги муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралади.

Юқорида келтирилган фикр мулоҳазаларга таянган ҳолда қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнеснинг ўзаро таъсирини регрессион таҳлил асосида қараб чиқамиз. Дастлаб қурилиш соҳасидаги жами янгидан ташкил қилинган ва тугатилган корхоналарни қурилиш соҳасидаги фаол кичик бизнес субъектлари сонига таъсирини қараб чиқамиз. Амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларини қуйида келтириб ўтамиз.

$$\begin{aligned}
 Sac &= 4689.43 + 2.56T_{new} - 9.83T_{clo} & (1) \\
 se &= (681.48) \quad (0.28) \quad (1.78) \\
 t &= (6.88) \quad (9.01) \quad (-5.51) \quad R^2 = 0.98
 \end{aligned}$$

Бу ерда: Sac – қурилиш соҳасидаги фаол кичик бизнес субъектлари сони;
 T_{new} – қурилиш соҳасидаги янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони;
 T_{clo} - қурилиш соҳасидаги тугатилган корхона ва ташкилотлар сони;

Ишлаб чиқилган моделнинг барча коэффициентлар Стьюдент мезонига кўра адекват, бундан ташқари детерминация коэффициенти ҳам 0,98 ни ташкил қилмоқда. Яъни натижавий омил ўзгаришининг 98 фоизи танлаб олинган омиллар ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда. Фишер мезони ҳамда Durbin-Watson статистикаси бошқа мезонлар натижалари ҳам талаб даражасида эканлигини кўришимиз мумкин (1-илова).

Тадқиқот натижаларига кўра қурилиш соҳасида янгидан ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сонини бир бирликка ошиши фаол кичик бизнес субъектлари сонини ўратача 2,56 бирликка ошишини таъминласа, тугатилган корхона ва ташкилотлар сонини бир бирликка ошиши кичик бизнес субъектлари сонини ўратача 9,83 бирликка камайтиради. Бундан кўринадики тугатилган корхона ва ташкилотлар таъсири янгидан ташкил қилинганига қараганда деярли 4 баробарга юқори эканлиги аниқланди.

Юқоридаги таҳлилни қурилиш соҳасидаги фаол йирик бизнес субъектлари учун ҳам амалга ошириб ўтмоқчимиз. Кичик бизнес субъектларидан фарқли равишда йирик бизнеснинг янгидан ташкил қилинган ва тугатилган корхоналар сонига таъсирчанлиги анча паст ҳисобланади. Чунки маълумотларга кўра йирик корхоналарда янгиларини ташкил қилиниши ва тугатилиш ҳолатлари кам кузатилади. Жумладан таҳлил қилинаётган даврда жами 7767 та корхона янгидан ташкил қилинган бўлса, шундан 15 таси йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келган холос. Бундан ташқари жами тугатилган 2123 та корхонанинг 13 таси йирик корхоналар эканлиги аниқланди. Натижада ушбу жараёнларда йирик корхоналар улуши мос равишда 0,2 ва 0,6 фоизни ташкил қилиши ўрганилди.

Соҳада янгидан ташкил қилинган ва тугатилган корхоналарнинг фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сонига таъсирини ўрганиш бўйича амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларига кўра қуйидаги моделга эга бўлинди.

$$Bac = 115.07 - 0.01Tnew - 0.19Tclo \quad (2)$$

$$se = (11.46) \quad (0.005) \quad (0.03)$$

$$t = (10.04) \quad (-2.71) \quad (-6.50) \quad R^2 = 0.90$$

Бу ерда: Вас – қурилиш соҳасидаги фаол йирик бизнес субъектлари сони;

Олинган натижаларга кўра соҳада янгидан ташки қилинган ва тугатилган тадбиркорлик субъектлари сони таъсирини ифодаловчи коэффициентларнинг иккаласи ҳам манфий қийматга эга бўлмоқда. Мазкур коэффициентлар Стьюдент мезони бўйича адекват, детерминация коэффициенти ҳам етарли даражада юқори қийматга эга бўлмоқда. Бошқа мезонлар бўйича натижалар ҳам 2-иловада келтириб ўтилган бўлиб улар ҳам натижаларни адекватлигини исботламоқда.

Юқорида келтирилган таҳлилларга таянган ҳолда аниқланган модел ва коэффициентлардан таҳлилларни амалга ошириш ва хулосалар чиқариш учун фойдаланамиз. Уларга кўра соҳада янгидан ташкил қилинган корхоналар сонини 100 бирликка ошиши йирик корхоналар сонини бир бирликка камайтиради. Бунинг сабабларини ўрганиш учун маълумотларга эътибор қаратиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади (2.3.2-расм).



2.3.2-расм. Тошкент шаҳрида жами ташкил қилинган корхоналар ва фаол йирик бизнес субъектлари сонининг динамикаси

Фаол йирик бизнес субъектлари сони 2019 йил 1 январ ҳолатигача камайиш тенденциясига эга бўлган, натижада 54 тадан 37 тагача камайган. Ушбу даврда жами янги ташкил қилинган корхоналар сони ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 481

тадан 1443 тагача ошган ва 2020 йил биринчи январ ҳолатига 1739 тага етган. Охириги йилда пасайиши кузатилгани ҳолда 2021 йил 1 январ ҳолатига 1465 тани ташкил қилган. Кейинги икки йилда эса фаол йирик бизнес субъектлари сонига кескин ўсиши кузатилгани ҳолда 37 тадан 83 тагача ошган.

Натижада бир-бирига нисбатан тескари йўналишдаги ўзгариши улар орасидаги манфий боғлиқликка сабаб бўлган. Бундан кўринадики Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида жами янгидан ташкил қилинган корхоналар сони фаол йирик бизнес субъектлари сонига салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчи омил қурилиш соҳасидаги жами тугатилган корхоналар сонини 10 бирликка етиши фаол йирик бизнес субъектлари сонини ўратча миқдорда тахминан 2 бирликка камайишига олиб келади.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра қурилиш соҳасида жами янги ташкил қилинган корхоналар сони фаол кичик бизнес субъектлари сонига ижобий аммо йирик бизнес субъектлари сонига салбий таъсир қилади. Бу бир-бирига зид бўлган ҳолатни келтириб чиқармоқда. Ушбу ҳолатда янги ташкил қилинган корхоналар сонини ошириш лозимми деган саволга жавоб олиш мақсадида қурилиш соҳасидаги фаол бўлган кичик ва йирик бизнес субъектлари сони орасидаги боғлиқликни қараб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик ва қуйидаги натижаларга эга бўлдик. Таҳлил натижаларига кўра иккала кўрсаткич орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлиб, моделнинг озод ҳади адекват эмаслиги аниқланди. Шу сабабли иккала кўрсаткичнинг боғлиқлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилган регрессион таҳлилни Gretl дастуридан фойдаланган ҳолда амалга ошириб ўтдик ва натижаларни қуйида келтириб ўтамиз.

$$Sac = 88.66Bac \quad (3)$$

$$se = (11.23)$$

$$t = (7.89) \quad R^2 = 0.90$$

Юқорида келтириб ўтилган таҳлил натижаларидан ташқари дастур асосида олинган барча натижалар 3-иловада келтириб ўтилган. Ишлаб чиқилган модел ва унинг коэффициентлари барча мезонлар бўйича адекват бўлиб, ушбу моделдан таҳлил қилиш учун фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Яъни Тошкент шаҳрида йирик фаол қурилиш корхоналари сонини бир бирликка ошиши кичик фаол қурилиш корхоналари сонини ўртача миқдорда 88,66 бирликка оширишга хизмат қилади. Бошқача айтганда кичик қурилиш корхоналари сонини 88,66 бирликка ошиши йирик корхоналар сонини оширишга хизмат қилади.

Биринчи модел натижаларига кўра жами янги ташкил қилинган қурилиш корхоналари сонини бир бирликка ошиши кичик фаол қурилиш корхоналари сонини 2,56 бирликка ошириш аниқланган эди. Ушбу боғлиқлик бўйича қараб чиқадиган бўлсак, жами янги ташкил қилинган корхоналар сонини 34,63 бирликка ошиши кичик фаол қурилиш корхоналари сонини 88,66 бирликка ошишига бу эса ўз навбатида йирик фаол қурилиш корхоналари сонини бир бирликка оширишга хизмат қилади.

Амалга оширилган натижаларга кўра жами янги ташкил қилинган қурилиш корхоналари сонининг ўзгариши йирик фаол қурилиш корхоналари сонига тўғридан – тўғри таъсири манфий қийматга эга бўлишига қарамасдан билвосита таъсири мусбат қийматга эга эканлиги аниқланди. Олинган натижаларга асосланган ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки янгидан ташкил қилинган қурилиш корхоналари кичик ва йирик фаол қурилиши корхоналари сонини ошишига хизмат қилади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, хунармандчилик, субпудратчилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш асосида кичик бизнесни ривожлантириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Тошкент шаҳридаги

фаолият юритаётган жами 3258 та оилвайи тадбиркорлик субъектларининг 48 таси қурилиш соҳасига тўғри келади. Қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ инвестиция, маълум кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Шу сабабдан соҳасда норасмий секторнинг улушини юқорилича қолаётганлиги соҳада оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини асослайди.

2. Тошкент шаҳрида қурилиш соҳаси анча тараққий қилган бўлиб, соҳада тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, хусусан янгидан ташкил этилган корхона ва ташкилотлар, фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сонида қурилиш соҳасининг улуши нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

3. Қурилиш ишларида кичик корхоналар ва микрофирмалар улуши ҳамда жами қурилиш ишлари орасида тескари боғлиқлик мавжудлиги, яъни корреляция коэффиценти -0.54 га тенглиги аниқланди. Будан кўринадики қурилиш ишларида кичик бизнес улушини юқори бўлиши унинг жами қурилиш ишларидаги улушини юқори бўлишини таъминламайди. Қурилиш соҳасида кичик бизнес ривожини таъминлашда норасмий секторни улушини пасайтириш ҳамда улар фаолиятини легаллаштириш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш, кичик бизнес имтиёз ва преференцияларни жорий қилиш, йирик ва кичик бизнес ҳамкорлигини қўллаб қувватлаш, яширин иқтисодиёт улушини камайтириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш, қурилиш ташкилотларини тендерларда қатнашиш жараёнларини янада такомиллаштириш қурилиш ишларини амалга оширишда кичик бизнеснинг ролини оширишга хизмат қилади.

4. Қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар билан юқори корреляцион боғлиқликка эга эканлиги аниқланди. Хусусан, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони билан бажарилган қурилиш ишлари реал ҳажми орасидаги корреляция коэффиценти $0,99$ ни ташкил қилмоқда, шунингдек

янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари билан 0,95 тенг эканлиги фикримиз тасдиғидир. Нофаол ва тугатилган кичик бизнес субъектлари билан бажарилган қурилиш ишлари реал ҳажми орасидаги корреляция коэффициенти мос равишда -0,04 ва -0,81 га тенг эканлиги аниқланди.

III-БОБ. КИЧИК ВА ЙИРИК ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ИНТЕГРАЦИОН АЛОҚАЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Кичик ва йирик қурилиш корхоналарида интеграцион алоқаларни самарадорлигини ошириш йўналишлари

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, иқтисодийни модернизациялаш шароитида аҳоли фаровонлигини ошириш ва яшаш шароитларини яхшилаш, хусусан аҳолини бугунги замон талаблари даражасидаги арзон уй-жой билан таъминлаш, уй-жой бозоридаги кескинликни юмшатиш, мамлакат ҳудудларида инфратузилмани ривожлантириш, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини янги босқичга олиб чиқиш кабилар ўз ечимини кутаётган масалалар ҳисобланади. Бунинг учун қурилиш ишлари сифатини жаҳон талаблари даражасига чиқариш, мамлакатда қурилиш индустриясини ривожлантириш асосида қурилиш соҳаси тараққиётини таъминлаш талаб қилинади.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра қурилиш соҳасининг тараққиётини таъминлаш учун ўз навбатида кичик ва йирик бизнес субъектларининг мутаносиб нисбати ва улар орасидаги интеграцион алоқаларни ривожлантиришни лозим бўлади. Яъни улар орасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари такомиллаштириш, ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ҳукуматимиз томонидан мазкур йўналишда кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинаётган бўлишига қарамадан, республикамызда кичик ва йирик бизнеснинг интеграцион алоқаларини ташкил қилишда қатор муаммолар мавжудлиги аниқланмоқда.

Хусусан, қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектларини ривожлантириш бўйича меъёрий ҳужжатлар етишмаслиги, халқаро меъёрлар асосида такомиллаштиришни талаб қилувчи қонунларнинг борлиги, қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг техника ва технологиялар билан таъминлаш масалаларида имкониятларни чекланганлиги ва қатор камчиликларнинг

мавжудлиги, шу соҳада фаолият олиб борувчи йирик бизнес субъектларини миқдорий жиҳатдан камлиги, кичик ва йирик қурилиш корхоналарида интеграцион алоқаларни самарали ташкил этиш масалалари тўғри йўлга қўйилмаганлиги, назорат қилувчи ташкилотлар томонидан ўрнатилган тўсиқлар бунга яққол мисол бўла олади. Натижада кўпчилик ҳолатларда айнан қурилиш соҳасида коррупцион ҳолатларни учраши, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил қилиш жараёни билан боғлиқ муаммолар, қурилиш ишларини амалга оширишда норасмий секторнинг улушини катталигича қолиши ҳолатлари кўп учраб туради.

Қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес субъектларини интеграцион алоқаларини шакллантириш, бу соҳада янгидан ташкил қилинган кичик бизнес субъектларини бозорга кириб келиши ва яшаб қолишига имконият яратиб беради. Амалиётда кичик бизнес субъектларини йирик корхоналар билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишнинг қатор самарали йўналишлари мавжуд. Одатда кичик бизнес субъектлари аста секинлик билан йирик корхоналар билан ҳамкорлик муносабатларни ташкил қилган ҳолда уларнинг таъсир доирасига кириб боришади ва улар фаолиятида муҳим ўзига хос бўлган субъект сифатида шаклланишади. Бунда тадбиркорлик субъектини бошқарув аппаратида фаолият юритувчи кадрларнинг малакаси муҳим саналади.

Натижада кичик бизнес субъектлари нафақат йирик бизнес субъектлари рақибидан ҳамкорига айланишга, балки уларнинг ҳамкори сифатида йирик бозор секторига кириб боради ва шу бозорда муҳим ўрин эгаш имкони туғилади. Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, ҳозирги кунда барча ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектлари катта ҳажмдаги қурилиш ишларини ўзлари қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлмайдилар, чунки уларда етарли, молиявий маблағ, салоҳият ва техника мавжуд бўлмайди. Йирик бизнес субъектлари эса катта ҳажмдаги қурилиш ишларини қабул қилиб олишади, шу билан бирга қурилиш ишларини барча

қисмини ўзлари амалга ошириш улар учун самарали бўлмайди. Бу каби ҳолатларда улар кичик бизнес субъектлари ёрдамига таянишади ва улар орасида ҳамкорлик муносабатлари шакллана боради.

Бу кўринишдаги ҳамкорлик иккала томон учун ҳам фойдали бўлиб, йирик бизнес субъектлари катта ҳажмдаги ишни қисқа муддатда амалга ошириш имкониятига эга бўлса, кичик бизнес субъектлари улар номидан фойдаланган ҳолда улар билан биргаликда бозорда ўз ўрнига эга бўлиш имкониятини қўлга киритишади.

Тадқиқот ишининг олдинги параграфларида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра олинган хулосаларга кўра, «Мамлакатимиз қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектларини йирик корхоналар билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилиш, кичик бизнес субъектларни бозорга кириб келиши, йирик корхоналар технологияларидан биргаликда фойдаланиши, республикамизнинг йирик шаҳарларида кичик ва йирик бизнеснинг ўзаро интеграцион алоқаларини ривожлантиришни, биргаликдаги фаолияти натижасида олинадиган синергетик самарани оширишга имкон берувчи стратегиялар ишлаб чиқишни тақозо этгани ҳолда, бугунги кунда, ривожланган мамлакатларда қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес ҳамкорлигининг асосий шаклларида бири бўлган – “субпудратчилик фаолияти”ни шакллантиришни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан айнан қурилиш соҳасида ҳамкорликни пудратчилик шаклини ривожлантиришга оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар қурилиш соҳасини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлди»⁶⁴.

Бироқ, афсуски субпудратчилик фаолияти бўйича меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш масаласига етарлича эътибор қаратилмаганлиги сабабли ушбу муаммо ўз ечимини ҳалигача топмасдан қолиб келмоқда. Фақат

⁶⁴ Н.Ш.Ахмедова. “Қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш” Тошкент архитектура-қурилиш институти /“Архитектура, қурилиш ва дизайн илмий-амалий журнали”2021 йил 3-сон. 228-235 бетлар.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрга “Узоқ масофада жойлашган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг вахта усули тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори»⁶⁵ қабул қилинган бўлиб, низомда субпудратчилик масалаларига қисқача тўхталиб ўтилган ҳолос.

Низомга кўра, вахта усулида бажариш учун мўлжалланган ишларнинг аниқ ҳажмлари ва турлари пудратчи ҳамда буюртмачи томонидан қурилишни бажариш учун пудрат шартномаси тузилаётганда, субпудратчи ташкилотлари учун эса — субпудрат шартномаси тузилаётганда белгиланиши келтириб ўтилади. Шунингдек, агар ишларни вахта усулида ташкил қилиш учун амалдаги харажатлар ҳисобланган кўрсаткичлардан ошиб кетадиган бўлса, уларнинг қийматлари орасидаги фарқ қурилиш бўйича бош пудратчи (субпудратчи) ташкилотнинг асосий фаолияти ҳисобига қопланиши белгиланган. Аммо, пудратчи ва субпудратчилар ҳақида асосий ва умумий тушунчалар келтирилмаган.

«Субпудратчилик кўринишидаги ҳамкорликдан фойдаланиш қурилишни ташкил қилишда муҳим бўлиб, қурилиш лойиҳаси қийматининг 90 фоизигача бўлган қисми субпудратчилар томонидан таъминланган ишчи кучи ва материалларга, шунингдек, буюртма асосида амалга ошириладиган чизмаларга сарфланади»⁶⁶. “Тегишли субпудратчиларни танлаш ва улар билан муносабатларни бошқариш лойиҳани бажарилишида ҳал қилувчи ролни ўйнайди, бироқ хайратланарлиси шундаки бу масалага фақат кейинги йиллардагина эътибор қаратила бошлади»⁶⁷. Илмий тадқиқот ишларида «қурилиш соҳаси барқарор ривожланиши учун фақат мижозлар ва асосий

⁶⁵ «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрга “Узоқ масофада жойлашган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг вахта усули тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори»

⁶⁶ Hinze, J. and Tracey, A. (1994), “The contractor-subcontractor relationship: the subcontractor’s view” *Journal of Construction Engineering and Management*, Vol. 120, No. 2, pp. 274-287

⁶⁷ Dainty, A.R.J.; Briscoe, G.H. and Millett, S.J. (2001), “New perspectives on construction supply chain integration”, *Supply Chain Management*, Vol. 6, No. 4, pp. 163-173.

пудратчилар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш эмас, балки субпудратчилар ва етказиб берувчилар ўртасида занжир бўйлаб ишлашни йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланади»⁶⁸. «Бироқ ҳозирги давргача шериклик тушунчаси фақат мижоз-пудратчи алоқалари билан чекланганлиги сабабли, субпудратчи фирмаларнинг лойиҳа самарадорлигини оширишга қўшган ҳиссаси эътибордан четда қолиб келмоқда»⁶⁹.

«Кўплаб хорижий қурилиш корхоналари конструктив жараёнлар самарадорлигини оширишга ҳаракат қилгани ҳолда рақобат стратегиясини аниқлаш орқали корхона тузилмасини қайта ташкил қилиш масаласига эътибор қаратишган»⁷⁰. Бу каби корхоналар томонидан қабул қилинган стратегиялардан бири бу субпудратчилик бўлиб, бу орқали қурилиш жараёнини давомийлигини қисқартирган ҳолда маълум бир қисмини камайтириш мумкин, бунда ишнинг катта қисми учунчи шахсларга берилади.

Юқорида келтирилганларга кўра мамлакатимиз қурилиш соҳасида субпудратчилик асосида қурилиш ишларини ташкил қилиш механизмлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- қурилиш корхоналарининг турли таъминотчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан интеграцион алоқаларини ўрнатиш;
- технологик жараёнига киритилган, қурилиш ишларининг асосий ва ёрдамчи қисмларини амалга ошириш, махсус субпудратчилик фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхоналарни ташкил этиш;
- қурилиши ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган товарлар ва хизматлар сифатида киритилган маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича кичик субпудратчи корхоналарни ташкил қилиш;

⁶⁸ Briscoe, G. and Dainty, A. (2005), "Construction supply chain integration: an elusive goal?", *Supply Chain Management: An International Journal*, Vol. 10, No. 4, pp. 319-326.

⁶⁹ Dainty, A.R.J.; Briscoe, G.H. and Millett, S.J. (2001), "New perspectives on construction supply chain integration", *Supply Chain Management*, Vol. 6, No. 4, pp. 163-173.

⁷⁰ Souza, F P and Formoso, C T (1993). *Levantamento de Estratégias de Produção e Aspectos de Modernização em Empresas de Construção de Edificações*. Porto Alegre, 8-9 junho 1993, Anais

- қурилиш корхоналарини зарурий малака ва тажрибага эга бўлган ноёб ишчи кучи билан таъминлашга хизмат қиладиган онлайн тизмни шакллантириш ва улар орасидаги интеграцияни йўлга қўйиш.

«Йирик корхоналар ва субпудратчиликка асосланган кичик корхоналар (исталган кичик бизнес субъекти бўлиши мумкин) интеграциялашувининг асосий муаммоларидан бири улар ҳамкорлигининг барқарорлиги, интеграция “ҳаётий цикли”нинг давомийлиги билан боғлиқ бўлади. Яъни кичик ва йирик корхоналар итеграциялашуви асосида маълум маблағларини ҳамкорликка сарфлаганларидан кейин, улар кутилган фойда нормасига эга бўлмасликлари мумкин, яъни шартномада белгиланган талабларни у ёки бу шерик томонидан тўлиқ ёки қисман бажармаслиги шартноманинг барбод бўлишига олиб келади. Демак, бу каби салбий натижаларни келиб чиқмаслиги учун, корхоналар бундай интеграциялашувни ўзларига фойдали эканлигига ишонч ҳосил қилишлари лозим бўлади»⁷¹.

Тадқиқотимизнинг ушбу бўлимида субпудратчилик шартномаси асосида фаолият юритувчи қурилиш соҳасидаги йирик корхоналар ва субпудратчилар ҳамкорлиги барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи бажарилиши лозим бўлган айрим шарт-шароитларни қараб чиққан ҳолда ушбу масалани ечишнинг назарий асоси сифатида классик интеграцион ҳамкорликларнинг математик воситаларидан фойдаланамиз.

«Мазкур воситалардан фойдаланиш учун субпудратчилик шартномасида қатнашадиган қурилиш корхоналари ўзлари жойлашган ҳудудда республиканинг ўзига хос хусусиятлар ва имкониятларини инобатга олган ҳолда қурилиш ишлари ва қурилиш материаллари бозоридаги вазиятдан келиб чиқиб, бир хил ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган объектларни ташкил этиши мумкин бўлган

⁷¹ Н.Ш.Ахмедова. “Қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш” Тошкент архитектура-қурилиш институти /“Архитектура, қурилиш ва дизайн илмий-амалий журнали”2021йил 3-сон. 228-235 бетлар.

йирик ишлаб чиқарувчи корхона ва субпудратчиликка ихтисослашган кичик корхона сифтида қабул қиламиз (йирик корхонани кичик корхона, микрофирма ёки яқка тадбиркор билан кооперацион алоқаларини моделлаштириш масаласини ҳам худди шундай қўйиш мумкин)»⁷².

«Математик воситалардан фойдаланган ҳолда субпудратчилик фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$p_s(p_b)$ – субпудратчилик асосида ишлаётган кичик (йирик) қурилиш корхонаси томонидан ишлаб чиқилган товар ва кўрсатилган хизматларнинг ўртача баҳоси;

$q_s(q_b)$ – субпудратчилик асосида ишлаётган кичик (йирик) корхоналар томонидан автоном ҳолда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот ҳажми;

$p_s q_s$ – автоном ҳолда ишлаётган субпудратчиликка ихтисослашган кичик корхона даромади;

$p_b q_b$ – автоном ҳолда ишлаётган йирик корхонанинг даромади;

$p_s^s q_s^s$ – субпудратчилик шартномаси асосида ишлаётган кичик корхонанинг даромади;

$p_b^s q_b^s$ – субпудратчилик шартномаси асосида ишлаётган йирик корхонанинг даромади;

C_s - автоном ҳолда ишлаётган кичик корхонанинг жами харажатлари;

C_s^s – субпудратчилик шартномаси асосида йирик корхона билан ҳамкорликда ишлаётган кичик корхонанинг харажатлари;

C_b – автоном ҳолда ишлаётган йирик корхонанинг жами харажатлари;

⁷² Н.Ш.Ахмедова. “Қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш” Тошкент архитектура-қурилиш институти /“Архитектура, қурилиш ва дизайн илмий-амалий журналі”2021йил 3-сон. 228-235 бетлар.

C_b^s – субпудратчилик шартномаси асосида кичик корхона билан бирга ишлаётган йирик корхонанинг харажатлари (маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ўқитиш бўйича ва х.к. харажатлар билан бирга)»⁷³.

Синергетик самарани баҳолаш мақсадида таҳлилни амалга оширилиши мавжуд вазиятда интеграция қатнашчилари (ҳамкорлар) сифатида йирик қурилиш корхонаси ва субпудратчиликка ихтисослашган кичик корхоналар қатнашди ва шунинг учун ҳам I ўйинлар тўплами икки элементдан ташкил топади $I-\{1,2\}$.

Агар қуйида келтирилган шарт ўринли деб топилса, келтирилган тенгсизлик шароитида (I,W) ўйин моҳиятли деб ҳисобланади ва интеграцион ҳамкорликни ташкил қилиш иккала иштирокчи учун ҳам самарали бўлади:

$$\sum_{i \in I} W(i) < W(I) \quad (3.1.1)$$

бу ерда, $W(i)$ – якка ҳолда фаолият кўрсатаётган қурилиш корхонаси ютуғи ($i=1,2$), $W(I)$ – ҳамкорлик асосида олинadиган ютуқ.

Мазкур ҳолатда йирик ва кичик қурилиш корхоналарининг алоҳида фаолият юритиши натижасида оладиган даромадлари йиғиндиси уларнинг ҳамкорликда, яъни интеграция қатнашчиси сифатида эришадиган даромадига нисбатан кичик бўлади деб қаралади.

«Келтириб ўтилган муносабатни ҳар бир қатнашчининг алоҳида оладиган ютуғини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$W(1) = p_s q_s - C_s \quad (3.1.2)$$

$$W(2) = p_b q_b - C_b \quad (3.1.3)$$

⁷³ Н.Ш.Ахмедова. “Қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш” Тошкент архитектура-қурилиш институти /“Архитектура, қурилиш ва дизайн илмий-амалий журнали”2021 йил 3-сон. 228-235 бетлар.

бу ерда: $W(1)$ - якка ҳолда фаолият кўрсатаётган кичик қурилиш корхонаси олиши мумкин бўлган фойда; $W(2)$ - якка ҳолда фаолият кўрсатаётган йирик қурилиш корхонаси олиши мумкин бўлган фойда.

У ҳолда йирик корхона ва кичик корхона ўзаро интеграциялашуви асосида ташкил этиладиган ҳамкорлигининг субпудратчиликка асосланган ютуғи қуйидагича бўлади:

$$W(I) = p^s q^s - C^s \quad (3.2.4)$$

Субпудратчилик асосидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида келтириб ўтилган (3.2.2)-, (3.2.3)- ва (3.2.4)- тенгламалардан фойдаланган ҳолда қуйида келтирилган тенгсизликка эга бўламиз:

$$(p_s q_s - C_s) + (p_b q_b - C_b) < p^s q^s - C^s \quad (3.2.5)$$

Келтириб чиқарилган 3.2.5-формула шуни билдирадики, йирик ва кичик корхонанинг субпудратчилик тизимидаги ўзаро ҳамкорлигидан оладиган фойдаси корхоналарнинг алоҳида, автоном ҳолатдаги фаолияти натижасида олиши мумкин бўлган фойдадан сезиларлича катта бўлиши лозим. Ушбу шарт бажарилган тақдирдагина корхоналар ўзаро ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилишади акс ҳолда ҳамкорлик самарасиз фаолият сифатида қаралади»⁷⁴.

«Юқоридагидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорликни самарасиз бўлиш ҳолатини қуйидаги (3.2.6) шарт кўринишида ифодалаш мумкин. Ушбу ҳолатда (I, W) ҳамкорлик (ўйин) моҳиятсиз ёки аҳамиятсиз дейилади:

$$\sum_{i \in I} W(i) \geq W(I) \quad (3.2.6),$$

⁷⁴ Н.Ш.Ахмедова. “Қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш” Тошкент архитектура-қурилиш институти /“Архитектура, қурилиш ва дизайн илмий-амалий журнали”2021йил 3-сон. 228-235 бетлар.

$$\text{яъни} \quad (p_s q_s - C_s) + (p_b q_b - C_b) \geq p^s q^s - C^s \quad (3.2.7)$$

Демак, (3.2.7) шарт бажарилса, йирик ва кичик қурилиш корхонасининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида олинган фойда миқдори корхоналар автоном ҳолда фаолиятини ташкил қилиши натижасида олиши мумкин бўлган фойда миқдоридан кичик бўлади. Бу каби ҳолатда корхоналарнинг ҳеч бири ўзаро ҳамкорлик қилиш, интеграцияга киришишдан манфаатдор бўлмайди. Агар улар бирлашган тақдирдар ҳам ҳамкорлик натижасида яхши самара бермаганлиги сабабли беқарор бўлади. Шунинг учун ҳам, мазкур тадқиқот ишида фақат аҳамиятли келишувлар хусусида тўхталганмиз»⁷⁵.

Интеграцион ҳамкорликда муҳим тушунчалардан бири бу **улуш** бўлиб, уни $x = (x_1, x_2, \dots, x_n)$ вектор кўринишида ифодалаш мумкин. Ушбу векторнинг ҳар бир - элементи I қатнашчилар тўплами ихтиёридаги нафларни тақсимланганда $i \in I$ қатнашчининг олиши мумкин бўлган миқдорни ифодалайди.

Тадқиқотда кичик ва йирик қурилиш корхоналари томонидан субпудратчилик шаклида фаолиятни ташкил қилиш эвазига олинадиган фойдани мос равишда x_1 ва x_2 билан, субпудратчилик асосида ишлагани учун йирик корхонанинг мулк солиғидан озод бўлиши ҳисобига иқтисод қилган маблағини y_1 ва субпудратчилик асосида ишлагани учун йирик корхонанинг маълум имтиёзларга эга бўлиши, шунингдек тўловлардан озод бўлиши ҳисобига иқтисод қилган маблағини y_2 билан белгилаймиз. У ҳолда,

$$x_1 = p_s^s q_s^s - C_s^s \quad (3.2.8)$$

$$x_2 = y_1 + y_2 - C_b^s \quad (3.2.9)$$

бўлади.

⁷⁵ Н.Ш.Ахмедова. “Қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш” Тошкент архитектура-қурилиш институти /“Архитектура, қурилиш ва дизайн илмий-амалий журналі”2021 йил 3-сон. 228-235 бетлар.

Интеграциядаги улуш иккита шартни қаноатлантириши талаб қилинади:

- 1) алоҳида ҳолда рационал бўлиши керак;
- 2) гуруҳий ҳолда рационал бўлиши керак.

Биринчи шарт шуни билдирадики, ҳамкорлик қилинганда ҳар бир катнашчи энг камида автоном ҳолда фаолиятини ташкил қилиш натижасида олиши мумкин бўлган фойдага эга бўлиши лозим. Таклиф қилинаётган ҳамкорлик шаклида, биринчи шартнинг бажарилиши шуни билдирадики, субпудратчилик тизимида ишлаётган корхоналардан ҳар бирининг фойдаси уларнинг автоном ҳолда фаолиятини ташкил қилиш натижасида оладиган фойдасидан кам бўлмаслиги керак.

Демак, «биринчи шарт ўринли бўлиши учун қуйидаги тенгсизликлар тизими таъминланиши лозим бўлади:

$$p_s^s q_s^s - C_s^s \geq p_s q_s - C_s \quad (3.2.10)$$

$$y_1 + y_2 + p_b^s q_b^s - C_b^s \geq p_b q_b - C_b \quad (3.2.11)$$

Келтириб ўтилган 3.2.10 – тенгсизлик кичик қурилиш корхонаси субпудратчилик асосида йирик қурилиш корхонаси билан ҳамкорликда фаолият олиб бориб, ўзи автоном ҳолда фаолият юритгандагига қараганда кам бўлмаган фойда олиши кераклигини ифодалайди. 3.2.11 – тенгсизлик эса, йирик қурилиш корхонасининг субпудратчилик асосида кичик қурилиш корхонаси билан ҳамкорликда фаолиятини ташкил қилиши, ўзи автоном ҳолда ишлагандагига қараганда кам бўлмаган фойда олиши кераклигини билдиради»⁷⁶.

Амалиётнинг кўрсатишича, бугунги кунда субпудратчилик асосида иш юритувчи йирик қурилиш корхоналарини мол-мулк солиғидан озод қилиш ва

⁷⁶ Н.Ш.Ахмедова. “Қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш” Тошкент архитектура-қурилиш институти /“Архитектура, қурилиш ва дизайн илмий-амалий журнали”2021 йил 3-сон. 228-235 бетлар.

иқтисод қилган маблағлар ҳисобидан қўшимча субпудратчиларни жалб қилиш тизимини такомиллаштириш лозим.

Гуруҳий рационаллик шартига кўра, интеграция иштирокчилари бирлашуви натижасида олинадиган самара улар ўртасида тақсимланиши керак, яъни интеграцияда иштирок этишдан иккала субъект ҳам манфаатдор бўлиши лозим акс ҳолда ҳамкорлик самарали бўлмайди. Биз кўраётган моделда корхоналарнинг субпудратчилик тизимида $(p^s q^s - C^s)$ ўзаро ҳамкорлик қилиши натижасида олинган фойда улар ўртасида бўлиниши, яъни қуйидаги (3.2.12) тенглик бажарилиши талаб қилинади:

$$(p_s^s q_s^s - C_s^s) + (y_1 + y_2 + p_b^s q_b^s - C_b^s) = p^s q_s - C^k \quad (3.2.12)$$

Амалга оширилган тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, ривожланган ғарб мамлакатлари тажрибасига кўра, миллий иқтисодиёт ва унинг минтақалари, тармоқлари иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши бевосита уларда фаолият юритаётган кичик фирмалар ва йирик корхоналарнинг ўзаро интеграция даражаси билан белгиланади. Фикримизча, кичик ва йирик қурилиш корхоналарининг юқорида келтириб ўтилган шаклда субпудратчилик асосидаги интеграцион алоқаларини моделлаштириш ҳамкорлик самарадорлиғни аниқлаш бўйича қатор имкотиётларни яратиш беради:

-биринчидан, йирик ва кичик қурилиш корхоналарининг нафақат субпудратчилик асосидаги, балки исталган шаклдаги интеграцион алоқаларининг афзалликларини кўрсатиш ва томонлар учун тенг манфаатли эканлигини асослашга;

-иккинчидан, барча шаклдаги кичик ва йирик қурилиш корхоналари интеграцион алоқаларининг амал қилиш шартларини асослашга;

-учинчидан, кичик ва йирик қурилиш корхоналари интеграцион алоқалари ҳамда ҳамкорлик натижасида вужудга келадиган синергетик самарадорлиғи бўйича иқтисодий қарорлар қабул қилишга;

-*тўртинчидан*, макро ва микро даражада иқтисодиёт тармоқлари, минтақалар кесимида кичик ҳамда йирик қурилиш корхоналарининг ўзаро ҳамкорликлари истиқболларини белгилаш бўйича давлат ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқишга ва ҳ.к.

Кичик ва йирик қурилиш корхоналарининг интеграцион алоқаларини тадқиқ қилиш бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари тараққиётини таъминлашда муҳим бўлган йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Натижада, ушбу муаммо долзраб бўлган ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун муҳим масала ҳисобланади. Хусусан, ҳамкорлик натижасида вужудга келадиган самарадорликни баҳолаш мазкур йўналишнинг аҳамиятлилигини асослашга хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, мазкур илмий тадқиқот ишида кичик ва йирик қурилиш корхоналарининг субпудратчилик асосидаги интеграцион алоқаларини айрим жиҳатларини ёритиб ўтдик холос.

Фикримизча кичик ва йирик қурилиш корхоналарининг интеграцион ҳамкорлигини ташкил қилишда келтириб ўтилган моделлардан фойдаланган ҳолда уларнинг самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш ҳамкорлик қатнашчилари учун фаолият самарадорлигини асослашга хизмат қилади. Натижада олинган натижалар асосида субпудратчилик асосида кичик ва йирик қурилиш корхоналари ўртасида интеграцияни ташкил қилиш уларнинг самарадорлигини оширишга ва синергетик самарага эга бўлишига имконият яратади.

3.2 Қурилишда кичик ва йирик бизнеснинг мақбул нисбатларини аниқлаш асосида интеграция самарадорлигини ошириш


Иқтисодиётнинг локомативи ҳисобланган ва бугунги кунда барча тармоқларда бўлгани каби қурилиш соҳасида ҳам фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг катта улушини ташкил қилаётган кичик бизнеснинг тармоқ ривожига аҳамияти инкор қилиб бўлмайди. Бироқ бошқа томондан қурилиш соҳасидаги йирик лойиҳаларни амалга ошириш катта миқдордаги инвестицион

маблағларни талаб қилиниши, мураккаб технологик жараёнлар билан боғлиқлиги кичик бизнес субъектлари билан бир қатор ва мақбул нисбатларда йирик бизнесни ҳам ривожлантиришни талаб қилади. Тошкент шаҳри мисолида амалга оширилган тадқиқот натижаларидан маълумки қурилиш соҳасини тараққиётини таъминлашда нафақат йирик бизнес балки кичик бизнес ҳам аҳамиятли бўлиб, улар аниқ йўналишлардаги ихтисослаштирилган фаолият турлари билан шуғулланиш, йирик бизнес субъектлари билан ҳамкорликда фаолият олиб борган ҳолда самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Юқорида келтирилганлар қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнесни бирдек аҳамиятлилигини асослайди, бироқ асосий муаммо уларнинг мутаносиб нисбатларда ривожлантириш синергетик самарадорликни ошириш, оптимал қийматларини аниқлаш, интеграцион алоқаларни ривожлантиришни талаб қилади. Амалга оширилган ҳисоб-китобларимиз тадиқиқот объекти ҳисобланган Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг катта қисми кичик бизнес субъектларига ҳиссасига тўғри келаётганлигини кўрсатмоқда. Келтирилган маълумотлар асосланган ҳолда улар динамикасини статистик таҳлилини амалга ошириб, мақбул нисбатларини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларда кичик бизнес улуши 2014-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, бироқ 2020 йилга келиб кўрсаткич олдинги йилга нисбатан деярли ўзгаришсиз қолган ва 2021 йилда эса 99,3 фоиздан 99,0 фоизгача камайган (3.2.1-расм).

Табиийки бу каби ўзгаришлар ҳудудда амалга оширилаётган қурилиш ишларига боғлиқ бўлиб, бевосита унинг ҳажми ва таркибига ўз таъсирини кўрсатади. Буни ҳисобга олган ҳолда соҳадаги кичик ва йирик бизнес субъектлари сонининг жамига нисбатан улушини амалга оширилган қурилиш ишлари реал ҳажмига таъсирини қараб чиқамиз.




3.2.1-расм. Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик ва йирик бизнес субъектлари улушини ўзгариш динамикаси⁷⁷

Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари улушини охириги йилда пасайиш тенденцияси кузатилгани ҳолда ҳудудда амалга оширилган қурилиш ишлари реал ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлиши, дастлабки даврда иккала кўрсаткич орасидаги ижобий боғлиқликни таъминлаган бўлса, кейинги даврда тескари алоқа мавжудлигини кўрсатмоқда. Натижада иккала кўрсаткич орасидаги боғлиқликни ифодаловчи функция порабола кўришига эга бўлмоқда. Бундан кўринадики қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг улушини ошиши маълум бир даражага етгунича ижобий таъсирга эга бўлади, яъни маълум даражага етгандан кейин уни янада ошириш тескари самара беради (3.2.2-расмга қаранг).

Таҳлил қилинаётган статистик маълумотларга кўра Тошкент шаҳрида кичик бизнеснинг улуши 99,3 фоизга етгандан кейин пасайиши кузатилган. Шаҳарда амалга оширилган қурилиш ишлари ўсиш даражасини таҳлили 2014-2017 йилларда ўртача ўсиш даражаси 11,6 фоизни ташкил қилганлигини кўрсатаётган бўлса, 2018-2019 йилларда бу кўрсаткич 30,0 фоизни ташкил

⁷⁷ Муаллиф ишланмаси

қилганлигини кузатиш мумкин. Фақат 2020 йилга келиб олдинги йилга нисбатан ўсиш темпи кескин пасайгани ҳолда 4,1 фоизни ташкил қилган.



3.2.2-расм. Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари улушини амалга оширилган қурилиш ишлари реал ҳажмига таъсири⁷⁸

Таҳлил қилинаётган статистик маълумотларга кўра Тошкент шаҳрида кичик бизнеснинг улуши 99,3 фоизга етгандан кейин пасайиши кузатилган. Шаҳарда амалга оширилган қурилиш ишлари ўсиш даражасини таҳлили 2014-2017 йилларда ўртача ўсиш даражаси 11,6 фоизни ташкил қилганлигини кўрсатаётган бўлса, 2018-2019 йилларда бу кўрсаткич 30,0 фоизни ташкил қилганлигини кузатиш мумкин. Фақат 2020 йилга келиб олдинги йилга нисбатан ўсиш темпи кескин пасайгани ҳолда 4,1 фоизни ташкил қилган. Мазкур ҳолатни келиб чиқишига иккита сабабни кўрсатиш мумкин, яъни соҳада фаолият юритаётган кичик корхоналар улушини камайиши ҳамда 2020 йилда COVID 19 пандемиясининг содир бўлиши натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги каби қурилиш соҳасида ҳам пасайишни кузатилиши.

⁷⁸ Муаллиф ишланмаси

Ушбу даврда амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажмига мос келувчи кичик бизнес субъектларининг жами фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлардаги улушига мос келувчи қийматни аниқлаш учун 3.2.1-расмда келтирилган моделдан фойдаланамиз. Яъни, ушбу моделдан фойдаланишдан олдин унинг адекватлигини асослаш лозим бўлади шу сабабли моделнинг *grtel* дастурида ишлаб чиқилган натижаларини келтириб ўтмоқчимиз (3.2.1-жадвалга қаранг).

3.2.1-жадвал

Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари улушини амалга оширилган қурилиш ишлари реал ҳажмига таъсирини баҳолаш натижалари⁷⁹

Модель 1: МНК, фойдаланилган кузатишлар 1-8

: Y га Боғлиқ кузатувчи

	<i>Коэффициент</i>	<i>хатолик</i>	<i>t-статистика</i>	<i>P-значение</i>	
const	94,9090	0,488189	194,4	<0,0001	***
X	0,00195018	0,000270212	7,217	0,0008	***
X2	-2,08919e-07	3,24668e-08	-6,435	0,0013	***

Среднее зав. перемен	98,76852		Ст. откл. зав. перемен	0,474851
Сумма кв. остатков	0,075265		Ст. ошибка модели	0,122691
R-квадрат	0,952315		Испр. R-квадрат	0,933241
F(2, 5)	49,92758		P-значение (F)	0,000497
Лог. правдоподобие	7,313222		Крит. Акаике	-8,626443
Крит. Шварца	-8,388118		Крит. Хеннана-Куинна	-10,23385

Жадвалдаги маълумотлар 3.2.2-расмда келтирилган модел ҳамда унинг коэффициентлари адекватлигини асослашга хизмат қилмоқда. Яъни Студент мезони бўйича барча коэффициентлар адекват бўлиб, детерминация коэффициенти ҳам юқори қийматга эга бўлмоқда. Ушбу моделдан фойдаланган ҳолда мазкур йиллар мобайнида қурилиш ишлари ҳажми билан унда кичик бизнеснинг улушидан фойдаланган ҳолда кичик бизнеснинг максимал даражасини аниқлаш масаласини қараб чиқамиз. Бунинг учун аниқланган

⁷⁹Муаллиф ишланмаси

квадратик тенгламадан ўзгарувчи бўйича ҳосила оламиз. Натижада қуйидаги тенгликка эга бўламиз.

$$y' = -2 * 2.09 * 10^{-7} * x + 0.0019$$

Максимал қийматни аниқлаш учун ушбу тенгликни нолга тенглаймиз.

$$0 = -2 * 2.09 * 10^{-7} * x + 0.0019$$

$$4.18 * 10^{-7} * x = 0.0019$$

$$x = \frac{0.0019}{4.18 * 10^{-7}} = 4667,3$$

Натижаларга кўра Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари ҳажмининг реал қиймати 4667,3 миллиард сўмга етганда кичик бизнеснинг улуши ўзининг максимал қийматиг эга бўлган. Ушбу рақамни аниқлаш учун қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширамиз.

$$y = 2.09 * 10^{-7} * x^2 + 0.0019 * x + 94,9 = 99,5$$

Амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра таҳлил қилинаётган даврда кичик бизнес субъектларини қурилиш ишларидаги максимал қиймати 99,5 фоизга тенг эканлиги аниқланди.

Агар корхона ва ташкилотлар сонини статистикаси сонини йил бошига яъни 1 январ ҳолатига нисбатан юритилишини инобатга оладиган бўлсак, кичик бизнес субъектлари улушини ўсишдан тўхтаган йиллари билан амалга оширилган қурилиш ишлари реал ҳажмини ўсиш темпини ошиши бир хил йилларга тўғри келади. Бундан кўринадики, бугунги кунда шаҳарда паст улушга эгалигича қолаётган йирик бизнес субъектлари улушини ҳам ошириш қурилиш соҳаси тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик ва йирик бизнес субъектлари улушини соҳада тадбиркорлик тараққиётини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлар ҳамда қурилиш

ишлари ҳажмига таъсирини корреляцион таҳлил асосида қараб чиқамиз (3.2.1-жадвалга қаранг).

3.2.1-жадвал

Корреляцион таҳлил натижалари⁸⁰

	<i>ShSB</i>	<i>ShBB</i>	<i>Rcons</i>	<i>Tacrate</i>	<i>Tviabtare</i>	<i>Sacrate</i>	<i>Sviabtare</i>	<i>Bacrate</i>	<i>Bviabtare</i>
<i>ShSB</i>	1.00								
<i>ShBB</i>	-1.00	1.00							
<i>Rcons</i>	0.75	-0.75	1.00						
<i>Tacrate</i>	0.88	-0.88	0.56	1.00					
<i>Tviabtare</i>	0.88	-0.88	0.95	0.75	1.00				
<i>Sacrate</i>	0.88	-0.88	0.56	1.00	0.75	1.00			
<i>Sviabtare</i>	0.88	-0.88	0.95	0.75	1.00	0.75	1.00		
<i>Bacrate</i>	0.23	-0.23	0.56	0.34	0.55	0.34	0.55	1.00	
<i>Bviabtare</i>	0.76	-0.76	0.65	0.84	0.74	0.84	0.73	0.29	1.00

Бу ерда: *ShSB* - қурилиш соҳасида фаолият юритаётган жами корхоналарда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши; *ShBB* - қурилиш соҳасида фаолият юритаётган жами корхоналарда йирик тадбиркорлик субъектлари улуши; *Rcons* – амалга оширилган қурилиш ишларининг реал ҳажми; *Tacrate* – қурилиш соҳасида фаолият юритаётган жами корхоналарнинг фаоллик даражаси; *Tviabtare* - қурилиш соҳасида фаолият юритаётган жами корхоналарнинг яшовчанлик коэффиценти; *Sacrate* – қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг фаоллик даражаси; *Sviabtare* - қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг яшовчанлик коэффиценти; *Bacrate* – қурилиш соҳасида фаолият юритаётган йирик корхоналарнинг фаоллик даражаси; *Bviabtare* - қурилиш соҳасида фаолият юритаётган йирик корхоналарнинг яшовчанлик коэффиценти;

⁸⁰Муаллиф ишланмаси

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларини жамига нисбатан улуши билан келтириб ўтилган барча кўрсаткичлар орасида мусбат боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Бироқ йирик корхоналарнинг фаоллик даражаси билан боғлиқлик даражаси мусбат қийматга эга бўлиб, анча заиф эканлиги аниқланди. Бошқа томондан эса йирик бизнес субъектларининг жамига нисбатан улуши билан барча кўрсаткичлар билан тескари алоқа мавжуд.

Бошқа томондан эса соҳадаги йирик бизнес субъектлари фаоллик даражаси билан жами корхоналарнинг фаоллик даражаси, яшовчанлик коэффиценти каби кўрсаткичлар орасидаги корреляция коэффиценти мос равишда 0.34 ва 0.55 тенг эканлиги аниқланди. Яъни мусбат қийматга эга бўлиб, ўрта даражадаги таъсир доирасига эга. Йирик бизнес субъектларининг яшовчанлик коэффицентининг жами корхоналарнинг фаоллик даражаси, яшовчанлик коэффицентига таъсири анча юқори бўлиб, корреляция коэффицентлари мос равишда 0,84 ва 0,74 га тенг бўлмоқда.

Келтирилган таҳлил натижаларига кўра бир-бирига зид хулосалар чиқмоқда, яъни дастлабки таҳлиллар кичик бизнес субъектлари улушини бир меъёردа тўхташи яъни 99,3 да қолган йилларда қурилиш ишлари реал ҳажмида юқори суръатларда ўсиши таъминланганлиги аниқланди. Бошқа томондан корреляцион таҳлил натижалари соҳада фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг самарали фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлар билан тескари боғлиқликка эга эканлиги аниқланган бўлишига қарамасдан, фаоллик даражаси, яшовчанлик коэффиценти каби кўрсаткичлар билан йирик бизнес субъектлари улуши орасида мусбат боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.

Фикримизча бу ерда нафақат кичик ва йирик корхоналарни оптимал нисбатини таъминлаш балки уларнинг ўзаро ҳамкорликдаги интеграцион алоқаларини ҳам таъминлаш масаласига, ушбу фаолият бўйича самарадорликни ошириш муаммоларига алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади.

Регрессион таҳлил натижаларига кўра қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари фаоллик даражаси йирик бизнес субъектларининг яшовчанлик коэффиценти билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланди. Gretl дастуридан фойдаланган ҳолда 2014-2021 маълумотлар асосидаги регрессион таҳлил натижалари қуйидаги кўринишга эга бўлди (3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари⁸¹

Model 1: OLS, using observations 2014-2021 (T = 8)

Dependent variable: Sacrate

	<i>Coefficient</i>	<i>Std. Error</i>	<i>t-ratio</i>	<i>p-value</i>	
const	93.3298	0.914835	102.0	<0.0001	***
Bviabtare	0.0711677	0.0186902	3.808	0.0089	***
Mean dependent var	94.07114			S.D. dependent var	4.326536
Sum squared resid	38.35291			S.E. of regression	2.528270
R-squared	0.707302			Adjusted R-squared	0.658519
F(1, 6)	14.49895			P-value(F)	0.008887
Log-likelihood	-17.62106			Akaike criterion	39.24213
Schwarz criterion	39.40101			Hannan-Quinn	38.17052
rho	0.178991			Durbin-Watson	1.089191

Келтирилган 3.2.2-жадвал маълумотларида аниқланган барча коэффицентлар Стюдент мезони бўйича адекват эканлигини, шунингдек қолган мезонлар ҳам моделни фойдаланиш учун асослилигини тасдиқламоқда ва уларга асосланган ҳолда моделни қуйидагича ёзиш мумкин.

$$Sacrate = 93.33 + 0.07 * Bviabrte$$

Модел асосида шунини таъкидлаш мумкинки қурилиш соҳасидаги йирик бизнес субъектларини яшовчанлик коэффицентини бир фоизга ошиши кичик бизнес субъектлари фаоллик даражасини 0.07 фоизга кўтарилишини таъминлайди.

⁸¹ Муаллиф ишланмаси

Юқорида келтирилган регрессион таҳлилни натижавий омилни кичик бизнес субъектларининг яшовчанлик коэффициентига ўзгартирган ҳолда амалга оширдик ва қуйидаги натижаларга эга бўлдик (3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари⁸²

Model 2: OLS, using observations 2014-2021 (T = 8)

Dependent variable: Sviabtare

	<i>Coefficient</i>	<i>Std. Error</i>	<i>t-ratio</i>	<i>p-value</i>	
const	59.0748	6.16118	9.588	<0.0001	***
Bviabtare	0.331397	0.125874	2.633	0.0389	**
Mean dependent var	62.52681			S.D. dependent var	23.14302
Sum squared resid	1739.565			S.E. of regression	17.02726
R-squared	0.536016			Adjusted R-squared	0.458686
F(1, 6)	6.931494			P-value(F)	0.038915
Log-likelihood	-32.87930			Akaike criterion	69.75861
Schwarz criterion	69.91749			Hannan-Quinn	68.68700
rho	-0.241598			Durbin-Watson	1.627936

Мазкур ҳолатда ҳам барча натижалар модел ва унинг коэффициентлари адекват эканлигини, улардан хулосалар чиқаришда фойдаланиш мумкинлигини асосламоқда. Фақат юқоридагидан фарқли равишда иккинчи моделда детерминация коэффициенти бироқ пастроқ қийматга яъни 0.54 га тенг бўлмоқда. Умумий моделнинг кўришини қуйидагича.

$$Sviabrate = 59.07 + 0.33 * Bviabrate$$

Натижаларга кўра йирик бизнес субъектлари яшовчанлик коэффициентининг бир фоизга ошиши кичик бизнес субъектлари яшовчанлик коэффициентини 0.33 фоизга оширишга хизмат қилади. Бу келтирилган регрессион таҳлил натижалари қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес субъектлари ўзаро мутаносиб нисбатларда ривожлантириш лозимлигини асослайди. Пандемия таъсирида 2020 йилдаги ўсиш даражсини пасайишини ҳисобга олмаган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки кейинги йилларда ҳудудда

⁸² Муаллиф ишланмаси

амалга оширилган қурилиш ишлари реал ҳажмини юқори ўсиш суръатлари таъминланган. Шунингдек 2019-2020 йилларда кичик ва йирик бизнеснинг нисбатлари оптимал даражага эришган бўлиб 2021 йилда бироз пасайганлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, шаҳарда қурилиш соҳаси ривожланиши, шунингдек соҳада фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларнинг фаоллик даражаси, яшовчанлик коэффицентининг ижобий қийматларини таъминлашда нафақат кичик бизнес ривожига балки йирик бизнеснинг ҳам тараққиётини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3.3 Қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес интеграциялашувининг муҳим кўрсаткичалари прогноз қийматларини аниқлаш

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ривожининг янги босқичга кўтарилиши иқтисодиётнинг йирик тармоқларидан ҳисобланган қурилиш соҳаси бозорига хусусий секторнинг кенг миқёсда кириб келишига замин заратгани ҳолда рақобат курашини кескинлашувига олиб келмоқда. Натижада, соҳада фаолият юритаётган ва янгидан ташкил қилинган корхоналарининг қарор қабул қилиш жараёнларини мураккаблаштирамоқда. Бошқа қилиб айтганда улар қарор қабул қилиш учун илмий асосга эга бўлган аниқ ҳисоб-китобларни амалга оширишлари талаб қилинмоқда.

Диссертация ишининг олдинга парагарафларида амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, қурилиш соҳаси ва унинг маҳсулотининг иккита хусусият бўйича бошқа тармоқлардан ажралиб туради. Биринчидан соҳада маҳсулот яратиш учун катта миқдордаги инвестиция талаб қилинса, иккинчидан маҳсулотни ишлаб чиқариш узоқ вақт талаб қилади. Булар эса ўз навбатида бозор иқтисодиёти шароитида қарор қабул қилиш жараёнини мураккаблаштиради, яъни келгуси давр прогноз қийматларини

хам бевосита ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш муаммосини келтириб чиқаради.

Юқорида келтирилган фикр мулоҳазалар ҳамда қурилиш соҳасини ривожини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳрида қурилиш соҳаси ривожини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичларнинг прогноз қийматларини ишлаб чиқишини мақсад қилганмиз. Фикримизча, бу каби прогноз қийматларни бўлиши соҳада нофаол бўлган корхоналар сонини камайтириш асосида фаоллик даражасини ошириш ҳамда янгидан ташкил қилинган корхоналарнинг яшовчанлик коэффицентини ҳам ошишига олиб келади.

3.3.1-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари⁸³

Model 1: OLS, using observations 2014-2021 (T = 8)

Dependent variable: Tac

	<i>Coefficient</i>	<i>Std. Error</i>	<i>t-ratio</i>	<i>p-value</i>	
const	2786.25	120.069	23.21	<0.0001	***
time	-190.321	61.2161	-3.109	0.0266	**
timesq	105.155	6.63982	15.84	<0.0001	***
Mean dependent var	4611.250		S.D. dependent var	1923.677	
Sum squared resid	37033.26		S.E. of regression	86.06191	
R-squared	0.998570		Adjusted R-squared	0.997998	
F(2, 5)	1746.181		P-value(F)	7.73e-08	
Log-likelihood	-45.11203		Akaike criterion	96.22406	
Schwarz criterion	96.46238		Hannan-Quinn	94.61665	
rho	-0.458133		Durbin-Watson	2.523126	

Соҳа ривожини таъминлашда нафақат фаолият юритаётган корхоналар сонини ошириш балки уларнинг кўлам жиҳатдан мақбул нисбатларини ҳам таъминланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Буни инобатга олган ҳолда дастлаб соҳада фаолият юритаётган ҳамда янгидан ташкил қилинган корхоналар сонини прогноз қийматларини ишлаб чиқамиз. Прогноз қийматларини ишлаб чиқиш

⁸³Муаллиф ишланмаси

учун тренд моделидан фойдаланилди, шунингдек 2014 йилдан то 2021 йилгача 1 январ ҳолатига қурилиш соҳасида фаолият юритаётган жами корхоналар сони олинган. Gretl дастури асосида амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларига қуйидаги кўришнишга эга бўлди (3.3.1-жадвал).

Натижаларга кўра Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган жами корхоналар сонининг вақтга боғлиқ бўлган тренд модели қуйидаги кўришнига эга бўлади.

$$Tas = 2786.25 - 190.32 * t + 105.16 * t^2 \quad (1)$$

Келтирилган моделнинг адекватлигини ифодаловчи барча мезонлар бўйича кўрсаткичлар 3.3.1-жадвалда келтирилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси талаб даражасида эканлигини кўришимиз мумкин. Буни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган моделдан фойдаланиб шаҳарда фаолият олиб бораётган қурилиш соҳасидаги корхоналар сонини 2025 йил 1 январ ҳолатигача бўлган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқамиз (3.3.2-жадвал).

3.3.2-жавдал

Шаҳарда фаолият олиб бораётган қурилиш соҳасидаги корхоналар сонини прогноз кўрсаткичлари⁸⁴

95% ишонч оралиғи, $t(5, 0.025) = 2.571$

Кузатувлар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95% ишонч оралиғи
2022	9591	147.727	(9211.15, 9970.64)
2023	11399	203.031	(10876.6, 11920.4)
2024	13417	275.932	(12707.1, 14125.7)
2025	15645	364.586	(14707.5, 16581.9)

2021 йил 1 январ ҳолатига шаҳарда фаолият юритаётган жами қурилиш корхона ва ташкилотлари сони 7907 тани ташкил қилган бўлиб, прогноз натижаларига кўра 2025 йил 1 январ ҳолатига бу кўрсаткич 15645 тани ташкил қилиши аниқланди. Бошқача айтганда 1,98 баробарга, яъни деярли икки баробарга ошиши аниқланди. Мазкур рақам бироз юқори эканлигини ҳисобга

⁸⁴ Муаллиф ишланмаси

олган ҳолда 2017-2021 йиллардаги ўзгаришга ҳам эътибор қаратиб ўтдик, натижа 2.17 баробарни ташкил қилди. Бундан кўринадикки ишлаб чиқилган прогноз натижалари Тошкент шаҳрида бугунги кунда қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларнинг умумий ривожланиш тенденциясига мос тушади. Ишлаб чиқилган модел асосида аниқланган қийматларни ҳақиқий қийматлар мослигини ҳамда прогноз кўрсаткичларини ифодалаётган 1-иловада келтирилган расм ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Қурилиш соҳасини тараққиётини таъминлаш амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажмини оширишда соҳада фаолият юритаётган йирик ва кичик корхона ва ташкилотлар нисбати аҳамиятли эканлигини ҳисобга олган ҳолда юқорида келтирилган тартибда фаолият юритаётган йирик ва кичик корхона ва ташкилотлар сонини мос давр учун прогноз қийматларини ишлаб чиқдик.

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган йирик корхона ва ташкилотлар сонининг вақтга боғлиқ бўлган тренд модели қуйидаги кўринишга эга бўлди.

$$Y_{ac} = 74.46 - 17.55 * t + 21.17 * t^2 \quad (2)$$

Дастур ёрдамида олинган натижалар 2-иловада келтириб ўтилган бўлиб уларга кўра барча аниқланган коэффицентлар Стюдент мезонига кўра адекват, шунингдек Фишер мезони бўйича аниқланган р-қиймат(F)ни ҳам 0.051 га тенг эканлигини аниқланди. Детерминация коэффиценти эса 0.70 га тенг бўлмоқда. Яъни йирик корхоналар сони ўзгаришидаги тебранишларнинг 70 фоизи вақтга боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Келтирилган натижаларга асосланган ҳолда Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик корхона ва ташкилотларнинг ҳам 2022-2025 йилларнинг 1 январ ҳолатига прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқдик (3.3.3-жадвал).

2021 йил 1 январ ҳолатига шаҳарда фаолият юритаётган йирик қурилиш корхона ва ташкилотлари сони 83 тани ташкил қилган бўлиб, прогноз натижаларига кўра 2025 йил 1 январ ҳолатига бу кўрсаткич 176 тани ташкил

қилиши аниқланди. Яъни 2,12 баробарга ошиши аниқланган бўлиб, 2017-2021 йиллардаги ўзгаришга ҳам эътибор қаратиб ўтдик, натижа 1,80 баробарни ташкил қилган.

3.3.3-жавдал

Шаҳарда фаолият олиб бораётган қурилиш соҳасидаги йирик корхоналар сонини прогноз кўрсаткичлари⁸⁵

95% ишонч оралиғи, $t(5, 0.025) = 2.571$

Кузатувлар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95% ишонч оралиғи
2022	92	15.6333	(51.8491, 132.222)
2023	116	21.4859	(60.4236, 170.886)
2024	144	29.2007	(68.5443, 218.670)
2025	176	38.5826	(76.7132, 275.072)

Бундан кўринадики кейинги даврда қурилиш соҳасидаги фаолият юритаётган йирик бизнес субъектлари сонинг шаҳардаги ўсиш суръати бироз юқорироқ қийматга эга бўлди. Агарда шаҳарда амалга оширилаётган қурилиш ишлари ҳажмига эътибор қаратадиган бўлсак, буни табиий ҳол сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки, катта ҳажмдаги қурилиш ишларини бажариш учун йирик қурилиш корхоналарига зарурат доимо мавжуд бўлади. Аммо бу кичик корхоналар сони камаяди дегани эмас, чунки қурилиш ишларини амалга ошириш учун кичик ва йирик корхоналарнинг ҳамкорликдаги фаолияти зарур бўлади, яъни шунга мос равишда кичик корхоналар сони ҳам ошиши талаб қилинади.

Хозирги кунда қурилиш объектларини тўлақонли мониторинг қилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилиш соҳасидаги харид тартиб-таомилларининг шаффофлиги ва самарадорлиги, қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг рейтинг тизимини ривожлантиришни таъминловчи «Шаффоф қурилиш»ни ташкил қилиш, 2025 йилга бориб республикадаги қурилиш объектлари умумий сонининг 50 фоизигача етказиш Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини

⁸⁵ Муаллиф ишланмаси

модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси”да алоҳида келтириб ўтилган.

Умуман олганда, қурилишда шаффофлик ва самарадорлик, қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг рейтинг тизимини ривожлантириш, қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси негизда давлат қурилиш назоратини ўрнатиш ҳамда лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларининг смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишни бекор қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик корхона ва ташкилотларнинг кейинги давр учун прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқмоқчимиз. Худудда қурилиш соҳасини ривожланишида кичик корхоналар роли жуда юқори бўлиб, амалга оширилган қурилиш ишларининг катта қисми улар ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари тадқиқотларимиз натижаларига кўра Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган жами корхона ва ташкилотларнинг катта қисми кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Яъни тадқиқ қилинаётган даврда кичик корхоналар улушининг ўртача қиймати 98,8 фоизни ташкил қилади. Прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун регрессион таҳлил усули асосида вақтга боғлиқ тренд моделини аниқлади у қуйидаги кўринишга эга бўлди.

$$Sac = 2711.79 - 172.77 * t + 102.99 * t^2 \quad (3)$$

Юқорида келтирилган моделлардаги каби ушбу ҳолатда ҳам вақтга боғлиқ тренд модели квадратик тенглама кўринишига эга бўлди. Чунки, кейинги даврда қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сонини ўсиш суръатини ошиши кузатилади. Моделни адекватлигини ифодаловчи мезонлар қийматига эътибор қаратиб ўтадиган бўлсак, аниқланган барча коэффицентлар Стъюдент мезони бўйича 95 фоизлик ишонч оралиғида адекват эканлиги аниқланди. Детерминация коэффиценти деярли бирга тенг, Фишер мезони бўйича р-қиймат жуда кичик бўлиб 0.000 ни ташкил қилмоқда (4-илова). Барча натижалар белгиланган

мезонлар доирасида бўлиб, ушбу ишлаб чиқилган моделдан прогноз қилишда фойдаланиш мумкинлигини асосламоқда. Модел асосида ишлаб чиқилган прогноз қийматлари қуйидаги кўринишга эга бўлди.

3.3.4-жавдал

Шаҳарда фаолият олиб бораётган қурилиш соҳасидаги кичик корхоналар сонини прогноз кўрсаткичлари⁸⁶

95% ишонч оралиғи, $t(5, 0.025) = 2.571$

Кузатувлар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95% ишонч оралиғи
2022	9499	158.637	(9091.07, 9906.65)
2023	11283	218.026	(10722.4, 11843.3)
2024	13273	296.311	(12511.1, 14034.5)
2025	15469	391.512	(14462.4, 16475.2)

2021 йил 1 январ ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва ташкилотлар сони 7824 тани ташкил қилади, 2025 йилга келиб эса 15469 тани ташкил қилади ва 1,98 баробарга ошиши таъминланади. Умумий ҳисоб-китоб натижаларига кўра Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони деярли икки баробарга ошиши таъминланади, фақат йирик корхоналар сони ўсиш даражасининг бироз юқори бўлиши ва нисбатан кўпроқ миқдорга ошиши кузатилади. Бу дегани йирик корхоналар инобатини нисбатан ошиши таъминланишини кўрсатади (3.3.1-расм).

Прогноз натижалари бўйича амалга оширилган ҳисоб китоблар натижаларига кўра кейинги даврда Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасидаги йирик корхона ва ташкилотлар нисбати ўсиш тенденциясига эга бўлади. Яъни 0,96 фоиздан 1,12 фоизгача ошиши кузатилади, натижада кичик корхона ва ташкилотлар улуши 99,04 фоиздан 98,88 фоизгача камаяди. Бундан кўринадики қурилиш соҳасини ривожланиши билан бирга йирик ва кичик корхона ва ташкилотлар нисбати ҳам такомиллашиб боради.

⁸⁶ Муаллиф ишланмаси



3.3.1-расм. Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган кичик ва йирик корхоналар улушини прогноз қилинаётган даврда ўзгариши⁸⁷

Нисбатнинг такомиллашиб бориши ўз навбатида шаҳарда бажарилган қурилиш ишлари ҳажмига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида бажарилган қурилиш прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқамиз. Бунинг учун 2010-2020 йилларда Тошкент шаҳрида амалга оширилган қурилиш ишларининг 2010 йил нархларидаги реал қиймати олинган. Корхоналар сони статистикаси йил бошига нисбатан олинганлиги учун уларда прогноз кўрсаткичлари 2022 январ ҳолатидан 2025 йил биринчи январ ҳолатига ишлаб чиқилган. Бажарилган қурилиш ишлари статистикаси эса йил охирига нисбатан олиб борилганлиги сабабли прогноз кўрсаткичларини 2021-2025 йиллар учун ишлаб чиқилди.

Регрессион таҳлил натижаларига кўра Тошкент шаҳрида бажарилган қурилиш ишларининг реал ҳажмининг вақтга боғлиқ функцияси порабла кўринишига эга бўлиб, юқоридаги моделлардан фарқли равишда вақтни ўзига боғлиқликни ифодаловчи коэффицент Стьюдент мезони бўйича адекват эмаслиги аниқланди. Шу сабабли ишлаб чиқилган тренд модели қуйидаги кўринишга эга бўлди.

⁸⁷ Муаллиф ишланмаси

$$Con = 1264.52 + 39.40 * t^2 \quad (4)$$

Con - Тошкент шаҳрида бажарилган қурилиш ишларининг реал ҳажми миллиард сўм.

Модел бўйича олинган натижаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда биз унинг адекватлигини асослаш масаласини қараб чиқамиз. Мазкур моделни ишлаб чиқиш жараёнида дастлабки уринишларда тренднинг ўзи билан боғлиқ коэффициентнинг адекват бўлмаганлигини ҳисобга олган ҳолда дастур асосида олинган натижаларни шу ерда келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик (3.3.5-жадвал).

Барча коэффициентлар Стьюдент мезони бўйича 99 фоизлик ишонч оралиғида адекват бўлиб, детерминация коэффициенти 0.96 га тенг эканлиги аниқланди. Детерминация коэффициенти етарли даражада катта бўлишига қарамасдан олдинги моделлар натижалари билан солиштирганда нисбатан кичик қийматга эга бўлмоқда.

3.3.5-жадвал

Model 3: OLS, кузатишдан фойдаланиш 2010-2020 (T = 11)
Rcons га боғлиқ ўзгарувчи.⁸⁸

	<i>Coefficient</i>	<i>Std. Error</i>	<i>t-ratio</i>	<i>p-value</i>	
const	1264.52	180.368	7.011	<0.0001	***
timesq	39.4040	2.99203	13.17	<0.0001	***
Mean dependent var	3077.105		S.D. dependent var		1651.421
Sum squared resid	1345362		S.E. of regression		386.6324
R-squared	0.950669		Adjusted R-squared		0.945187
F(1, 9)	173.4396		P-value(F)		3.47e-07
Log-likelihood	-80.03685		Akaike criterion		164.0737
Schwarz criterion	164.8695		Hannan-Quinn		163.5721
rho	0.410616		Durbin-Watson		1.173936

Юқорида ишлаб чиқилган модел асосида Тошкент шаҳрида амалга оширилган қурилиш ишларини 2025 йилгача бўлган давр учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқдик (3.3.6-жадвал).

⁸⁸ Муаллиф ишланмаси

Прогноз натижаларига кўра 2025 йилга бориб шаҳарда амалга оширилган қурилиш ишларининг реал қиймати 11351,9 миллиард сўмни ташкил қилиши аниқланди. Мазкур кўрсаткич 2020 йилда тошкент шаҳрида амалга оширилган қурилиш ишларининг реал қийматига нисбатан 1,86 баробарга ошиши кўрсатмоқда.

3.3.6-жавдал

Тошкент шаҳрида амалга оширилган қурилиш ишлари реал қийматининг прогноз кўрсаткичлари⁸⁹

95% ишонч оралиқлари, $t(5, 0.025) = 2.571$


Кузатувлар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95% ишонч оралиғи
2021	6938.70	499.051	(5809.76, 8067.63)
2022	7923.80	546.363	(6687.84, 9159.75)
2023	8987.70	603.738	(7621.95, 10353.5)
2024	10130.4	670.756	(8613.06, 11647.8)
2025	11351.9	746.906	(9662.32, 13041.6)

Дастлабки модел натижалари етарли даражада адекват бўлмаганлиги, ишлаб чиқилган моделнинг фақат вақтнинг квадрати билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда прогноиз натижаларини асослаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Амалга оширилган прогноз натижаларини қанчалик даражада ишончли эканлигини ифодалаш мақсадида ҳақиқий ва модел ёрдамида аниқланган қийматларни қанчалик даражада бир-бирига яқинлигини график усулда тасвирлаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик (3.3.2-расм).

Келтирилган расмда амалга оширилган қурилиш ишларининг реал қиймати ҳамда унинг модел асосида баҳоланган кўрсаткичлари келтириб ўтилган бўлиб, улар етарли даражада бир-бирига яқин жойлашганлиги хатолик даражасини кичиклигидан далолат беради. Хатолик даражасининг кичик бўлиши ўз навбатида прогноз қийматлари ишончилигини асослайди. Прогноз кўрсаткичининг 95 фоизлик ишонч оралиғи бўйича юқори ва қуйи чегаралари келтирилган ва улар ҳам прогноз қийматларига яқин жойлашган. Юқорида

⁸⁹ Муаллиф ишланмаси

келтирилган таҳлилларнинг барчаси ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичларини ишончлилигини асослашга хизмат қилмоқда.



3.3.2-расм. Тошкент шаҳрида амалга оширилган қурилиш ишлари реал ҳажмининг реал ва баҳоланган қийматлари, прогноз кўрсаткичлари

Таdqикотларимиз натижаларига кўра шаҳарда фаолият юритаётган жами қурилиш корхоналари сонинг 2025 йил 1 январ ҳолатига 1,98 баробарга бироқ, қурилиш ишларининг реал қиймати эса 1,86 баробарга ошиши ҳар бир корхона томонидан амалга оширилаётган қурилиш ишлари ҳажмини пасайишини кўрсатмоқда. Бундан ташқари корхоналар сонидаги ўзгариш 4 йил учун аниқланган бўлса, қурилиш ишлари ҳажмидаги ўзгариш 5 йил учун аниқланганлиги мазкур фарқни янада юқори эканлигини кўрсатади.

Фикримизча, қурилиш ишларини амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар сонини оширишдан ташқари уларнинг нисбатларини оптималлаштириш ва улар орасидаги интеграцион алоқаларни янада кучайтириш муҳим масалалардан бири бўлиб, қолмоқда. Шунингдек, йирик бизнес субъектларининг жамига нисбатини ошириш келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этишдаги муҳим йўналишлардан бўлиб хизмат қилади.

Учунчи боб бўйича хулосалар

1. Кичик ва йирик қурилиш корхоналарининг интеграцион ҳамкорлигини ташкил қилишда келтириб уларнинг синергетик самадорлигини аниқлаш учун таклиф қилинган моделлардан фойдаланиш субпудратчилик асосида кичик ва йирик қурилиш корхоналари ўртасида интеграцияни ташкил қилиш уларнинг самарадорлигини оширишга ва синергетик самарага эга бўлишига имконият яратади.

2. Кичик бизнес субъектларини жамига нисбатан улуши билан йирик корхоналарнинг фаоллик даражаси заиф мусбат қиймат аниқланди. Бошқа томондан йирик бизнес субъектларининг жамига нисбатан улуши билан барча кўрсаткичлар билан тескари алоқа мавжуд. Йирик бизнес субъектлари фаоллик даражаси билан жами корхоналарнинг фаоллик даражаси, яшовчанлик коэффиценти каби кўрсаткичлар орасидаги корреляция коэффиценти мос равишда 0.34 ва 0.55 тенг эканлиги аниқланди. Йирик бизнес субъектларининг яшовчанлик коэффицентининг жами корхоналарнинг фаоллик даражаси, яшовчанлик коэффицентига таъсири анча юқори бўлиб, корреляция коэффицентлари мос равишда 0,84 ва 0,74 га тенг бўлмоқда.

3. Тадқиқот натижаларига кўра Тошкент шаҳрида қурилиш ишларида кичик бизнеснинг улуши 99,5 фоизга етганида ўзининг оптимал қийматига эришган. Яъни, қурилиш ишлари ҳамини ошириш учун уни камайтириш талаб қилинган. Қурилиш соҳасидаги йирик бизнес субъектларини яшовчанлик коэффицентини бир фоизга ошиши кичик бизнес субъектлари фаоллик даражасини 0.07 фоизга, яшовчанлик коэффицентини 0.33 фоизга оширишга хизмат қилади.

4. Прогноз натижаларига кўра фаолият юритаётган жами қурилиш корхоналари сонинг 2025 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 1,98 баробарга бироқ, қурилиш ишларининг реал қиймати эса 1,86 баробарга ошиши ҳар бир корхона томонидан амалга оширилаётган қурилиш ишлари ҳажмини пасайишини

кўрсатмоқда. Бундан ташқари корхоналар сонигаги ўзгариш 4 йил учун аниқланган бўлса, қурилиш ишлари ҳажмидаги ўзгариш 5 йил учун аниқланганлиги мазкур фарқни янада юқори эканлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

1. Хорижий давлатлар тажрибалари ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун муҳим харидларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига зарур эгилувчанликни таъминлаш, қўшимча иш ўринларини яратиш, бандлик муаммосини ҳал қилишда кичик бизнеснинг роли юқори эканлигини асослайди. Кичик корхоналар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт хусусан, ҳудудларнинг иқтисодий ўсишини ошириш учун катта имкониятларни яратишга хизмат қилади.

2. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, ҳунармандчилик, субпудратчилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш асосида кичик бизнесни ривожлантириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Тошкент шаҳридаги фаолият юритаётган жами 3258 та оилавий тадбиркорлик субъектларининг 48 таси қурилиш соҳасига тўғри келади. Қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ инвестиция, маълум кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Шу сабабдан қурилишда норасмий сектор улушининг юқори қолаётганлиги соҳада оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини асослайди.

3. Соҳада олиб борилаётган чуқур ислохотлар шароитида қурилишда маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлашда буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчи ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишни бекор қилиш муҳим аҳамият касб этади.

4. Қурилиш ишларида кичик корхоналар ва микрофирмалар улуши ҳамда жами қурилиш ишлари орасида тескари боғлиқлик мавжудлиги, яъни корреляция коэффиценти -0.54 га тенглиги аниқланди. Будан кўринадики қурилиш ишларида кичик бизнес улушини юқори бўлиши унинг жами қурилиш ишларидаги улушини юқори бўлишини таъминламаяпти. Қурилиш соҳасида кичик бизнес ривожини таъминлашда норасмий секторни улушини пасайтириш

хамда улар фаолиятини легаллаштириш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш, кичик бизнес имтиёз ва преференцияларни жорий қилиш, йирик ва кичик бизнес ҳамкорлигини қўллаб қувватлаш, яширин иқтисодиёт улушини камайтириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш, қурилиш ташкилотларини тендерларда қатнашиш жараёнларини янада такомиллаштириш қурилиш ишларини амалга оширишда кичик бизнеснинг ролини оширишга хизмат қилади.

5. Республикамиз уй-жой қурилиши соҳасига инвестицияларни фаол жалб қилиш, аҳоли учун кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш мақсадида кичик ва йирик қурилиш ташкилотлари ўзаро интеграцияси асосида қурилиш-монтаж ишларини ишлар (хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариш шарти билан субпудрат ташкилотларини жалб этиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

6. Қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар юқори корреляцион боғлиқликка эга. Хусусан, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони билан бажарилган қурилиш ишлари реал ҳажми орасидаги корреляция коэффиценти 0,99 ни ташкил қилмоқда, шунингдек янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари билан 0,95 тенг эканлиги фикримиз тасдиғидир. Нофаол ва тугатилган кичик бизнес субъектлари билан бажарилган қурилиш ишлари реал ҳажми орасидаги корреляция коэффиценти мос равишда -0,04 ва -0,81 га тенг эканлиги аниқланди.

7. Кичик ва йирик қурилиш корхоналарининг интеграцион ҳамкорлигини ташкил қилишда таклиф қилинган моделлардан фойдаланиш субпудратчилик асосида кичик ва йирик қурилиш корхоналари ўртасида интеграцияни ташкил қилиш уларнинг самарадорлигини оширишга ва синергетик самарага эга бўлишига имконият яратади. Субпудратчилик асосида иш юритувчи йирик қурилиш корхоналарини мол-мулк солиғидан озод қилиш ва иқтисод қилган маблағлар ҳисобидан қўшимча субпудратчиларни жалб қилиш тизимини жорий

этиш кичик ва йирик қурилиш корхоналари ўзаро интеграцион ҳамкорлиги самарадорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

8. Кичик бизнес субъектларини жамига нисбатан улуши билан йирик корхоналарнинг фаоллик даражаси орасида заиф мусбат боғлиқлик аниқланди. Йирик бизнес субъектлари фаоллик даражаси билан жами корхоналарнинг фаоллик даражаси, яшовчанлик коэффициенти каби кўрсаткичлар орасидаги корреляция коэффициенти мос равишда 0.34 ва 0.55 тенг эканлиги аниқланди. Йирик бизнес субъектларининг яшовчанлик коэффициентининг жами корхоналарнинг фаоллик даражаси, яшовчанлик коэффициентига таъсири анча юқори бўлиб, корреляция коэффициентлари мос равишда 0,84 ва 0,74 га тенглиги аниқланди.

9. Тошкент шаҳрида қурилиш ишларида кичик бизнеснинг улуши 99,5 фоизга етганида ўзининг оптимал қийматига эришган. Яъни, қурилиш ишлари ҳажмини ошириш учун уни камайтириш талаб қилинган. Қурилиш соҳасидаги йирик бизнес субъектларини яшовчанлик коэффициентини бир фоизга ошиши кичик бизнес субъектлари фаоллик даражасини 0.07 фоизга, яшовчанлик коэффициентини 0.33 фоизга оширишга хизмат қилади.

10. Прогноз натижаларига кўра фаолият юритаётган жами қурилиш корхоналари сонининг 2025 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 1,98 баробарга бироқ, қурилиш ишларининг реал қиймати эса 1,86 баробарга ошиши ҳар бир корхона томонидан амалга оширилаётган қурилиш ишлари ҳажмини пасайишини кўрсатмоқда. Шунингдек, корхоналар сонисидаги ўзгариш 4 йил учун, қурилиш ишлари ҳажмидаги ўзгариш эса 5 йил учун аниқланганлиги мазкур фарқни янада юқори эканлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, –Т,: Адолат, 2021.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни. 2000 йил 25 май

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», “Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами”, Т.: “Шарқ”, 2002.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида” ги Қонуни 15.09.2006 й.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармони. //lex.uz/

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони. //lex.uz/

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5087- сонли қарори. //lex.uz/

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноярбдаги ПФ-6119-сонли «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони. //lex.uz/

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чорва-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4335-сонли қарори. //lex.uz/

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги ПҚ-4732-сон “Кўп квартиралли уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарори

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702 сонли Қарори қарори

1.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрга “Узоқ масофада жойлашган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг вахта усули тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли фармони //lex.uz/

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3698-сонли қарор //lex.uz/

1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 март “Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4996 сонли фармони //lex.uz/

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. //lex.uz/

1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий- иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3182-сон [Қарори](#) \\ lex.uz

1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2016 йил 28 сентябрдаги “2016-2020 йилларда қурилиш материаллари саноатининг ривожлантириш дастури тўғрисида” ги ПҚ-2615 қарори. //lex.uz//

1.19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2639-сонли қарори //lex.uz/

1.20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон фармони //lex.uz/

1.21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-2692-сонли қарори. //lex.uz/

1.22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон фармони //lex.uz/

1.23. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь/Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017.- 48 б.

1.24. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.

1.25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 йил 28 декабрь //xs.uz/uzkr/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi

1.26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ҳалқ сўзи газетаси 23 декабрь 2017 йил.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:

2.1. Воронин В.А. методология управления интеграционными процессами инвестиционно-строительной деятельности в условиях модернизации национальной экономики: Автореф. дисс.док. эк. наук. -М.: МГУ. 2011. - 46 с.;

2.2. Загидуллина Г.М. Управление экономическим развитием строительных организаций различных форм собственности: Дис. д-ра. экон. наук. - М., 2016.-С. 275.

2.3. Земцов С. Малый и средний бизнес как фактор экономического роста России / Ин-т экон. политики им. Е.Т. Гайдара. – М.: Изд-во Ин-та Гайдара, 2019. – 308 с.: ил. – (Научные труды / Ин-т экон. политики имени Е.Т. Гайдара; № 178Р).ISBN 978-5-93255-548-4.;

2.4. Каракотова З.Х.Инновационный потенциал предприятий строительного комплекса региона// [Электронный ресурс] // Режим доступа: <http://uecs.ru/uecs-39-392012/item/1103-2012-03-05-06-58-42.;>

2.5. Курцева К.Ю. Зависимость развития строительной отрасли от научных разработок // ПАНОРАМА: научный журнал / Воронеж. гос. ун-т. Воронеж, 2011/2, с.113-116.;

2.6. Қурбаниязов Ш.К. Производство строительных материалов на современном этапе экономического развития Узбекистана. //Biznes-эксперт, 2017 йил, №11(119). (08.00.00; № 3).

2.7. Кальметов Б.Д., Казимов В.А., Гимуш Р.И. Углубление экономических реформ в строительном комплексе Узбекистана. Монография Ташкент, 2006. 186 с.;

2.8. Королева М.А. Экономика строительного предприятия : учеб. пособие / [М. А. Королева, Е. С. Кондюкова, Л. В. Дайнеко, Н. М. Караваева]; М-во науки и высш. образования Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. — 202 с.;

2.9. Ниязов С.М. Экономическое реформирование производственно-технической базы строительства.-Т.: Изд-во«Fan va texnologiya», 2010.-176с.;

2.10. Мацоян Д.О. Интеграция как инструмент повышения конкурентоспособности предпринимательских структур в строительстве. Вестник ТГУ, выпуск 1 (105), 2012.;

2.11. Махмудов Э. Х. Промышленность Узбекистана: экономика, размещения, приоритеты развития (вопросы теории и практики) Ташкент: Иктисодиет, 2013. 131 с.;

2.12. Суюнов А. Модернизация экономики капитального строительства на основе совершенствования инвестиционных процессов.- Т.: «Fanvatexnologiya», 2010.-164 с.;

2.13. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иктисодий механизмларини такомиллаштириш. Монография, Т.: Молия 208.,2016

2.14. Зияев М.К.,Давлетов И.Х. Совершенствование управления инвестиционно-строительным процессом в условиях углубления рыночных отношений // Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы: Матер. межд. науч.- прак.конф. БФА РУз, 26-27 сентября 2008 г. – Ташкент: “Молия”, 2008. - С.46-49;

2.15. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. иқт.фан.док. дисс. -Т.: ТДИУ. 2008.-298 б.;

2.16. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док. дисс. -Т.: ТДИУ. 2000.-338 б.;

2.17. Зайнутдинов Ш. Н., Нуриббетов Р. И. Ресурсная база и потенциал производство Узбекистана: использования и эффективность (региональный аспект)// Бюллетень науки и практики. Электрон. журнал 2017. №10 (23). С. 207-212. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/zaynutdinov> (дата обращения 15.10.2017);

2.18. Ҳикматов А. М. Инвестиционная политика в условиях либерализации экономических реформ в Узбекистане.//Рынок, деньги, кредит, №6,2000;

2.19. С.С.Фуломов. “Тадбиркорлик ва кичик бизнес”. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Бош таҳририяти. 2002. – 369 бет;

2.20. Фоломеев Е.В. Процессный подход к управлению субъектами малого предпринимательства в строительстве как способ повышения эффективности их деятельности. М., Сметно-договорная работа в строительстве, № 6, 2012.

2.21. Фоломеев Е.В. Современное состояние и проблемы малых предприятий в строительной отрасли России // Мир. 2011. № 4 (8).;

III. Илмий мақола ва рисолалар.

3.1. Ахмедова Н.Ш. “Роль малого бизнеса и инвестиций в развитии экономики” Бухарский инженерно-технологический институт, Российский государственный университет имени А.Н.Косыгина (Технологии. Дизайн. Искусство), Донской государственный технический университет Международная научно-практическая конференция: “Современные инновационные технологии в легкой промышленности: проблемы и решения”, 19-20 ноября 2021 года. 556-558 стр.

3.2. Ахмедова Н.Ш. “Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи қурилиш ташкилотларининг ривожланиш тенденциялари” /“Архитектура ва қурилиш

соҳасида инновация, интеграция, тежамкорлик” мавзусидаги халқаро on-line илмий - амалий конференция 2021 йил 5-6 май, 551-556 бетлар.

3.3. Н.Ш.Ахмедова. “Қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлари интеграцияси самарадорлигини ошириш” Тошкент архитектура-қурилиш институти /“Архитектура, қурилиш ва дизайн илмий-амалий журнали”2021йил 3-сон. 228-235 бетлар.

3.4. Ахмедова Н.Ш., “Қурилишда кичик ва йирик бизнес субъектлар интеграцияси самадорлигини ошириш”. “Архитектура. Қурилиш. Дизайн”. Илмий-амалий журнал. 3-сон ТАҚИ-2021.228-235 бетлар.

3.5. Малый и средний бизнес как фактор экономического роста России / Институт экон. политики им. Е.Т. Гайдара. – М.: Издательство Института Гайдара, 2019. – 308 с.: ил. – (Научные труды / Институт экон. политики имени Е.Т. Гайдара; № 178Р). – ISBN 978-5-93255-548-4.;

3.6. Даниил Олегович Мацоян. Интеграция как инструмент повышения конкурентоспособности предпринимательских структур в строительстве. Вестник ТГУ, выпуск 1 (105), 2012., Воронин В.А. методология управления интеграционными процессами инвестиционно-строительной деятельности в условиях модернизации национальной экономики: Автореф. дисс. док. эк. наук. -М.: МГУ. 2011. - 46 с.;

3.7. Экономика строительного предприятия : учеб. пособие / [М. А. Королева, Е. С. Кондюкова, Л. В. Дайнеко, Н. М. Караваева] ; М-во науки и высш. образования Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. — Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2019. — 202 с.;

3.8. Курцева К.Ю. Зависимость развития строительной отрасли от научных разработок // ПАНОРАМА: научный журнал / Воронеж. гос. ун-т. Воронеж, 2011/2, с.113-3.2. Авдашева С. Государственная поддержка в регионах: состояние и проблемы реорганизации // Вопросы экономики. - 2001. – J 25. - С. 113-125.

3.9. Точицкая ИЗ. Показатели конкурентоспособности регионов // Белорусский экономический журнал.2003. № 3.

3.10. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. - М.: Вымпел, 1991. - С.89-94.

IV. Хорижий адабиётлар

4.1. ILOSTAT employment distribution by economic activity – ILO modelled estimate Nov 2019. <https://www.worldbank.org/en/topic/sme/finance>

4.2. Bizuayehu Daba Feyisa; Kaleb Amanu Tamene (2019). The Roles of Micro and Small Enterprises in Empowering Women: The Case of Jimma Town, Ethiopia. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, Volume 6, Issue 2 April, 2019 (pp. 190-202). <http://dx.doi.org/10.18415/ijmmu.v6i2.697>

4.3. Kaplan R.S., Norton D.P. Alignment: Using the Balances Scorecard to Create Corporate Synergies Harvard Business Review Press, 2006-320 p.

4.3. Nielsen, K.J., Lauritzen, J., Lander, F., Andersen, L.P., Kines, P., Ozmec, M.N., Karlsen, I., Grytnes, R., 2012.

4.4. Safety in the Building and Construction Industry. Danish Ramazzini Centre, Department of Occupational Medicine, Herning Regional Hospital, Denmark.; Critical success factors for managing construction small and medium-sized enterprises in developing countries of Middle East: Evidence from Iranian construction enterprises. Journal of Building Engineering 43 (2021) 103152.;

4.5. Hadi Sarvari, Daniel W.M. Chan, Ali Khalid Fakhir Alaeos, Timothy O. Olawumi, Alaa Abdalkarim Abdalridah Aldaud. Critical success factors for managing construction small and medium-sized enterprises in developing countries of Middle East: Evidence from Iranian construction enterprises. Journal of Building Engineering 43 (2021) 103152.;

4.6. E. Noorzai, M. Golabchi, Selecting a proper construction system in small and medium mass housing projects, considering success criteria and construction volume

and height, *J. Eng. Des. Technol.* 18 (4) (2020) 883–903, <https://doi.org/10.1108/JEDT-09-2019-0227>.;

4.7. T.O. Olawumi, D.W.M. Chan, Identifying and prioritising the benefits of integrating BIM and sustainability practices in construction projects: a Delphi survey of international experts, *Sustainable Cities and Societies* 40 (2018) 16–27.;

4.8. Thomas R. Cunningham, Rebecca J. Guerin, Brenna M. Keller, Michael A. Flynn, Cathy Salgado, Dennis Hudson. Differences in safety training among smaller and larger construction firms with non-native workers: Evidence of overlapping vulnerabilities. *Safety Science* 103 (2018) 62–69;

4.9. Piotr Nowotarskia*, Jerzy Paslawskia. Barriers in running construction SME – case study on introduction of agile methodology to electrical subcontractor. *Procedia Engineering* 122 (2015) 47 – 56.;

4.10. Riza Yosia Sunindijoa. Improving safety among small organisations in the construction industry: key barriers and improvement strategies. *Procedia Engineering* 125 (2015) 109 – 116.

4.11. Calbraith Jay. R. Jawlev Edward E. and associates. Organizing for the Future. *The New Jogie for Managing Complex Organizations*. San-Francisco, Ca.: Yossey-Bass InePubeloshevs, 1993, p.310.

4.12. Thomas R.L. Modern econometrics. - England.: Manchester Metropolitan University, 1998. - 211 p.

4.13. Gitahi Leda. A New Paradigym of Industrial organization. *The Diffsion of Technological and Managerial Innovations in the Brazil Industry*. Thesis of Ph.D, Stokholm, 2000.

4.14. Kidduntu Moses N. *Managing Organizations in developing countries. An Operational and Strategic Approach*. West Hartford, Connecticut: Kumarian Press, 1992, p.328.

4.15. Why do only one third of UK companies vealise significant strategic success? 2 GC Working Paper, May 2001. www.2gc.co.uk

4.16. Mikherjee Avindan and Sastry Trilochan. The Automotive Industry in Emerging Economies: A comparison of Korea, Brasil, China and India. Ahmedabad, India: Indian Institute of management. 1996, March.

4.17. Albrecht K. Successful Management by Objective. An Action Manual. Englwood Cliffs: A.Spectrum Book. Prentice-Hall Inc., 1978, P.222.

4.18. Weinrich Heinz. How to Set Goals That Work for Your Company – And Improve the Bottom Line! www.usf.edu

4.19. Perles Philip J., You will implement MBO. www.airpower.maxwell.af.mil/other/publications/087.shtml.

4.20. Report of the Committee on the financial Aspects of Corporate Governance (Cadbury Report). Para. 2.5. URL: www.ecgn.org/

4.21. Stretgie Development. Methods and Models. Ed by Probert G.Dyson and Frances A. O'brlen. NewYork: John Wileysi Sons, 1998, p.331.

4.22. Ive, G and Gruneberg, L., (2000). The Economics of The Modern Construction Sector, Macmillan Press Ltd, UK; Hillebrandt, P.M. (2000). Economic Theory and the Construction Industry, 3rd, Macmillan Press Ltd, UK; Ganesan, S., (2000).

4.23. Employment, Technology and Construction Development. Ashgate, UK; Anaman K.A. and Amponsah, C. (2007). Analysis of the causality links between the growth of the construction industry and the growth of the macro economy in Ghana.

4.24. Institute of Economic Affair. Accra. Ghana.; Khan R.A. (2008). Role of Construction Sector in Economic Growth: Empirical Evidence from Pakistan Economy. Advancing and Integrating Construction Education, Research & Practice, International Conference on Construction In Developing Countries, Karachi, Pakistan.; Oladinrin, T.O., Ogunsemi, D.R., Aje, I.O. (2012). Role of Construction Sector in Economic Growth: Empirical Evidence from Nigeria. Jorunal of the Environment. Vol. 7 No 1.; Rangelova, F. (2015). Fundamentals of economics in sustainable construction. Bultest Standard Ltd. Bulgaria.

V. Интернет материаллари

www.worldbank.org

www.ilo.org

www.stat.uz

www.lex.uz

www.gov.uz

www.cbu.uz

www.uza.uz

www.tseu.uz

www.tfi.uz

www.bfa.uz

www.ec.europa.eu

www.oecd.org

www.sba.gov